АБДУҲАКИМ МАМАНАЗАРОВ

СОЛИҚ СИЁСАТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
"УСТОЗ" ЖАМҒАРМАСИ

АБДУҲАКИМ МАМАНАЗАРОВ

СОЛИҚ СИЁСАТИ

Академик С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

Тошкент—"Молия"—2003

230

УДК: 336.77; 336.72

Маманазаров А. Б. Солиқ сиёсати. Т.: «Молия нашриёти, 2003 й. 148 б.


Ушбу ўқув қўлланмада Ўзбекистон давлатчилиги тарихида солиқлар ва йиғимларнинг жамият ҳаётида, миллат барҳаётлигида тутган ўрни мисоллар билан талқин қилинган. Нега минтақамиз ҳудудида жаҳон тарихида теран из қолдирган давлатлар юзага келди, қайси сабабларга кўра улар инқирозга юз тутди, нега «солиқчилик»дек тамойилга таяниб иш кўрилади? Ана шундай қизиқарли саволларга жавоб топишга интилган ҳар бир маърифат соҳибига ҳали илмий истеъмолга кенг тадбиқ этилмаган манбалар келтирилган. Солиқлар давлатнинг дунёвий характерицан келиб чиқиши ва тараққиётга хизмат қилишини кенг ёритишга ҳаракат қилинган.

Ўқув қўлланма олий таълим муассасаларининг иқтисодиёт, молия, солиқ ва солиққа тортиш ҳамда бошқа йўналиш ва мутахассисликларида таҳсил олаётган талабаларга, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига мўлжалланган, шунингдек, молия-солиқ тизими мутахассислари ва бошқа китобхонлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топади деган умиддамиз.

Тақризчилар: М. Шарифхўжаев, и.ф.д., академик
М. Саидов, и.ф.д.

478449

© Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
«Молия» нашриёти, 2003й.



К И Р И Ш

Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёт босқичларида соликларнинг вужудга келиш тарихи давлат пайдо бўлиши билан чамбарчас боғликдир. Шу сабабдан солиқ солишнинг жаҳон ҳамда мамлакатимизда келиб чиқиш ва шаклланиш тарихини, асосий жиҳатларини ўрганиш бугунги кунда давлат хазинасини бойитишда ва соликларни тўғри шакллантиришда, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда, бозор иқтисодиёти шароитида соликлардан иқтисодий бошқарув воситаси сифатида фойдаланишда алоҳида аҳамият касб этади.

Солиқ муҳим иқтисодий категория, унинг турли шаклларда пайдо бўлиши ва амал қилиши кишилик жамияти билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг уч минг йиллик тарихи, солиқ тизимининг ҳам шунчалик тарихга эгалигидан далолат беради. Ўша даврларда Мовароуннаҳр ҳудудида Бактрия (Сурхон воҳаси), Суғд (Зарафшон ва Қашқадарё водийлари), Хоразмнинг деҳқончилик воҳаларида илк жамиятлар шаклланган. Милоддан аввалги VIII асрларда Хоразм ва Оролбўйларида Зардўшт динидаги аждодларимиз яшаган давлат вужудга келган.

Жаҳон иқтисодиётининг тараққиёт тажрибалари шуни кўрсатадики, соликлар иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда муҳим восита бўлиб келган.

Соликлар давлатларнинг молиявий фаолиятини таъминлаш ва кафолатлашга хизмат қилган.

Амалиётда ва иқтисодиётда соликлар моҳиятига нисбатан турлича қарашлар бўлган. Шу боис ҳар бир давлат соликлардан ўзига хос тарзда ва турли шароитларда ҳар хил шаклларда фойдаланиб келган.

Соликларнинг вужудга келиши ва шаклланиши давлат пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Маълумки, кишилик жамиятининг илк босқичларда, яъни ибтидоий жамоа тузумида соликлар бўлмаган.

Қулдорлик давридан бошлаб меҳнат унумдорлиги ўсиши ва ошиқча маҳсулот олиш имкониятининг юзага келиши рўй беради.

Айни вақтда бошқарув тизимлари билан изма-из **"давлат"** ва **"давлатчилик"** тушунчалари юзага кела бошлади ва аста-секин ривожланиш жараёнида унинг вазифалари ҳам мувофиқ равишда кенгайиб бораверади. Бу эса, ўз навбатида, солиқларга нисбатан қўйиладиган талаблар кучайишига олиб кела бошлайди. Қарабсизки, тобора солиқ тизими мураккаблашиб ва кўп қиррали кўринишлар билан шаклланаб бошлайди. Жамият ривожланиши тарихи шуни кўрсатадики, давлат фақатгина маъмурий бошқарув билан шуғулланган ҳолларда, унинг эҳтиёжлари маълум даражада сақланиб қолади, давлатнинг иқтисодиётни бошқариш мажбурияти пайдо бўлса, унинг харажатлари ва аҳолидан олинадиган тушумлари кўпайиб бораверади.

Ушбу ўқув қўлланмада она-Ватанимиз тарихидаги солиқлар ва уларнинг жамият ҳаётида, давлатчиликда тутган ўрни, жаҳондаги илғор мамлакатлар солиқ сиёсати хусусида аналитик баҳс-мулоҳаза юритилган. Бунинг учун айрим тарихий воқеалар ва буюк сиймоларга мурожаат этдик, давлат бор экан солиқ бўлишини, солиқ жамият негизини ташкил этувчи ижтимоий ҳодиса эканлигини англатишга ҳаракат қилдик. Буюк Амир Темур "даромад солиғи"ни кашф этганлигини асослаб бериш асносида Жўйборий хожаларининг рақобатсиз ва солиқсиз хўжалик фаолиятига ҳам қисқача тўхталдик. Мовароуннаҳрда солиқлар ва олиқларнинг тури кўп бўлганидан муҳимларига эътиборни қаратдик. Тарихий, ижтимоий, ҳам иқтисодий категория сифатида мустақил Ўзбекистон солиқ сиёсатига доир фикр-мулоҳаза ва таклифлар қўлланманинг сўнгги қисмларида берилди. Бир сўз билан айтганда, даромад олган шахс солиқ тўлайди, солиқни тўғри ундирган давлат ва жамият ривож топади деган хулосани асослашга уриндик. Айрим мулоҳазалар баҳсталаб бўлиши мумкин. Хусусан, тарихий солиқлар таърифлари ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмагани, кўпдан-кўп манбалар жалб этилмагани туфайли тўлиқ яққоллаштирилмаган. Хуллас, муаллиф билан минтақа солиқ тарихига ва жаҳон иқтисодиёти диёрига тафаккур саёҳати асносида кўп нарсани билиб оласиз, биз билан баҳслашасиз деган умиддамиз.

Биринчи бўлим

СОЛИҚ ВА СОЛИҚ СИЁСАТИ ҲАҚИДАГИ ИЛК ҒОЯЛАР

Бизгача етиб келган тарихий, ҳуқуқий, диний ва бошқа манбаларнинг кўпчилигида солиқлар жуда узоқ тарихга эга бўлган қадимий ижтимоий ҳодиса бўлиши билан бирга, уларнинг турлари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар бор. Масалан, қадимги Шарқ мамлакатларида солиқлар аҳолидан Қуръони карим нозил этилганидан сўнг (ундан олдин ҳам) шахсий мол-мулк, ер ости бойликлари, ердан олинган ҳосил, уй ҳайвонлари ва бошқалар учун **"закот"** тариқасида ундирилган.[1]

Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларидаёқ Марказий Осиё ҳудудларида кўчманчилик шароитида, ўзлари учун қулай жой излаб юрган кўплаб уруғ ва қабилалар, ер майдонлари, сув, ўтлоқларни эгаллаш мақсадида курашиб келганлар. Ҳатто, айрим ҳолларда улар ўзларидан кучлироқ, йирик қабилаларга ер солиғи — **ўлпон** тўлаб турганлар.

Аҳамонийлар ҳукмронлиги даврида (милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталари) Марказий Осиёда яшовчи қабилалардан солиқлар салкам икки аср мобайнида йиллик **хирож** ва ҳарбий отрядлар етказиб бериш шаклида ундирилган. Бу даврда солиқ турлари ҳам ҳар хил бўлган. Масалан, сак (шак) ва каспийлар каби қабилалар икки юз эллик талант (бир талант 25 кг. 248 гр. соф олтинга тенг бўлган), демак, 6312 кг. миқдорида, парфияликлар, хоразмийлар, суғдлар ва орийлар уч юз талант — 7574,4 кг. миқдорида хирож тўлашган. Қатъий белгиланган хирожлардан ташқари ҳар хил сабабларни рўкач қилиб қўшимча солиқлар ҳам жорий этилар ва улар сув йўлини тўсиб қўйиш ёки бошқа хил зўравонлик "воситалари"ни қўллаш каби таҳдидлар орқали ундириб олинар эди.

Эрондаги қадимги Персополь шаҳридан топилган узоқ аждодларимиз — бақтрияликлар, хоразмликлар, суғдлар ва саклар тасвирланган расмларда, саклар кийим-кечак, бақтрияликлар туя ва идишлар, хоразмликлар дудама ханжар,

---

[1] Қуръони карим. Шайх Аълоуддин Мансур таржимаси. Тошкент, "Шарқ", 2001. Турли сураларнинг тегишли оятлари.

жанговар болта, билакузук ва отни шоҳга олиб бораётган манзара чизилган. Суғд битикларига кўра, Ўрта Осиё вилоятларига машҳур отлар, олтин, ложувард, фируза ва қимматбаҳо тошлар олиб келинган. Демак, милоддан аввалги даврларга назар соладиган бўлсак, ўша даврларда ҳам солиқ ундиришда яратилган буюмлар ва табиий ашёларга "натура" тамойили қўлланган дейишимизга асос бор. Қисқаси, солиқларнинг пайдо бўлиши ривожланишнинг дастлабки асосларини яратди: каналлар қазилиб, ерлар ўзлаштирилди.

Македониялик Александр Марказий Осиёни босиб олиб, уни ўз салтанати таркибига киритгач, минтақамиз солиқларни юнонлар тамойили бўйича тўлашга мажбур қилинган.

Юнонистонда солиққа тортиш Марказий Осиёдагидан фарқ қилиб, солиқлар даромад солиғи ва эҳсонлардан иборат бўлган. **Даромад солиғи** даромаднинг ўндан ёки йигирмадан бири миқдорида ундирилган ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадлари йўлида ишлатилган. Александр Марказий Осиёда асосан Аҳомонийлар барпо этган давлат аппарати тузилмасини сақлаб, маҳаллий зодагонлар таркибидан **сатраплар** ҳокимиятини тузган. Махсус солиқ хизмати жорий қилмаган, солиқ ундириш вазифаси муайян бир кишига юклатиб қўйилган. Улар эса солиқ тўловчилардан хазина билан тузилган шартномада белгиланган ҳажмдан кўпроқ солиқ йиғиб, ўз манфаатлари учун ҳам қўшимча маблағлар тўплаб олишган.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, греклар ҳукмдор **Салавкийлар давлатида** анчайин мураккаб солиқ тартиби мавжуд бўлиб, ҳукмдорлар ўзларича мавжуд бўлган солиқ тартибини ўзлаштирган ҳолда унга бирмунча ўзгартиришлар киритадилар. Деҳқонлардан ер солиғини ундириш ҳукмдор сатраплар вазифаси эди. Солиқлар миқдори аниқ белгиланган бўлиб, вилоятлардан келадиган умумий тушумлар қишлоқ жамоаларидан тушадиган солиқларга боғлиқ бўлган. Шу тариқа, **солиқ йиғувчилар институти** ҳам дунё юзини кўрди.

Шу ўринда қадимий Сурхон воҳасида Юнон-Бақтрия давлатига қарши аждодларимиз томонидан тузилган кудратли Кушон давлати ва унинг иқтисодий ҳаёти, жумладан, солиқ сиёсатига қисқача тўхталиб ўтсак. Маълумки, милоддан аввалги 155 йилда Юнон-Бақтрия давлати инқирозга юзланади. Бундан фойдаланган кушонлар милоддан аввалги 140 йили Суғд орқали Бақтрияга

бостириб кирадилар ва Шимолий Бақтрия ҳудудларини эгаллаб оладилар. Юэчжилар, яъни кушонлар 100 йил давомида бешта қабилага бўлиниб яшайдилар. Кушон қабиласи сардори Кудзула Кадфиз қолган тўртала қабила ябғусини ҳам ўзига тобе этиб, барча қабилалар устидан ҳукмронлик қилар эди. Кудзула Кадфиз ўз давлатини беклик деб эълон қилган ва ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида жойлашган Далварзинтепани ана шу беклик пойтахтига айлантирган. Давлати чегараларини кенгайтириш ва қудратини мустаҳкамлаш мақсадида бу ҳукмдор Амударё чап соҳили туманларини эгаллашга бел боғлайди, тез орада Хуросон, Афғонистон ва Кашмирни ҳам ўз тасарруфига олади. Кудзула Кадфиз саксон ёшида оламдан ўтган бўлса-да, Кушон давлатининг ҳали ўз пули йўқ эди. Қудратли ҳукмдор тангаларни Рим империяси ва Парфия подшолари зарб этган тангаларга тақлидан чиқарган. Шу боисдан Далварзинтепадан топилган нодир тангаларда "Кудзула Кадфиз ябғу", кейинроқ эса "ҳукмдор Кадфиз" ёзувларини учратамиз. "Ябғу" эса, наинки давлатчилик тушунчаси, балки соликчилик тушунчаси ҳамдир. "Ябғу" — соликларни йиғдирувчи ва тасарруф этувчи амалдорни, яъни ҳукмдорни англатарди. Кудзула Кадфиз вафотидан кейин тахтга ўтирган ўғли Вима Кадфиз энди ўз номидан тангалар зарб эттиради, Покистон ва Ҳиндистоннинг марказий вилоятларини эгаллаб олади, 30 йил ҳукмдорлик қилади. Ундан кейин тахтга чиққан Канишка Ҳиндистон жануби баробарида Суғдиёна, Хоразм ва Чоч вилоятларини ҳам тасарруфига киритади. Канишка даврида "шоҳларнинг шоҳи — улуғ халоскор" ёзуви билан тангалар зарб этилган, буддавийлик дини давлат мафкурасига айланган, пойтахт Далварзинтепадан Пешоварга кўчирилган. Бу империя сарҳади тахминан 12 миллион квадрат километрни ташкил этарди. Канишка 23 йил ҳукмдорлик қилганидан кейин ўғли Васишка 4 йил, Хувишка 32 йил, Васудева 34 йил ҳукмронлик қилади. Васудева даврида империя иккига бўлинади, бир қисмини Васудева, иккинчи қисмига эса Учинчи Канишка ҳукмронлик қилади. Ҳар иккаласи ҳам ўз номидан тангалар зарб эттиради.

Кушон подшоҳлари Рим империяси билан дипломатик алоқалар, Шарқий Туркистон учун Хитой билан урушлар олиб борган эди.

Айнан Вима Кадфиз ҳукмронлиги даврида пул ислоҳоти

ўтказилган, зарб этилган пуллар-олтин, кумуш ва мис тангалар тоифаларига ажратилган. Ҳар бири 8 грамм бўлган олтин тангалар ташқи савдо учун зарб этилганки, бунда ўзига хос халқаро валютани кўрамиз. Аждодларимиз кушонлар Осиёда қудратли давлат тузишининг негизи ҳам айнан ана шу иқтисодий ҳодисада мужассамлашган эди.

Хуллас, Кушонлар даврида (милоддан аввалги I аср — милодий III асрларда) меъморчилик ва санъат юксалди, ҳайкалтарошлик ва ҳунармандчилик равнақ топди, ички ва ташқи савдо тараққий этди, йирик-йирик суғориш иншоотлари бунёд этилди, этник маданияти, дини, одатлари ҳар хил миллатлар бирлаштирилди, шу билан бирга Кушон подшоҳлиги Марказий Осиё халқларининг Сосонийлар тарих саҳнасига чиқишидан аввалги юксак маданиятига якун ясади. Кушонлар буддавийлик динини бутун Осиёга тарқатди. Хитой манбалари ҳақли равишда "Дунё уч қисмга: Хитой, Кушон ва Римга бўлингандир" деб ёзишган. Бу салтанат айнан солиқ сиёсатини тўғри ташкил этгани боис қудратли бўлган ва узоқ ҳукмронлик қилган. Олтин тангалар халқаро савдони таъминлаш баробарида олтин тангада олинадиган божни, кумуш ва мис чақалар ички савдони таъминлаши баробарида ана шу тангалардаги тушумлар — солиқлар ва йиғимларни таъминлаган.

Ҳали биз улуғ аллома **Ибн Халдунга** (1336—1406 йилларда яшаган) мурожаат этганимизда, давлат навқиронлиги ва кексайиши назариясига, бунда солиқларнинг роли масаласига тўхталамиз. Айтиш керакки, Кушонлар империяси айнан олтин тангаларни халқаро муомаладан чиқариб, ҳар хил ҳайкаллар ясашга муккадан кетиши бутун бошли цивилизация заволига майдон ҳозирлаган ва Сосонийлар бу давлатни тугатиб ташлаган. Аммо Кушонлар мероси инсоният тарихидан кетмади: Кўктурклар ҳам, Қорахонийлар ҳам, Салжуқийлар ҳам, Хоразмшоҳлар ҳам, Темурийлар ҳам айнан Кушонлар давлати қалби бўлмиш Мовароуннаҳр орқали Шарқ ва Ғарбни боғлашга эришганларки, бу халқнинг қонида "катта давлат кенг имкониятлардир" деган мақбул ақида яшаб келганидан далолат беради. Бинобарин, Амир Темур Кушонийларнинг фискал ва солиқ сиёсатини янгича заминда давом эттирган.

Ибн Халдун назариясига кўра, давлат навқирон кезларида сахий бўлади — Вима Кадфиз олтин тангаларни халқаро

муомалага чиқарган эди, — кексайиб қолган кезларида эса хасислашиб қолади — тангалар ҳайкалларга айланган, фаол муомала сўниб қолган, демак, энди аҳолига зулм ўтказилади. Бу қадрият ҳозир ҳам амал қилади: ривожланган мамлакатлар ўз валюталари халқаро майдонда муомалада бўлишига интиладилар, демак, аждодларимиз англаб етган қадриятларга амал қиладилар. Кушонлар ҳам барча туркийлар сингари кўчманчи бўлишган, аммо айнан катта макон, кенг улус, кучли савдо-сотиқ тараққиёт асоси эканлигини англаб етишган.

IV—VI асрлардаги туркий қавмлар тарихига оид қадимги манбаларда қабилалар, уруғлар ўртасида содир бўлган тўқнашувларда мағлубиятга учраган томон аҳолиси янги ҳукмдорларига мавжуд **ер** ёки **чорвалари** учун соликлар тўлаб турганлиги, деҳқончилик ёки чорвачилик билан шуғулланиш имкони бўлмаган жойларда эса солиқ ўрнига белгиланган миқдорда конлардан маъданлар қазиб берганликлари каби ҳодисалар ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

Табиий усул (дарё суви) билан суғориладиган ерлардан олинадиган ҳосилнинг ўндан бири (ушр) миқдорида, агар ҳосил чиғириқлар, челаклар каби сунъий усуллар ва воситалардан фойдаланган ҳолатларда етиштирилса, ушрнинг ярми ёки ҳосилнинг йигирмадан бири миқдорида "закот" берилган. "Ҳадис"ларда кўрсатилишича: "Осмон (ёмғир) ва булоқлар ёки ер ости сизот сувлари билан суғориладиган экинга ушр (ҳосилнинг ўндан бири), чиғириқлар ёрдамида суғориладиган экинга эрса ярим ушр солиқ солингайдир", деб ривоят келтирилиб, раъиятдан қайси ҳолатда ва қай йўсинда солиқ ундирилиши тўғрисида таъкидлаб ўтилган. Демак, табиий усул билан суғориладиган ерларга, сунъий усул билан суғориладиган ерларга нисбатан инсон меҳнати кам сарфланишини инобатга олиб, сунъий усул билан суғориладиган ерлардан олинган ҳосилдан солиқ икки баравар кам ундирилган, яъни инсон меҳнати кам сарфланган, табиий усулда суғориш йўли билан етиштирилган ҳосилдан закот икки ҳисса кўпроқ ундирилган.

Араблар Марказий Осиёга бостириб келгач, 651 йилдан бошлаб, солиққа тортиш тизими бирмунча мураккаблашди ва соликларнинг турлари кўпайиб борди. Масалан, хайр-эҳсон эҳтиёжлари учун солиқ-закот ижтимоий кескинликни юмшатиш учун мўлжалланган, камбағаллар, етимлар ва йўловчиларга хайр-

кескин қисқартириб юборгандан сўнг Ашрас Гуракнинг ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилиб, **"Араб ҳокимиятининг кучи — хирожда"** деган шиорни кўтариб чиққан. У ўз вақтида ал-Жарроҳ таклиф қилган сиёсатга қайтиб, жузядан хатна қилдирган янги мусулмонларгина озод этилади деган ғояни олға сурган.

Суғд ва Бухоро аҳолиси бу адолатсизликка нисбатан қаршилик билдириб, қўзғолон кўтаришган. Самарқанд атрофида етти минг кишидан иборат суғдийлар тўпланишиб, итоат этмасликларини намойиш қилишган.

Ниҳоят, олиб борилган номаъқул солиқ сиёсати туфайли арабларга қарши қудратли ҳаракат авж олиб, Мовароуннаҳр беш йилдан кейин араблар тасарруфидан халос қилинган, аммо у фақат IX аср охирига келибгина мустақил бўлишга эришган.

Араб халифалиги ҳукмронлиги тугаши билан деҳқонлар аҳволи ўзгариб, натура мажбуриятлари бир қадар енгиллашган. Тоҳирийлардан **Абулаббос Абдуллоҳ** (830—844 йилларда ҳукмдор) амалдорлардан деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилишини сўраб, ўз талабини "Оллоҳ бизни уларнинг қўли билан боқади, уларнинг оғизлари билан табриклайди ва уларни хафа қилишни ман этади", деб асослаган.

Шундай қилиб, икки асрдан кўпрок ҳукмронлик қилган араблар салтанати тугаб, **Сомонийлар** (869—1005 йиллар) ҳукмронлиги майдонга чиқди. Сомонийлар давлатида ўнта девон (вазирлик) бўлиб, шундан учтаси — **Девони муставфий** (кирим-чиқим ишларини бошқарган) ва **Девони мухтасиб** (бозорда тошу тарози, нарх-наво ва мусулмонлар томонидан шариат қоидалари бажарилиши устидан назорат қилган), **Девони мушриф** (давлат ишлари, хусусан кирим-чиқим ишларини юритган) солиқларни (ҳам) назорат қилган.

Сомонийларнинг бошқарув тизимида Муставфий девони даромад ва харажатлар учун жавобгар олий молия амалдори маҳкамаси сифатида алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва солиқларни мунтазам кузатиб борган.

Сомонийлар даврида солиқлар тизими тўғрисида тарихчи Наршахий, географ Мукаддасий қуйидаги фактларни ёзиб қолдирганлар. Фақатгина Бухоро вилоятининг Сомонийлар давлати хазинасига берган солиғи, Наршахийнинг кўрсатишича, йилига 1.168.567 дирҳамни ташкил этган.

Мукаддасийнинг таъкидлашича, Сомонийлардан **Нуҳ ибн Наср**

(943—954) даврида бир йилда икки марта, бир йил олдиндан ҳам солиқлар йиғилиб, халқ қаттиқ азобланган.[3]

Сомонийлар сулоласидан бўлмиш Бухоро ҳокими **Исмоил ибн Аҳмад** (892—907 йилларда ҳукмдор) ўз ворисларига ички бошқарув ишлари билан шуғулланиш имконини — қишлоқ хўжалиги, кон иши ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, карвон савдосини кенгайтириш, муваффақиятли солиқ сиёсати кабиларни бошқаришни юклаб қўйган. Натижада, давлатнинг мусулмон оламида энг юқори ўринлардан бирига кўтарилишига сабабчи бўлган. Шу даврдан бошлаб ер йирик заминдорлар мулки бўлиб, деҳқончилик эса йирик заминдорлик институтига айлана бошлаган.

X аср бошларида Мовароуннаҳрни **Қорахонийлар** эгаллади. Яъни дарийзабон сулоласи ўрнини туркийзабон сулоласи эгаллагач, марказлаштирилган давлат ўрнига мамлакатни бошқаришнинг **улус тизими** ўрнатилиб, барча ер хон мулки ҳисобланган, деҳқончилик йирик ер эгалиги институти сифатида тарих саҳнасидан тушишига сабаб бўлган. Бу даврда "иқтаъ" солиқ йиғишнинг асосий манбаига айланган. "Иқтадорлар" ўз навбатида "деҳқонлар"нинг оддий жамоатчига айланишига, сўзнинг ҳозирги маъносида ишлатилишига замин яратдилар.

Салжуқийлар (1038—1197 йилларда ҳукмрон ўғуз сулоласи) ҳукмронлиги давридаги солиқ тизими ҳам ўзига хос жиҳатлари билан тарихда алоҳида из қолдирган.

Хазинани бошқаришда Салжуқийлар сулоласининг машҳур вазири Низомулмулк "Сиёсатнома ёки сияр ул-мулук" асарида: "Шоҳларда ҳамиша иккитадан хазина бўлган, уларнинг бири **асосий,** иккинчиси **харж ва харажат** хазинаси эди. Қўлга киритилган молу бойликлар, асосан, биринчи хазинага тўланарди ва заруратсиз бу хазинадан бир дирҳам ҳам харж этмасдилар. Агар бирор нарса олсалар ҳам, қарз сифатида олиб, тез жойига қайтарардилар. Ҳар бир келадиган нарсанинг харажатга сарфланиши мумкин эмас эди. Мабодо, бирор нарсага ёки молга ҳожат тушса-ю, топилмаса, бу муҳим иш зиёнли бўларди. Хазинага қўйилган ҳар бир нарса вилоятлардан келиб, ҳар бирининг ўз жойи бўларди ва уларни алмаштиришга йўл

[3] Н.Негматов. Государство Саманидов. Душанбе, "Дониш", 1977, 120—121-бетлар.

қўйилмасди. Ҳар бир нарса ўз вақти ва ўз жойида харж бўлиши керак эди. Шундагина совға қилиш, садақа ва мол бериш ишларига ҳалал ёки камчилик етмайди. Хазина ҳамиша обод бўлиб, одамлар роҳатда яшайди, бирор киши мол-мулки жиҳатидан азоб чекмайди" деб, хазинага оид тарихий фикрларни ёзиб қолдирган.

Хазина кирим-чиқимлари мунтазам қайд этилиб, хазинанинг аҳволи ҳақида ҳукмдорга зарур маълумотлар тақдим этиб турилган. Хазинада тақчиллик камдан-кам сезилган.

1221 йилда Марказий Осиё ҳудудида мўғуллар ҳокимияти ўрнатилиб, янги ҳукмдорлар олдида истило этилган ерларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлларини белгилаш вазифаси пайдо бўлди. Мўғул зодагонлари мазкур масала бўйича ягона фикрга эга эмас эди. Ўтроқ ҳаёт мухолифлари барча ерларни яйловга айлантиришни, шаҳарларни вайрон қилишни таклиф этишди. Бошқалар эса талон-тарожни тўхтатиш, ҳунармандчилик, савдо ва қишлоқ хўжалигига ҳомийлик қилиш, солиқ ва мажбуриятлар ҳажмини белгилаб қўйишни тавсия этишди ва ана шу фикр маъқул деб топилди. Марказий Осиё ҳудудида улар томонидан қурултойда таклиф этилган тадбирлар ҳаётга татбиқ этила бошланди. Қарор қабул қилинганига қарамай, амалда ҳамма нарса бошқача тус олди. Мўғулларда юксак маданият, катта феодал ўлкаларни бошқариш тажрибаси етишмас эди. Уларнинг ўз амалдорлари йўқ, бунинг устига дастлабки ўн йилларда бошқарув жараёни уларни қизиқтирмаган ҳам. Чингизхон ва унинг авлодларини ўлпон ва бўйсундирилган мамлакатлардан солиқлар мунтазам келиб туришигина қизиқтирарди, холос.

Чингизхон маҳаллий халқ вакилларига таянган. Шулардан бири **Маҳмуд Ялавоч** бўлиб, унга Мовароуннаҳрни бевосита идора қилиш топширилган. У ўзига пойтахт қилиб Хўжанд шаҳрини танлаган.

Мўғуллар Маҳмуд Ялавоч бошчилигида ўлкадаги халқлардан турли хилдаги солиқларни ундирар эдилар. **"Калон"** деб аталувчи солиқ деҳқонлардан йиғиладиган асосий солиқ эди ва у ҳосилнинг 1/10 қисмини ташкил этган. Чорвадорлардан **"кўпчур"** солиғи олинган. Бу солиқ турининг миқдори ҳар юз бош қорамолдан бирга тенг эди. Бундан ташқари, "Ясо" қонуни бўйича аҳолидан давлат фойдасига **"шулси"** деб аталган солиқ

ундирилган. "Шулси"нинг миқдори ҳар бир отардан икки яшар қўй ва ҳар минг отдан бир бияни (қимиз учун) ташкил этган. Булар ҳам етмагандай мамлакатдаги савдо йўлларида жойлашган бекат — "ём" (жом)ларнинг харажатлари ҳам аҳоли гарданига юклатилган. Уларнинг миқдори шу даражада кўпайиб кетар эдики, баъзи ҳолларда ҳар бир "ём" учун 20 от-улов, сўйиш учун қўйлар, соғиш учун соғувчиси билан биялар, аравалар ва бошқа сарф-харажатлар ажратилган. Юқорида санаб ўтилган олиқ-солиқлардан ташқари халқ оммаси яна маҳаллий тўраларнинг зулм ва ситамларидан ҳам азоб ва заҳмат чеккан. Ана шу тариқа аҳоли мўғуллар босқинидан сўнг иккиёқлама зулм исканжасида қийналган.

Босқинчи мўғуллар ва маҳаллий зодагонларнинг зулмларига қарши халқ бир неча бор бош кўтаради. 1238 йилда Бухорога яқин Тороб қишлоғида кўтарилган халқ қўзғолони ана шундай қўзғолонлардан биридир. Бу қўзғолон тез орада Бухоро ва унинг атрофларидаги қишлоқларга ёйилади. Унда меҳнаткаш деҳқонлардан ташқари ҳунарманд ва косиблар ҳам қатнашишади. Қўзғолонга Тороб қишлоғидан ғалвир устаси — ҳунарманд Маҳмуд бошчилик қилади. Унинг номи мўғулларга қарши озодлик-эрк учун, маҳаллий зодагонлар ва бойларга қарши адолат ва ҳақиқат учун кураш байроқдори сифатида миллатимиз тарихида қолади. Маҳмуд Торобий қўзғолонини мўғуллардан норози бўлган Бухоро руҳонийлари пешвоси Шамсиддин Маҳбубий ҳам қўллаб-қувватлайди ва қўзғолончиларга қўшилади. Қўзғолончилар мўғул лашкарларини Бухоро остоналарида тор-мор келтирадилар. Мағлубиятга учраган мўғуллар Карманага чекинадилар. Кейинчалик Торобий қўзғолони бостирилади.

Маҳмуд Ялавоч эса **Маҳмуд Торобий** бошчилик қўзғолондан сўнг ўз лавозимидан бўшатилиб, Мовароуннаҳрдан чиқариб юборилади. Солиқ олувчи ва нойиб этиб унинг ўғли Масъудбек тайинланиб, у бу лавозимни 51 йил бошқаради. У мўғулларга ўлпон ва солиқларни ўз вақтида тўлаб турган. Натижада мўғуллар Мовароуннаҳрни бошқариш ишига аралашмаганлар. Масъудбек анча тадбиркор, иқтисодиётни билган киши бўлган ҳамда юксак маданиятдан йироқ мўғулларга аста-секин Мовароуннаҳр маданиятини сингдирган молиячи сифатида майдонга чиқди.

Чиғатой улусида ер солиғи ўндан бир ҳажмда белгиланган.

Олий мансабдорлар солиқ тўламаган. Йирик мулкдорлар, савдогарлар, ислом пешволари мўғуллар билан яқинлашиб, катта имтиёзларни қўлга киритганлар, ҳар хил ёрлиқлар олганлар. Шунингдек, солиқлар ҳатто **шароб, гуруч, гўшт** ҳамда **от емиши** тарзида ҳам ҳар бир хўжаликдан ундирилган.

Марказий Осиёни барлос қабиласидан чиққан **Амир Темур** (1336—1405 йилларда яшаган) мўғуллар ҳукмронлигидан буткул озод этди. Ярим аср давомида у Кашмирдан Ўрта денгизга, Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар чўзилган улкан салтанатни барпо этди. Юриш ва истилолар учун Амир Темурга молия ресурслари керак эди, қўлга киритилган бойликлар, ўз даромадлари, инфратузилма ва солиқлар уларнинг манбаи бўлди. Масалага кенгроқ тўхталамиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети ва мустақиллиги эълон қилиниб, мустаҳкамланиб боргани сайин Соҳибқирон Амир Темур шахсига, замонасига ва авлодларининг давлатдорлигига қизиқиш ортди, таъбир жоиз бўлса, Амир Темур озодлик ва яратувчилик тимсоли сифатида халқнинг тарихий хотирасига ва ардоғига қайтди.

Хўш, ўз даврига нисбатан ана шу улуғворлик ва яратувчанликнинг бевосита солиқларга боғлиқ томонлари мавжудми?

Жаҳон шарқшунослари барча даврларда Амир Темур шахси билан, Темурийлар давлати билан қизиқиб келишгани сир эмас.

Аксарият алломалар Соҳибқироннинг ҳарбий қудратига эътибор қаратишган, лашкарбошининг руҳоний ҳаётини ўрганишган.

Аммо, Темур давлатининг, муаррих Шарафиддин Али Яздий таъбири билан айтганда, мамлакатнинг у бошидан бу бошигача бир болакайни олтин ва жавоҳирот тўла патнис билан жўнатганингда ҳам, бирон-бир киши бойликни тортиб олишга қасд этмас даражасида юксалишининг сабаблари эса айтарли ўрганилмаган.

Файласуф олим Иброҳим Мўминов, тарихчи Бўрибой Аҳмедовлар изидан борган иқтисод тарихчиси Ҳикмат Собиров эса Ўзбекистон олимлари орасида биринчи бўлиб ана шу масалага тарихий-концептуал ёндашди.[4]

---

[4] Собиров Ҳ. Ўзбекистон давлат молияси тарихи // "Таълим манбаи". Т.: 2002.

Мабодо, биз Кушонлар салтанати юксалиши сабабларини "монетар", яъни тангалар мисолида кўриб чиққан бўлсак, Амир Темур барпо этган давлат аввало айнан шу мамлакат вориси эканлигини назарда тутишимиз керак. Нега?

Бинобарин, Амир Темур вафот этган санада (1405 йил 18 февраль) Осиё қитъасида худди тарихдагидек Хитой, Турон ва забт этилган Усмонли империяси (Римнинг вориси) ва жаҳон уммонларини забт этишдан ўзга чораси қолмаган Ғарбий Европа қиролликлари ҳукм сурарди. Соҳибқирон буни теран англаганки, Усмонли султони Боязид Йилдиримнинг ворисларини бошқа сулолалар вакиллари сингари қириб ёки сиёсат саҳнасидан суриб ташламаган. Ибн Халдун ғаройиб фактни келтиради: Амир Темур ўзига тенгдош моликия мазҳаби алломаси билан Шимолий Африка мамлакатлари ҳақида қарийб икки кеча-кундуз суҳбатлашган экан. Айни маҳалда Амир Темур Миср Мамлуклари мулкини ҳам забт этмаган. Нега?

Соҳибқирон Амир Темур Хитойдан Ғарбий Европага қадар савдо йўли очилганини биларди, уни ўзи очган эди. Демак, Амир Темур иқтисодий сиёсатининг Бош омили Умумқитъа савдосидир, глобаль иқтисодиётдир.

Амир Темур давлати чинакамига иқтисодий ҳодиса эди. Маълумки, туркийлар бошқа мусулмон халқлар орасида кишилик кундалик турмушини фаровон ўтказишга интилиши билан алоҳида ажралиб туришади. Моддий неъматлар эса улкан давлатда етарли бўлади, майда-чуйда эҳтиёжлар халқни чалғитмайди, айнан йирик давлат зарурати Амир Темур ва унинг амирларини, таъбир жоиз бўлса, Осиё қитъасини бўғиб ва сўриб ётган 27 майда сулолага, давлатга қарши кўтарди. Қанчалик қудратли ва оқил бўлмасин, Амир Темур бир ўзи Тарихнинг ҳаракатини янгилай олмасди. Аслида Шайх Нуриддин баҳодир, Амир Учқора жалойир, Усмон Аббос баҳодир, Паҳлавон Аёғикалта кенагас сингари юзлаб, минглаб амирларни, ҳатто Амир Темурнинг синглиси Қалдирғоч султонни ва бошқа аёл лашкарбошиларни от устидан тушмасликка ундаган куч фаровон ва осойишта ҳаёт кечиришга бўлган улкан хоҳиш эди.

Ҳа, Амир Темур даврига ёндошганда "глобаль" тафаккур нуқтаи назаридан қараш керак. Амирзода Мироншоҳга "суюрғол" этилган Олд Осиё, Кавказ, Ғарбий Эрон, Ироқнинг ҳудуди қарийб 3 миллион квадрат километр, Пирмуҳаммад мирзога

17Sar-Ki
KUTUBXONASI

топширилган Хуросон ва Шимолий Ҳиндистон диёри ҳам ундан каттарок, Мовароуннаҳр мулки ҳам Дашти Қипчоқ билан бирга қарийб 7—8 миллион квадрат километр ҳудудни эгаллаган эди. Ана шу улкан салтанат барибир ҳудудий жиҳатдан Кушонлар ва Салжуқийлар империясининг вориси — Буюк Ипак йўли вориси эди.

Шу тахлит, дастлабки хулосани чиқарамиз: Амир Темурнинг иқтисодий сиёсати глобализм эди.

Фақат Шоҳрух мирзо (1405—1447 йилларда ҳукмрон) давридагина Хитой ва Яқин Шарқ билан дипломатик ва савдо алоқалари яшади. Нега Турон ҳам, Эрон ҳам ана шу глобаллашувни давом эттиришни истамади, деган савол туғилади. Чунки, ўтроқ маданият муқимлик ва турғунликни ёқтиради, мамлакатнинг у бошидан бу бошига бемалол ўтган "болакай бошидаги бир патнис бойлик" эркин савдо-сотиқ тимсоли бўлиб қолса ҳамки, барибир, ўтроқ халқ глобал иқтисодиётга мослаша олмасди. Амир Темур жалойирлар, бурқутлар, геройитлар, олчинлар, арлотлар билан бирга 1227 йилда Мовароуннаҳрга кўчган қиётлар ёки барлослар вакили эди, навқирон мусулмон субэтноси намояндаси эди. Бинобарин, жалойир қабилалар иттифоқи Амир Темурдан анча олдин, 1336 йилда, яъни айнан Темур таваллуд топган санада Ирок, Эрон ва Кавказда Жалойирийлар (Чўпонийлар) давлатига (1336—1411 йиллар) асос солишганди. Навқирон мусулмонлардан бўлмиш барлослар ҳам, ниҳоят, 1370 йилда Турон давлатини қайта тиклашга бел боғлашди. Негаки, мураккаб жамият ҳаёти ва иқтисодиётни билмайдиган, билишни ҳам истамайдиган мўғуллар иқтисодий масалаларни ҳали ҳам қилич воситасида ҳал этишга ишонишарди. Аммо, Замон, яъни иқтисодиётсиз кечмайдиган Вақт ҳам мўғулларнинг жайдари давлатчилик тафаккурини сўндирган, у ҳеч нимага арзимас эди.

Ғалати тарихий манзарага дуч келамиз. Мўғулларга мусулмон алломалар вазирлик этишган, давлатни, ўтроқ ва кўчманчи аҳолини адолат билан бошқаришни ўргатишган бўлишса (Маҳмуд Ялавоч, Масъуд Ялавоч ва бошқалар), энди Амир Темур бундай алломаларга унчалик муҳтож эмаслигини кўрамиз. Соҳибқирон Амир Темур Ислом шариъати ва туркийлар урф-одатини ўзи бирлаштиришга қодир, "Тузуклари"ни ўзи айттириб ёздиришга қобил эди. Масалан, Оқсаройни хоразмлик усталар,

Бибихоним жомеъ масжидини якин шаркликлар бунёд этган. Нима, Туроннинг ўзида бундай қўли гул усталар йўкмиди? Амир Темур Ибн Халдунга Мовароуннаҳр шайхулисломи лавозимини эгаллашни таклиф этади, Олд Осиёда яшаб ўтган Бадриддин ас-Симнавий деган авлиёга ҳам. Нима, Самаркандда шундай алломалар йўкмиди? Бўлган, албатта. Аммо, "глобаль" тафаккури соҳиби бўлмиш Соҳибқирон айнан маҳаллий халк вакиллари — мукимлик ва турғунлик тарафдорлари давлат бошида туришини унчалик истамасди. Минтака ҳаётини меъморчиликдан тортиб мусиқагача, шеъриятдан тортиб фиқҳгача янгилашни истаган Амир Темур айнан четдан олимларни Самаркандга жалб этади. Буюк гўянда, хаттот, шоир Хожа Убайдуллоҳ жалойир ал-Мароғий (1340—1435 йилларда яшаган)нинг икки маротаба гуноҳидан кечади, "тархон" мартабасини беради. Ҳар бир боласи ва неварасига бир олимни тарбиячи этиб белгилайди. Хожа Убайдуллоҳ жалойир арабларнинг "ўн икки макоми"ни "Шашмаком" га айлантиради. Шарқнинг турли минтакаларидан келган алломалар Мовароуннаҳрни адолат билан бошкариш асосларини, жумладан, иқтисодий асосларини излайдилар ва топадилар. Амир Темур вафотидан 36 йил кейин дунёга келган Алишер Навоий "адолатли шоҳ" тимсолини васф этади, Чин шоҳининг ўғли Фарҳод Юнон файласуфи Файлакус билан мулокот этади. География накадар кенглигига эътибор беринг. Фарҳод курукликда деярли йигирма минг километр йўл босиб ўзига устоз излайди, маърифат ахтаради. Марокли эмасми? Соҳибқироннинг невараси Улуғбек мирзо буюк мунажжимлар султонига айланади. Ибратли эмасми?

Энди Амир Темур даврининг микдорий жиҳатига эътиборни қаратамиз. Шарқшунос олим Ашраф Аҳмедов Шарафиддин Али Яздий "Зафарномаси" га (Тошкент, 1996 йил, Мирмуҳаммад ал-Бухорий таржимаси. 306-бет) "уғрук" истилоҳига тузган изоҳида Соҳибқирон лашкари, унинг завжалари ва фарзандлари юрадиган "уғрук" билан бирга тахминан қарийб 1 миллион одамдан иборат эканлигини айтган. Мабодо катта юришларда бир миллион одам Турондан чиқиб кетса, унда минтақанинг ўзида қанча одам кун кечирган экан? Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Соҳибқирон ортида тахминан 10—11 миллион Мовароуннаҳр аҳли турган. Кўп сонли аҳоли эса мураккаб иқтисодий жараёнларни тан олади ва унга мослашади. Бошқа

бир мисол келтирамиз. Озарбойжон ҳокими Шайх Иброҳим жангсиз таслим бўлгани боис Соҳибқирон наинки уни давлатдорликдан айирмади, балки Байлақон шаҳри ва Барлос наҳрини (иккаласи ҳозир ҳам мавжуд) қаздириб, Бардаа даштига сув чиқариб беради. Зотан, "глобаль" тафаккур соҳиби иқтисодиёт томирлари шаҳарлар ва обод даштлар эканлигини билар эди.

Ана шу "глобаль" иқтисодий тафаккур Соҳибқиронни Самарқанд теварагида Дамашқ, Миср, Султония, Фориш сингари қишлоқларни нозик истиора тарзида бунёд эттиришга ундаган. Манманликми? Йўқ, асло.

Амир Темур зикр этилган шаҳарлар башарият тарихи остонасида турган Янги давр қаршисида қишлоқ мақомига тушиб қолганини сезган эди. Алишер Навоий "онинг бир мисраъ айтғони минг байт айтғонча бордир" деганда Амир Темурнинг ҳар бир сўзида ва, табиийки, ҳар ишида айнан умуминсонийликни кўрган. Йўқса, мусулмон подшоҳи "кофирлар"га ҳамкорлик ва савдо масалаларида хатлар битармиди? Йўқса, Испания элчилари Самарқандни излаб келармиди? Самарқанд Ер юзидаги улкан шаҳарга айланармиди?

Амир Темур вафотидан сўнгра Турон минтақаси барибир муқимлик ва турғунлик оғушига сингиди. 1500 йилда кўчманчилар ҳукмдори Муҳаммад Шайбонийхон Темурийлар давлатини орадан кўтарганда Америка кашф этилган, Усмонли империяси энг қудратли давлатга айланган, Хитой гуллаб-яшнаган эди, Бобур мирзо эса Кушонлар вориси сифатида Ҳиндистон субконтиненти сари йўл изларди. Муҳаммад Шайбонийхон қанчалик кеккаймасин, ўзини "имомуззамон" дея таърифламасин, у Амир Темур бўла олмасди, негаки унда "глобаль иқтисодий тафаккур" бўлмаган.

Шундай қилиб, Амир Темур иқтисодий, молиявий, солиқчилик сиёсатида унинг доно вазирлари Хожа Муҳаммад Довуд (мусулмонлашган грузин) ва Шайх Нуриддин баҳодир бошлиқ доно вазирлар ва амирларни кўрамиз. Умуман, Амир Темур давлати, вазирлари ва амирлари тарихи кенг ўрганилса, жаҳон тарихини янги паллага ундаган Амир Темур шахсияти, Темурийлар давлатининг моҳияти ҳақида тасаввурларимиз тобора кенгайиб бораверади. Бу илмий фаразимиз эса, шубҳасиз, кўпчиликка маъқул, деб ўйлаймиз.

Ўрта асрларга хос Мовароуннаҳр юксалишининг иқтисодий, жумладан, молиявий асослари нималарда намоён бўлади?

Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида (1370—1507 йиллар) мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида асосий ўрин тутган деҳқончилик ва унинг пойдевори саналган суғориш ишларига катта аҳамият берилди. XIV аср охири XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда катта-кичик дарё ва сойлардан йирик ирригация тармоқлари чиқарилиб, коризлар қазилди, сув омборлари ва ҳовузлар барпо этилиб, сувга танқис айрим вилоят ва воҳалар, шаҳар ва қишлоқларнинг сув таъминоти яхшиланди.[5]

Нафақат Мовароуннаҳрда, балки Хуросон, Эрон, Кавказ ва бошқа вилоятларда ҳам бир қанча йирик ирригация ишлари амалга оширилди. Ҳукмдорнинг фармони билан Мурғоб воҳасида қаздирилган қатор суғориш каналлари, Қобул яқинидаги Жўйинав даҳасининг Бодон анҳори ёки Кавказда Байлақон мавзеида Барлос ариғи шулар жумласидандир. 1401 йил Кавказда, Байлақон мавзеида Амир Темур фармони билан Аракс дарёсидан чиқарилган Барлос канали замонасининг йирик суғориш иншоотларидан бири сифатида диққатга сазовордир. Унинг узунлиги 10 фарсах (60—70 км) бўлган. Канал бўйлаб кемалар бемалол қатнай олган.[6]

XV асрнинг биринчи ярмида, Мовароуннаҳр ва Хуросонда Шоҳрух ва Улуғбек ҳукмронлик қилган йилларда ирригация ишлари айниқса ривож топди. Бу борада хусусий соҳибкорларнинг даштлардан янги ерларни очиш, коризлар қазиб боғ барпо этиш, ташландиқ ерларни суғориб обод этиш учун амалга оширган ҳар қандай фаолияти Темурийлар томонидан қўллаб-қувватланди ва рағбатлантирилди. Зеро, бундай соҳибкорлар бир-икки йил давомида ҳамма солиқ ва тўловлардан озод этилган.

Ҳирот ва Машҳад атрофларида буюк **Алишер Навоий** (1441—1501 йилларда яшаган)нинг ташаббуси билан амалга оширилган суғориш ишлари айниқса диққатга сазовордир. Навоий Тус вилоятининг юқори қисмида жойлашган Чошмағул мавзеида Туруғбанд сувомборини қурдирди. Ўн фарсах (60—70 км) узунликда махсус канал қаздириб, Туруғбанд сув омборида жамғарилган сув Машҳадга олиб келинди. Натижада, Машҳад

[5] Амир Темур жаҳон тарихида. "Шарқ", 1996. 95—112-бетлар.
[6] Шарафиддин Али Яздий. "Зафарнома". "Шарқ", 1996. 228-бет.

сув билан таъмин этилиб, шаҳар атрофидаги ерларга сув чиқарилди ва обод этилди.

Хўжаликнинг асосий турларидан бири чорвачилик эди. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида айниқса яйлов чорвачилиги: йилқичилик, қоракўлчилик, туячилик ҳамда подачилик муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хоҳ у деҳқончилик, хоҳ чорвачилик маҳсулоти бўлсин, шубҳасиз, оддий меҳнаткаш халқнинг оғир ва машаққатли меҳнати туфайли етиштирилиб, унинг тақсимоти мамлакат аҳолисининг ижтимоий ва иқтисодий муносабатлари моҳиятини англатган. Ана шу юксалиш заминида эса ўша даврга хос тўғри ер эгалиги, молия ва солиқ сиёсати турарди.

XV аср давомида Мовароуннаҳр ва Хуросонда аввалгидек ер-мулкчиликнинг асосан тўрт шаклидаги: **мулки девоний** — давлат ерлари, **мулк** — хусусий ерлар, **мулки вақф** — мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ерлар ва, ниҳоят, **жамоа ерлари** бўлган. Деҳқончилик ерларининг энг катта қисми давлат мулки ҳисобланган. Бу ерларга, аввалгидек, мамлакат ҳукмдори султон ёки амирлар эгалик қиларди. Темурийлар даврида давлат ерларини суюрғол тарзида инъом қилиш ҳам кенг тарқалди.

Суюрғол ерлар ҳажми, шарти ҳамда ер ва ёрлиққа эга шахсларнинг табақаси жиҳатидан турлича бўлган. Одатда, шаҳар ёки вилоятлардан тортиб то алоҳида қишлоққача суюрғол шаклида инъом этилган. Бутун бир шаҳар ёки вилоят кўпинча ҳукмрон сулола намояндалари ёки йирик ҳарбий ва давлат мансабдорларига берилган. Суюрғол эгасига ўз суюрғоли доирасида амалдорлар тайинлаш, солиқлар ва турли тўловларни тўплаш ҳамда айбдорларни жазолаш ҳуқуқи берилган. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Шоҳрух даврида Хоразм — Шоҳ Малик; Фарғона — Мирзо Аҳмад; Тус, Машҳад, Обивард, Нисони ўз ичига олган Хуросон — Бойсунғур; Қобул, Ғазна ва Қандаҳор вилоятлари Мирзо Қайду баҳодирнинг суюрғоли эди. Суюрғол ёрлиғига эга бўлган вилоят ҳукмдорлари марказий ҳокимиятга фақат номигагина қарам бўлиб, одатда, улар деярли мустақил эди.

Суюрғол эгалари тобелигини кучайтириш мақсадида марказий ҳокимият баъзан улар тасарруфидаги ер майдонларини қисқартирар ёки уларнинг маъмурий ва адлия жиҳатидан ҳақ-ҳуқуқини чеклаб қўяр эди. Суюрғол эгаси марказий ҳукуматга

бўйсунмаган тақдирда суюрғол ҳуқуқидан маҳрум бўлар ва ҳоким унинг вилоятини бошқа шахсга берар эди.

Темурийлар даврида майдони жиҳатидан майда ва ҳақ-ҳуқуқи жиҳатидан анча-мунча чекланган суюрғол ерлари ҳам бўлган. Бундай майда суюрғол ерлари, одатда, хизмат кўрсатган кичик мансабдаги ҳарбийлардан тортиб, олий ҳукмдорнинг мунтазам гвардиясидаги ҳарбийларгача берилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёзишича, Ҳусайн Бойқаронинг 14 минглик гвардияси ва 40 минглик мунтазам қўшини (қўш)нинг ҳар бир аскарига 80 жариб, яъни 40 танобдан ер берилган. Навкарларга берилган бу ерлардан ҳам солиқ ва тўловлар олинмаган.

Деҳқончилик майдонларининг иккинчи каттагина қисми хусусий ерлардан иборат эди. Шубҳасиз, йирик мулкдорларнинг катта ер майдонлари ҳам, меҳнаткаш зироатчиларнинг майда пайкаллари ҳам хусусий мулк қаторига кирган. Мулк ерларининг катта қисми маъмурий, ҳарбий ва диний арбобларнинг тасарруфида бўлган. Масалан, XV асрнинг иккинчи ярмида яшаган йирик мулкдорлардан Хожа Аҳрорнинг 1300 га яқин ер-мулки бўлган. Бу мулкларнинг айримлари 300 қўшга тенг бўлган.

Бош ҳукмдор томонидан йирик мулк эгаларига бирон хизмати учун **тархонлик ёрлиғи** бериш кенг тарқалган. Тархонлик ёрлиғини олган мулкдорлар, асосан барча солиқ, тўлов ва мажбуриятлардан озод қилинган. Тархонлик ёрлиғи, одатда, амирлар, беклар, сарой амалдорлари, саййидлар ва бошқа юқори табақа вакилларига берилган. Бундай ёрлиқни олган мулкдор исмига тархон сўзи қўшиб айтилган.

Тархонларнинг аксарияти жуда бой бўлган. Масалан, бу даврда Ҳирот атрофидаги мулклар Дарвешали Тархон, Самарқанд ва Бухоро атрофидаги жуда катта ерлар Абуали Тархон қўлида тўпланган эди. Бобур Абуали Тархоннинг шоҳона ҳаётини тасвирлаб, унинг ҳашаматли саройи, хизматидаги уч минг кишидан иборат хизматкору навкарлари, ўтказган дабдабали тўй-томошалари, берган қимматбаҳо совға-саломлари ва халққа етказган жабр-зулмлари тўғрисида ёзган.

Темурийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврида Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа вилоятлар деҳқонларидан ҳамда шаҳар аҳолисидан йиғиладиган давлат даромадларининг анчагина қисми тархонлар қўлида тўпланиб, Мовароуннаҳрда улар ғоят катта кучга айланган эди. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида

тархонларнинг нуфузи кучли бўлиб, улар жуда катта сиёсий ҳуқуқдан фойдаланар эдилар. Ҳатто ўзаро низолар вақтида тархоннинг қўллаб-қувватлаши бирорта вилоят ҳокимининг тақдирини белгилашда баъзан ҳал қилувчи аҳамият касб этарди.

XV асрда ҳам, аввалги даврлардагидек, жуда кўп ер-сув масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара ва мозорларга бириктирилиб, бундай ерлар **мулки вақф** деб аталган. Маълумки, Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда катта-катта деҳқончилик ерлари вақф қилинган.

Одатда, ер ва сувдан ташқари, кўплаб дўкон, корхона, тегирмон, обжувоз, бозор, карвонсаройлар ҳам вақф қилиниб, улардан тушган даромад масжид, мадраса, шифохона ва хонақоҳларнинг таъмири, жиҳози, мутавалли, мударрис, табиб ва талабаларга бериладиган нафақалар ҳамда лангархона (мусофирхона) ва шифохоналарнинг кундалик эҳтиёжи (озиқ-овқат, ёқилғи ва ёритқичлари) учун сарф этилган. Ҳунармандларнинг ўз бозорлари бўлган, бу эса соғлом рақобатдан далолат беради.

XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ер эгалари деҳқон, экин майдонларига ишлов берувчилар **музорий** деб юритилган.

Музорийлар, яъни зироатчилар қишлоқнинг меҳнаткаш табақаси бўлиб, улар тўрт гуруҳга бўлинган: давлат ерларида ишловчи музорийлар; мулкдорларнинг ерларида ишловчи музорийлар; ўз ерига эга бўлган деҳқонлар; вақф мулкларида ишловчи музорийлар.

Музорий давлат ёки вақф ерларида ҳам, тархон ёки суюрғол эгалари каби йирик мулкдорларнинг ерларида ҳам ёлланма зироатчи бўлиб деҳқончилик қилган. Унинг ҳосилдан оладиган ҳиссаси ер эгалари ердан ташқари, уруғлик, омоч, ҳўкиз, от-арава кабиларни беришига қараб белгиланган. Қандай ерда деҳқончилик қилишидан қатъи назар, музорий ҳамма вақт соликларни тўлар ва мажбуриятларни ўтар эди.

Амир Темур жаҳондаги 27 мамлакатни босқичма-босқич ўз давлати таркибига киритиб, ягона давлат сафида бирлаштирди, уларнинг **иқтисодиёти ва молия тизимини** такомиллаштирди. Бу мамлакатларнинг табиий шароити бир хил бўлмаганидек, уларнинг иқтисодий ривожланиш даражалари ҳам, шунингдек аҳолининг турмуш даражаси, машғулоти, бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари ҳам бир хил эмас эди.

Амир Темур бу ўлкаларни идора қилиш усуллари ҳақида ўйлар экан, уларнинг ҳар бирида йилига қанча ялпи даромад вужудга келиши, у қандай усуллар билан тақсимланиши, давлат ихтиёрига тўланадиган тўловлар ва бошқа масалаларни кўз олдига келтирар, уларни шариат қонунларида кўрсатилган тавсиялар, аввал ўтган подшолар тажрибаси билан солиштирар ва маълум хулосаларга келар эди.

Амир Темурнинг ягона мустаҳкам салтанатни шакллантириш стратегиясида молия муаммолари ўзининг муҳимлиги билан бошқа муаммолардан ажралиб турар эди. Молия давлат пул ресурсларининг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган фондларини вужудга келтириш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, улардан фойдаланишдаги иқтисодий муносабатларни ифода қилади. Бу даврда пул муносабатлари етарли ривожланмагани сабабли **натура ҳолидаги давлат ресурсларининг ҳаракати** ҳам Темурнинг диққат марказида бўлган.

Амир Темур, аввало, давлат молиясининг мўғул ва бошқа босқинчиларга қарамлигига узил-кесил нуқта қўйди, улкан давлатнинг мустақил **давлат молиясини** яратди ва уни муттасил такомиллаштириб борди. Марказлаштирилган давлат таркибига кирган барча мамлакатлар молиясини бир тизимга бирлаштирди ва уларни маъмурий бошқариш талаблари асосида идора қилиш усулларини жорий этди.

Қуръони карим талабларини ўзида ифода қилган молия соҳасидаги шариат қонунлари асосида **солиқ тизими** шакллантирилди, бунда ҳар бир мамлакат ва аҳолининг хусусиятларини эътиборга олиб, қатор имтиёзлар жорий этилди. Давлат хазинаси ресурслари ва маҳаллий улус ҳамда туманлар ихтиёридаги маблағлар таркибига аниқлик киритилди, уларнинг марказ билан молиявий муносабатлари такомиллаштирилди. Шу ўринда, айтиш керакки, Амир Темур Европада биринчи бюджет тузилишига (XVII аср) нисбатан тахминан 3 аср аввал мамлакатни идора қилишда **бюджетнинг дастлабки куртакларини ишлаб чиқди ва жорий қилди.**

Таниқли олим Ҳикмат Собиров илгари сурган ушбу гипотеза моддий далиллар билан ҳам бир қадар тасдиқланади. Маълумки, Ислом шариъатида ҳам "бюджет" мавжуд ва "байтулмол" деб юритилади. Кўпинча ислом давлати ривожланишида айнан "байтулмол" категорияси гоҳида ижобий, аксарият ҳолларда

салбий роль ўйнаганини кўрамиз. Илк "байтулмол" бой яҳудийлар яшайдиган Хайбар қалъаси забт этилганда (милодий 627 йилда) вужудга келган. Ўшанда бадавлат яҳудийлар қалъасидан кўплаб аслаҳа, олтин, асира аёллар ва болалар Мадинага олиб келинган. Айнан аслаҳа ва олтин, ҳатто, асира яҳудий аёллар ва болалар иқтисодий қиймати "байтулмол"ни юзага келтиради. Шу боисдан ислом давлатлари айнан ўтроқ давлатлар билан урушиб келдилар, қул савдосидан воз кечилмади, Инсон иқтисодий қиймат сифатида асрлар оша яшаб келди. "Байтулмол" табиатан суиистеъмол манбаидир. Яъни ҳеч ким томонидан назорат қилинмайди. Хўш, Амир Темур "байтулмол" ҳодисасини билмаганми? Билган, албатта. Масала шундаки, Соҳибқирон расман "амирулумаро" эди, давлат бошлиғи эса қўғирчоқ мўғул хонлари (Суюртғатмиш, Султон Маҳмудхон) бўлиб қолаверган. Демак, Амир Темур ўз амирлари томонидан назорат қилинган ва иқтисодий сиёсатда "қўғирчоқ" хон ва диндорлардан эркин бўлган.

Хўш, Амир Темур амирлари Соҳибқироннинг ҳатти-ҳаракатига ва сиёсатига қандай таъсир ўтказади? Масалан, Шайх Нуриддин Даштиқипчоқдаги қипчоқлар манфаатини ифода этса, дейлик, Амир Учқора баҳодир Зарафшон водийси жалойирлари ва қиётлари, Паҳлавон Аталмиш баҳодир туркманлар манфаатларини илгари суриши табиий. Бунда Амир Темур мутаносибликка эришишда туркий ҳарбий сиёсатнинг "улуфа"дек иқтисодий категориясидан фойдаланади. Яъни, дейлик, юз минг қипчоқлар манфаатини илгари сурган Шайх Нуриддин баҳодир Туркистон ва Саврон шаҳарлари ҳокими этиб тайинланса, Амир Учқора баҳодир Миёнкол амири мартабасига эришади. Шундай қилиб, майда мулклар амирларга, улусларга, яъни икки-учта собиқ мамлакат амирзодаларга берилади. "Суюрғол" ва "улуфа" ўртасидаги тафовут эса тархонлар, амирлар, баҳодирлар, иқтадорлар каби ҳарбий амалдорлар ваколатлари ва уларнинг мол-мулки билан тўлдирилади. Бинобарин, Амир Темур глобаль иқтисодий сиёсати айнан ҳарбий демократия мевасидир. Бу аъмолни ҳатто Россия императорлари ҳам давом эттиришган. Туркистон ўлкаси XIX асрда ҳарбий мустамлакага айлантирилган. Чунончи, Олд Осиё улусини дуруст бошқара олмаган Мироншоҳ ва унинг амирлари 1396 йилда қаттиқ жазоланади. Айнан шу ҳодиса нафақат ҳарбий

масъулиятни, балки иқтисодий жавобгарлик ҳиссини уйғотади. Ўзи моҳир ҳарбий бўлиши баробарида амирлари эҳтиёжини инобатга олган Амир Темурнинг вориси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам шундай йўл тутади: 1529 йилга келиб тўлиқ эгаллаган Шимолий ва Ўрта Ҳиндистонни фарзандларига ва амирларига тақсимлаб беради. "Тузуклар"да эса айнан "байтулмол"ни эмас, туркийлар ҳарбий демократияси амалини — "суюрғол" ва "улуфа"-ни кўрамиз. Амир Темурнинг иқтисодий сиёсати — Осиё ва Европани Марказий Осиёга боғлаш сиёсати боисидан ўз даврининг илғор, ибратли иқтисодий ҳодисасидир.

"Темур тузуклари"да ҳар қандай жамият учун иқтисодиёт устуворлиги ифодаланиб, қуйидаги хулоса берилган: "... давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашкар билан бардамдир. Оқил вазир буларнинг ҳар учаласини яхши аҳволда саранжом тутади". Бу хулоса кўпроқ хазинага тааллуқлидир, чунки ўзбек давлатчилигининг Амир Темургача бўлган тарихида қадим замонлардан бери хазинани идора қилишда Салжуқийлар сулоласининг машҳур вазири Низомулмулкнинг юқорида айтиб ўтилган "Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук" асарида ёритиб берилган тартибот сақланар эди.

Ҳозирги замон тили билан айтганда, давлат ихтиёридаги хазина — икки шаклдаги жамғармадан таркиб топган. Биринчиси **асосий хазина** бўлиб, бунда узоқ йиллар давомида авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган дурдоналар сақланар эди. Иккинчи **жамғарма** жорий харажатлар учун мўлжалланган, бунинг учун маблағ етишмаганда биринчи — асосий хазинадан "қарз" олинар эди. Йиллар давомида хазинанинг ҳолати ўзгариб турган, баъзан тақчиллик сезилиб, уни тўлдириш учун қўшимча солиқ ва йиғинлар ҳам жорий этилиб турилган.

Амир Темурнинг хазинани бошқаришдаги тартиботи шундан иборатки, у хазинадаги биринчи жамғармани сақлаб қолган ҳолда иккинчи жамғарманинг шаклланиши ва сарфланиши устидан назоратни кучайтирди. Ҳар иккала жамғармадаги маблағлар ҳаракати ёзиб бориладиган бўлди. Бундан ташқари, иккинчи жамғарма харажатларига маблағлар бериш вазирлар зиммасига юклатилди, ҳар бир вазир ўзига топширилган даромад ва харажатлар устидан назорат олиб борадиган бўлди.

Энг муҳими марказий хазина билан улуслар ўртасидаги молиявий муносабатларга аниқлик киритилди. Маҳаллий

эҳтиёжлар белгиланган тартибда маблағ билан таъминланадиган бўлди. Амир Темур аксарият ҳолларда хазинанинг жорий харажатлар манбаи ҳисобланган иккинчи бўлимига алоҳида эътибор берган. Бу ҳол Амир Темурнинг **солиқларнинг демократик хусусиятини** чуқур англаганлигидан гувоҳлик беради.

Тарихдан маълумки, бир давлат иккинчи давлат ҳудудини ўз ихтиёрига олса, енгилган давлатдан товон пули-бож олган, солиқларни енгиллаштирмасдан, янги солиқлар киритиш ҳисобига солиқ юкини оғирлаштирган.

Амир Темур бундай усуллардан фойдаланмаган. "Амр этдимки, — деб ёзган эди у "Тузуклар"да, — раъиятдан мол, хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раъиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасини камбағаллаштиришга олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради".[7]

Амир Темур ўз фикрини давом эттириб, ёзади: "... яна фармон бердимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, турли кўнгилсиз ҳодисалардан омонликда бўлсин, унинг ҳосил-даромадларини ҳисобга олиб иш тутсинлар. Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда (хирожни) тузукка мувофиқ йиғсинлар".

Амир Темур давлатни бошқаришининг илк даврида мўғуллардан ва маҳаллий ҳокимлардан унга кўплаб солиқ ва йиғимлар мерос қолганди. Масалан, аҳолидан маҳаллий ҳукумат хазинаси учун мўғуллар қуйидаги солиқларни ундирганлар: 1) **ер** ёки **даромад солиғи.** Олий мансабдорлар бу солиқдан озод қилинган; 2) **кўпчур-** кўчманчи аҳолидан олинган; 3) **тарғу-** ҳунармандлар ва савдогарлардан олиниб, ишлаб чиқарилган ёки сотилган молнинг ўттиздан бир қисми ҳажмида белгиланган; 4) **туз солиғи;** 5) **жон** ёки **кумуш солиғи.** Аҳоли турли элчилар тўхтаган жойларда уларга от-улов етказиб берган, озиқ-овқат билан таъминлаган. Бундан ташқари, мамлакат ҳунармандлари **тугун** деб аталган махсус тўлов тўлаб турганлар.

---

[7] Темур тузуклари. Тошкент, 1996. 22—122-бетлар. Кейинги иқтибослар ана шу манбадан танлаб келтирилган.

Шуни таъкидлаш керакки, Амир Темур даврида мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ҳал қилувчи роль ўйнаган. Миллий даромаднинг энг кўп қисми шу соҳада яратилган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини асосан ер эгалари бўлган деҳқонлар ва ерга ишлов берувчи ижарачилар амалга оширганлар. Бу даврда асосан деҳқончилик билан боғлиқ бўлган икки турдаги: **хирож** ва **ушр солиғи** амал қилган.

Бундан ташқари, қишлоқда боғдорчилик, чорвачилик ривожлангани учун **мол сардарахт, мол ўтлоқ, мол сувлоқ, миробона солиқлари** ҳам амалда бўлган. Ер солиғи етиштирилган ҳосилга ва ернинг сифатига қараб ҳосилнинг 1/10 дан (ушр) то 1/3 қисмигача миқдорида олинган. Савдогарлар ва ҳунармандлар **тамға** ёки **закот** тўлашган; чегарадан ўтган моллар ҳисобидан ҳам **бож** олинган. Бу солиқлар давлат хазинасининг асосий манбаи ҳисобланган. Маҳаллий бошқарув маҳкамалари ихтиёрига жон солиғи — **саршумар**, уй боши солиғи — **хонашумар**, фавқулодда солиқлар — **аворизот** олинар эди. **Амир Темур даврида фавқулодда солиқларнинг талай қисми бекор қилинди.**

Хўш, бундай дадил қадамларнинг мафкуравий асослари қайси манбага таянади? Албатта, "Тузуклар"га. Келинг, ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ҳужжат бўлмиш "Тузуклар" ҳақида фикр юритайлик.

Соҳибқирон Амир Темур давлати (1370—1405 йиллар) мусулмон давлати бўлиб, унда, албатта, ҳуқуқни биринчи манбаи мусулмон ҳуқуқи эди. Аммо, бу давлат Ўзбекистон ҳуқуқи тарихида яна шу билан характерланадики, у бизгача етиб келган **ҳозирча ягона дунёвий ҳуқуқ манбаи** "Темур тузуклари"ни берди.

Амир Темур турмуш тажрибалари асосида ишлаб чиққан ва унинг ҳукми билан қонун даражасига кўтарилган қоидалардан иборат тўплам тарихий асарларда турли тилдаги таржималарга мос ҳолда "Темур тузуклари", "Тузуки Темурий", "Темурнинг айтганлари" ва "Воқеоти Темурий" — "Амир Темурнинг бошидан кечирганлари", "Уложение Темура", "Темур уложениеси" деб юритилган.

"Тузук" сўзи асли эски ўзбек тилида "қонун-қоидалар тўплами", "Низом" каби ҳуқуқшуносликка оид маънони англатган. У XIV асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўрганишга оид Темур салтанати, унинг давлат тузуми, бошқарилиш, суд қурилишига оид жуда муҳим қоидалар ва

маълумотларни ўзида акс эттирган тарихий ҳужжатдир. Ёки, юридик тилда айтганда, маъмурий-сиёсий ва ҳарбий Кодексдир. Унинг тузилишига келганимизда, икки қисм (икки масала)дан иборат бўлиб, биринчи қисми таржимаи хол характерга эга. Бунда 150 йил давом этган мўғул-чиғатой сулоласининг истибдодидан қутулиш, Ўрта Осиёдаги марказлашган давлатни тузиш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий воқеалар баён этилади. Иккинчи қисмида эса, улкан давлатнинг валиаҳд ва амирзодалар томонидан қай тарзда бошқарилиши, йирик мансабдорларни тайинлаш, ҳарбий қурилиш, суд юритиш, армияни тузиш, сафлаш таъминоти масалаларини ўз ичига олади. "Салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатда бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим", деб ёзилади тузукларда. Фақат бир ўриндагина тан жазоси ва қатл этиш тўғрисида очиқ-ойдин ёзилган, бу мамлакатлар, қўшинлар ва аҳоли аҳволидан хабардор бўлиб туриш тузугидадир.

"Тузуклар" 1637—1638 йилларда бобурийлар авлодидан Шоҳ Жаҳон топшириғи билан **Абу Толиб ал-Ҳусайний ат-Турбатий** деган шахс томонидан форс тилига таржима қилинган.

Форс тилидан эски ўзбек тилига таржимани 1836 йилда Қўқон хони Маъдалихоннинг топшириғи билан унинг хизматида бўлган хўжандлик Набижон котиб амалга оширган.

Бухоро амирлигини тадқиқ қилган олим Д.И.Логофет Туркистонда ҳуқуқий давлат ва "Конституцион Кодекс" Европадан 600—500 йиллар илгари пайдо бўлганлигини таъкидлаган.

Амир Темур тузуклари Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихида дунёвий қонунчилик ёдгорликларидан бири сифатида муҳим ўрин тутади. 1967 йилда "Гулистон" журнали саҳифаларида ўзбек халқининг атоқли фарзанди Алихон Тўра Соғуний (1885—1976) томонидан форс тилидан ўзбек тилига қилинган таржимаси босилиб чиқа бошлади. Ғафур Ғулом номидаги "Адабиёт ва санъат" нашриёти эса уни 1991 йилда ўзбек тилида биринчи марта алоҳида китоб шаклида чоп этди.

Маълумки, темурийлар саройининг хизматида бўлган машҳур тарихчи олим Шарофиддин Али Яздий мазкур манба Темурбек девонхонасида туркий тилда тузилиб, Темур томонидан таҳрир қилинганлигини ёзиб қолдирган. Тузуклар "қонун", "қоида", "низом", "тартиб" маъносини англатади. Биринчи мақолада 13

кенгаш санаб кўрсатилади, қолганлари эса саналмасдан, фақат Кенгаш деб номланган.

Қонунлар тўпламига кўра ер давлат мулки ҳисобланиб, бўлиб берилишига қараб бир неча турларга бўлинган — жон бошига бериладиган ерлар, даражаларига қараб берилган ерлар, эгаллаб турган мансабларига мувофиқ бериладиган ерлар, мукофотга бериладиган ерлар.

Қонунларда оила — никоҳ ҳуқуқига ҳам кенг ўрин берилган. Никоҳ ёши йигит учун 15, қиз учун 13 ёшдан юқори белгиланган. Қизни эрга беришда ота-оналари, бобо ва бувилари, ҳар иккала томоннинг ҳам розилиги олиниб, тоға ва холалари огоҳлантирилиб, кейин унаштирилган. Никоҳни бекор қилиш шартларига келсак, қонунга кўра унинг етти ҳолати кўрсатилган. Агар аёл фарзанд кўрмаса, эрига бевафолик қилса, келин қайнота ва қайноналарига бўйсунмаса, ғийбатчи бўлса, бундай ҳолларда эр киши тегишли ҳужжатни тузиб, иккала томон яқин қариндошларининг тасдиғи билан никоҳни бекор қилиши мумкин бўлган.

Хўш, Амир Темур солиқларга қандай ёндашди?

Амир Темур давлат арбоби даражасига кўтарилгандан кейин солиқларнинг демократик хусусиятини кўзда тутиб, унинг ҳар бир мамлакатда қандай олинганлигини аниқлаш билан жиддий шуғулланганлигини исботлайдиган далиллар мавжуд. Шулардан бири XVIII асрда яшаб ижод этган инглиз иқтисодчиси Адам Смитнинг "Халқлар бойлиги ва унинг табиати" асарида келтирилган тамойилларнинг XIV—XV асрларда, яъни 3—4 аср олдин башорат қилинганлигидир *(қаранг:* Асарнинг 1995 йилдаги ва турли йиллардаги нашрлари.)

Биринчи тамойил — солиқ солиш ва ундиришда **адолатпарварлик тамойили**. Бу тамойил солиққа тортишнинг оммавий бўлишини, солиқларнинг фуқаролар даромадларига қараб тақсимланишини ифода этади.

Иккинчи тамойил — **аниқлик (конкретлик, мунтазамлик) тамойилига** биноан солиқ тўловчига унинг ҳисоблаш усули, тўлаш вақти олдиндан маълум бўлиши керак.

Учинчи тамойил — солиқ тўлаш ва тўланган солиқни ундириш **аҳолига қулай бўлишидир**. Солиқ фуқаролар учун қулай вақт ва усулда ундирилиши керак.

Тўртинчи тамойил — солиқлар ҳамиша такомиллаштириб борилиши, бу тизимга доимий ўзгартиришлар киритилиши ва

солиқ тўлаш харажатлари муттасил камайиб бориши керак.

Юқорида санаб ўтилган тамойиллар "Темур тузуклари"да, ўша давр хусусиятларини кўзда тутиб, шакл жиҳатидан бошқача ифодаланган бўлса ҳам, лекин мазмун жиҳатидан уларнинг бир-бирига мослигини англаш қийин эмас. "Тузуклар"да кўрсатилганидек, "солиқ ҳосил пишиб етилганидан кейин олиниши керак". "Ҳосил пишиб етилмасдан туриб раъиятдан молу-жиҳат олинмасин", дейилган. Демак, Амир Темур "Тузуклар"ида ҳам бу тамойиллар кўзда тутилган экан.

Маълумки, мўғуллар даврида солиқ тўлаш раъиятда норозичилик кайфиятини туғдирар эди. Амир Темур даврида эса, аксинча, солиқ тўплашда қулайлик туғдирилиб, солиқни "яхши сўз билан олсинлар, калтак, аркон ишлатиб, ишни уриш ва сўкишгача олиб бормасинлар, уларни банди этиб занжир билан боғламасинлар", деб кўрсатган. Бу қоида Адам Смит асарларида **қулайлик тамойили** тарзида ифодаланган.

Маълумки, Амир Темур давригача тушум тўпловчиларнинг иш ҳақи солиқ тўловчилар ҳисобидан ундирилар эди. Маҳмуд Ялавочнинг одамлари қонунда кўзда тутилмаган солиқларни ундиришга ҳаракат қилганликлари сир эмас. Амир Темур солиқ тўпловчилар халқ устига юк бўлиб яшашларига йўл қўймаслик мақсадида уларга маош тайинлади. Мазкур қоида Адам Смит асарида **тежаш тамойили** деб аталган. Бу тамойилга риоя қилинганда солиқ тўловчилар зиммасига тушадиган харажат юки бир қадар қисқариши табиий.

Солиқларни такомиллаштириш борасида Амир Темур ўз вақтида қатор тадбирларни амалга оширди. Жумладан, янги ерларни ўзлаштирган, ташлаб кетилган ерларни тиклаб, обод қилган раъиятни баъзи солиқлардан озод этган, рағбатлантириб турган. Бундан ташқари, Амир Темур ташаббуси билан фавқулодда ва маҳаллий тарздаги солиқларнинг аксарияти дастлабки даврлардаёқ бекор қилинди.

Шундай экан, солиқ назарияси дастлаб ғарбда эмас, балки Шаркда, Адам Смит эмас, балки Амир Темур томонидан жорий этилганлигига асослар етарли. Тадқиқотлар Адам Смит "Темур тузуклари"дан бехабар бўлганлигидан далолат беради.

Амир Темур ўз салтанати таркибига кирган мамлакатлардан олиниши лозим бўлган барча солиқларни марказий девонга тўпламасдан, балки, суюрғол ва тархон қилиб берилган ерлардан

тушадиган солиқларни идора қилишни улусларга, туманларга топширди ҳамда уларнинг ихтиёрида қолдириладиган маблағлар ҳисобидан бошқа харажатларни таъминлашни жорий қилди. Бу тадбир молия масалаларини идора қилишни осонлаштирди.

Амир Темур давлати молиясини таҳлил этганда марказий ва маҳаллий хазиналарга тушадиган барча тўловлар билан бирга, айрим солиқ ва солиқсиз даромадлар ҳам эътиборда тутилиши керак. Қуйида шулардан айримларини келтирамиз: чорвачиликдан келадиган даромадлар; қўшиб олинган мамлакатлар хазиналарини мусодара қилишдан келадиган даромадлар; олтин ва кумушдан пул зарб қилишдан келадиган даромадлар; нодир металларни қазиб олиш ва уларни сотишдан келадиган даромадлар; бедарак йўқолган шахслардан қолган, вориссиз мол-мулклар, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билан олинган жарималар, совғалар, хазинага тақдим қилинган бошқа даромадлар; ташқи савдони ривожлантиришдан тушган даромадлар.

Чорвачиликдан келадиган даромадлар хазинага тўлиқ миқдорда ўтмасдан, солиқнинг кўп қисми натура тарзида ундирилар, чунки улар ҳисобидан сипоҳилар ва сарой хизматчилари озиқ-овқат билан таъминланар эди. Баъзан от, туя ва бошқа ҳайвонлар сипоҳилар ҳамда амалдорлар учун улов воситаси сифатида хизмат қилар эди. Манбаларда 40 қўйдан — 1 қўй, 120 тадан 200 тагача қўйдан — 2 қўй, 300 қўйдан — 3 қўй олингани ёки бир бош отдан 2 динор олингани ҳақида тегишли маълумотлар бор.

Бундан ташқари, Амир Темурнинг махсус яйловлари бўлиб, уларда зотли отлар парвариш қилинган, саройни таъминлайдиган алоҳида чорва хўжаликлари мавжуд бўлган. Табиийки, уларнинг нархи минглаб динорга тенг эканлигини ҳисобга олиб, Амир Темур замонида туташ минтақаларда йирик **божхоналар** барпо қилинди. Булардан бири Кавказ тоғ тизмалари Каспий денгизига туташган ерда жойлашган Дарбанд божхонаси, иккинчиси ҳам шу ном билан аталиб, Самарқанд билан Балх ўртасида жойлашган Шаҳрисабздан икки кунлик масофада барпо этилган. Айни маҳалда мамлакат йўлларида мусофирлар ва йўловчилар, савдогарлар ва ҳунармандлар хавфсизлигини таъминловчи махсус қисмлар фаолият кўрсатган. Биз буни тарихан жилбонлар, ёмчилар, ҳозир эса божхона махсус қисмлари сифатида биламиз.

Масалан, Самарқанд вилоятидаги Жом (Ём) топонимикаси ва Бухоро вилоятидаги Жилвон топонимикаси айнан бир хил географик маконда, яъни кўчманчи чорвадор аҳоли билан ўтроқ аҳоли макони ўртасида вужудга келиши табиий. Шундай экан, солиқ ёки молия атамалари ҳатто географик топонимикага ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Ана шу божхоналар марказий хазинага ҳар йили жуда катта миқдорда маблағ туширар эди. Маълумотларга қараганда, бу даромадлар Австрия ёки Дания давлатларининг йиллик даромадларидан қолишмас эди. Айрим йиллар ҳатто Амир Темур қўл остидаги барча мамлакатлардан келадиган ер солиғи миқдори билан тенглашарди.

Хазинанинг кам тилга олинадиган даромадлари ҳақида сўз борар экан, Амир Темур давлати таркибига кирган ва хазинаси мусодара қилинган мамлакатлардан марказий хазинага келиб тушадиган ўлжа сифатидаги ноёб мол-мулкларни, қазиб олинган нодир металлар, олтин, кумуш ёмбилари ва кўплаб бошқа бойликларни ҳам ҳисобга олиш жоиз.

Кўксаройдаги йирик хазина жамғарма — аслаҳахоналарда Амир Темур Тўхтамишхонни тор-мор қилгандан кейин Табриз ва бошқа шаҳарлардан, Олтин Ўрда хазиналаридан қўлга киритилган ашёлар, Деҳлидан келтирилган, аслида, ҳинд ҳунармандлари юксак дид билан ясаган жозибали осори атиқалар, ҳатто Туркия султонлари салиб юришлари иштирокчиларидан мусодара қилган ва бошқа хилма-хил ноёб тарихий анжомлар мавжуд бўлганлиги бир қатор тарихий манбаларда тилга олинган. Айтиш керакки, кейинги асрларда "хазина" категорияси салбий аҳамият касб этди: ҳукмдорлар хазинани раъийятдан қизғанувчи арбобларга айланиб қолишди.

Соликлар тушуми каби улар ҳам рўйхатга олинган-у, лекин сипоҳлар ўртасида тақсимланган қисми рўйхатга киритилмаган. Афсуски, бу улкан хазина китоби бизнинг даврimizга қадар сақланмаган. Булардан ташқари, хазинага олтин ва кумуш конлари, нодир металлар қазилмаларидан келтириладиган дурдоналарни ҳам ҳисобга олиш зарур. Амир Темур замонида унинг салтанатининг 40 га яқин шаҳрида, шу жумладан, Самарқандда пул зарб қилиниб, бу корхоналар даромадларининг 3/4 қисми хазинага ажратилган.

Хўш, шунчалик катта хазинага эга бўлганлигига қарамай,

Амир Темур нима сабабдан **фуқароларни соликдан буткул озод қилмаган** деган савол туғилиши мумкин.

Амир Темур улкан ҳарбий муваффақиятларни нишонлаш учун айрим ҳолларда Самарқанд ва бошқа шаҳарлар, ҳатто қишлоқлар фуқароларини 1—2 йилга соликдан озод қилган. Аммо хазинанинг аҳволи ҳамма вақт ҳам бир хил бўлмаган. Хазинадаги маблағлар етишмаганида сипоҳларга пул ўрнига квитанция берилганлиги ҳам солномаларда қайд қилинган. Амир Темур ўзига қарашли мамлакат аҳолисини барча соликлардан озод этиш хазина тамойилларига зидлигини яхши билар эди. Амир Темур мамлакатни бошқаришда соликларнинг аҳамияти хусусида, жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий муносабатлар ўрнатишда, умуман давлатни бошқаришда улар муҳим восита эканлиги ҳақида тегишли хулосалар чиқарган. Давлатнинг маҳаллий ва марказий бўғинлари харажатларини маъмурий идора ва саройнинг умумий сарфлари; ҳарбий харажатлар ва ҳарбий аҳамиятга молик харажатлар; мамлакат ободончилиги ва юрт фаровонлигини оширишга қаратилган харажатлар; илм-фан, маданий ва диний тадбирлар билан боғлиқ харажатлар; ижтимоий ҳимоя харажатлари ва бошқа — сарфларга ажратиш мумкин.

Маъмурий-бошқарув харажатлари хусусида сўз юритилар экан, Амир Темур салтанатининг 4 улусга бўлингани, ҳар бир улус бир неча мамлакатдан иборат эканлиги ва уларни Амир Темурнинг ўғиллари бошқарганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Масалан, Мироншоҳ Озарбойжон, Ирок, Арманистон ҳудудларини бошқариб, уларни бирлаштирган улусга ҳоким бўлган. Ҳар бир мамлакат ўз навбатида қатор туман ва шаҳарларга бўлинган. Бу бошқарув усули мўғуллардан кўчган. Ҳар бир улус ихтиёрида ўрта ҳисоб билан 7 мингдан 12 мингга қадар сипоҳи бўлган. Уларга улус маҳкамасидан ҳақ тўланган. Бинобарин, улуслар ҳарбий харажатларининг ва маҳаллий маҳкамалар харажатларининг талайгина қисмини ўзида марказлаштирмай, уни маҳаллий маҳкамалар зиммасига юклаган. Айни вақтда барча кирим-чиқимлар назорат қилиб турилган.

Амир Темур даврида бюджетнинг **дастлабки куртаклари** пайдо бўла бошлаганлиги ҳақида тўхталган эдик. Гап шундаки, илгари даромад ва харажатлар хазинабон дафтарида қайд қилинган бўлса, эндиликда, бу вазифа ҳар бир вазирлик бўйича меҳнат тақсимоти асосида амалга оширила бошланди; даромад ва

харажатлар ихтисослашган гуруҳлар бўйича ҳисобга олинадиган бўлди.

Амир Темур девонидаги 4 вазир томонидан кирим-чиқим сметасини тузиш маҳаллий маҳкамаларга нисбатан қулайроқ бўлган эса-да, маҳаллий маҳкамаларда харажат турларининг кўплиги ишни анча мураккаблаштирган бўлиши керак.

Марказий девонда хизмат қилувчи вазирлар ўртасидаги меҳнат тақсимотида молия масалалари марказий ўрин эгаллаган. Бунда ҳар бир вазирлик бўйича кирим-чиқим сметаси тузилган, тушадиган даромадлар ва қилинган харажатлар ҳар куни ҳисоблаб борилган. Бюджет куртаклари фақат марказий девондагина эмас, балки маҳаллий бошқарув маҳкамаларида ҳам ривожлана бошлаган.

"Амр қилдимки, дейилади "Тузуклар"да, сарҳадлар ва менга тобеъ мамлакатларга оид ишларга масъул уч вазирдан иборат **давлат ҳайъати** (холиса) тузилсин. Улар мазкур ерлардаги молиявий муаммоларни ва келадиган даромадларни бошқарсинлар... Салтанатнинг ҳар бир идорасида кирим-чиқимларни, кундалик харажатларни ёзиб бориш учун бир котиб тайинлансин".

Бюджет куртакларининг **учинчи йўналиши** — даромад ва харажат мувозанатини смета орқали аниқлаш, уни таҳлил қилиб, улус, туман, қолаверса, мамлакат иқтисодиётига баҳо бериш учун маълумот ҳозирлашдир. "Қайси амирга **тиюл** берилар экан, — дейилади "Тузуклар"да, — уни 3 йилгача ўз ҳолига қўйсинлар. Уч йил ўттандан сўнг уни текшириб кўрсинлар: агар мамлакат обод, раъият рози экан, шу ҳолича қолдирсинлар; агар аҳвол бунга хилоф равишда бўлса, ул вилоятни холиса фуқаролари соликлардан озод қилишга ўтказилиб, уч йилгача ўша жогирдорга **улуфа** берилмасин". Бу йўналиш бюджет куртакларидан бири қаторига киритилиши сабаби шундаки, унинг натижалари улус ва туманларнинг келажакдаги молиявий аҳволига таъсир кўрсатган.

Харажатларни маромга келтириш шаклланаётган бюджет тизимининг бўлажак куртакларидандир. Амир Темур давридан илгари маълум йўналишларда чинакам эҳтиёжни ўрганмасдан, харажатлар чамалаб берилар эди. Бунинг оқибатида ортиб қолган маблағлар хазинага қайтарилмасдан, англашилмовчиликларга сабаб бўлар эди.

Меъёрлар, биринчи галда, сипоҳийлар, лашкарбошилар, шу билан бирга лавозимли вазирлик хизматчиларига бериладиган улуфаларда ўз ифодасини топган. Пуллик нормалар билан бирга моддий (натура) нормалар ҳам қўллана бошлади.

"Амр қилдимки, — дейилади "Тузуклар"да, — амирулумаронинг маоши ўз қўл остидагидан ўн баробар ортиқ бўлсин. Шунга ўхшаш девонбеги ва вазирларнинг маошлари амирлар маошидан ўн баробар кўп бўлсин. Ясовуллар, чаповуллар, қалақчиларнинг маошлари ўз хизматларига яраша мингдан то ўн минг тангагача бўлсин; аҳли мажлис бўлган саййидлар, олимлар, фозил кишилар: ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссахонлар, хабарчилар, тарихдонларга ўз ҳолларига қараб, суюрғол, вазифа ва маош белгиласинлар. Пиёдалар, хизматчилар, фаррошларга юздан минггача маош берсинлар".

Меъёрлаштириш усуллари, айниқса, моддий харажатларни ҳисоблашда кўзга ташланади. "Тузуклар"да кўрсатилишича, "оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши учун ўзи билан бирга бир чодир (хайма) олсин, ҳар бир аскар икки от, бир камон, бир садоқ ўқдон (таркаш), бир қилич, арра, бигиз, бир қоп (жувол), жуволдиз, болта, ўнта игна ва орқага осиладиган чарм халта (чарм пушт) олсин", деб кўрсатма берилган.

Моддий нормалар ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, оддий сипоҳиларга уларнинг минган отлари баҳосида, баҳодирларга тўрт отнинг баҳосигача, ўнбошиларга сипоҳийларга нисбатан ўн баробар кўп маош тайинланганини яна бир бор такрорлаб ўтиш керак. Маошларнинг от баҳосида ўлчаб белгиланиши кўп вилоятларда товар-пул муносабатлари ривожланмаганлиги, иккинчи томондан, пулнинг харид қуввати ўзгариб турганлиги билан боғлиқ бўлган.

Шаклланаётган бюджет куртакларидан бири марказий девонда ва улусларда, туманларда молия назорати ўрнатилиб, қонунбузарларга нисбатан жазо чоралари белгиланишидир. Агар амалдорларнинг ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, шу ортиғи навбатдаги маошидан ушлаб қолинган, 3 баробар кўп бўлса, ҳаммаси айбдордан ундирилган.

Бюджет куртакларидан яна бири маҳаллий ҳокимиятлар ўз тасарруфидаги муассасалар фаолияти ҳақида керакли маълумот ва ҳисоботларни олиб туришидир. Ана шу ҳисоботлар маблағлар

ҳаракати устидан назорат ўрнатишга ёрдам берган. Лекин бу маълумотлар ҳозиргидай жадвал шаклида эмас, балки оддий изчил ёзма шаклда тақдим қилинган бўлса керак. Маълумки, жадвал, статистика фани маълумотларига қараганда, кейин қўллана бошланган, шу сабабли маълумотлар чалкашликлардан холи бўлмаган. Шундай қилиб, Амир Темур салтанатида Европа мамлакатларидан олдинроқ бюджет куртаклари вужудга кела бошлаган, молиявий ишларни ташкил қилишда ҳам бир қанча муваффақиятларга эришилган.

Ҳарбий аҳамиятга молик иккинчи гуруҳ харажатларда кўпдан-кўп ҳарбий юришлар ўз ифодасини топган бўлиб, уларни умумлаштирганда икки давр кўзга ташланади.

Биринчиси 1360 йилдан 1386 йилгача бўлиб, чорак асрни қамрайди. Иккинчиси 1386 йилдан 1402 йилгача бўлган даврдир. Иккинчи даврда биринчи даврга нисбатан кўпроқ миқдорда маблағ сарфланган. Биринчи даврда мўғуллар ҳукмронлиги узил-кесил тугатилиб, марказлашган давлат барпо этиш учун қизғин кураш олиб борилган, иккинчи даврда эса "уч йиллик", "беш йиллик", "етти йиллик" ҳарбий юришлар ташкил қилинган.

Узоқ йиллар мобайнида ташкил қилинган ҳарбий юришлар жуда катта миқдорда маблағ сарф этишни талаб этар эди. Амир Темурга тобеъ мамлакатлар сони кўпайиб, хазина имкониятлари ошган сари, ҳарбий юришларга ҳам илгарига нисбатан кенгроқ шароит вужудга кела бошлади. Масалан, Ҳиндистонга ҳарбий юришда 92 минг сипоҳи иштирок эттан, буларнинг аксарияти отлиқ сипоҳилар эди. 1405 йили Хитойга мўлжалланган ҳарбий юришга 200000 кишини сафарбар этиш белгиланган эди. Барча ҳарбий юришлар ҳақида мисол келтириш имкониятига эга эмасмиз, лекин бу юришлар учун сарфланган харажатлар ҳақида фикр юритганда лашкарларнинг сонинигина эмас, балки уларнинг қурол-аслаҳа, озиқ-овқат таъминотини ҳам кўзда тутишимиз керак.

Амир Темур ўша даврдаги ҳарбий техника янгиликларига алоҳида эътибор берарди. У ҳарбий қуроллар ясайдиган ҳунармандлик соҳасигагина эмас, балки Хитойга юриш бошланмасидан олдин Мовароуннаҳр сарҳадларида қалъа майдонларини кенгайтиришга ҳам эътибор берган. Ҳарбий харажатлар ҳақида гап борар экан, бу харажатлар ҳисобидан махфий разведкага (хабаргирликка) эътибор кучайганлигини таъкидлаш жоиз.

Амир Темур айғоқчилик маълумотлари фақат ҳарбий вазиятни баҳолашдагина эмас, балки ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунар эди.

Айғоқчилик мақсадлари учун Амир Темур давлатида кўплаб маблағ ажратилган. "Тузуклар"дан келтирилган қуйидаги парча бу харажатлар ҳақида қисман бўлса-да, тасаввур бериши мумкин: "...мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб югурувчи кишини чопқунчи, минг нафар тезюрар пиёдани чопар этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар сарҳадларининг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол юз бермасидан бурун чора ва иложини қилайлик. Чунончи, Тўхтамишхоннинг Ўрусхондан енгилгани ҳақида менга хабар келтирганларида, энди ҳузуримга паноҳ излаб келишини билдим. Шунинг учун Ўрусхонга қарши жанг қилишга тайёрлана бошладим".

Маъмурий бошқарув ва сарой салтанати харажатлари ўзининг тутган ўрни ва доимий такрорланиб туриши жиҳатидан **ҳарбий харажатлардан** кейин **иккинчи ўринни** эгаллайди. Биз ана шу харажатлар ҳисобидан дабдабали саройлар, осмонўпар меъморий ёдгорликлар, шаҳар атрофидаги бири-биридан гўзал боғлар, Аҳмад Яссавий каби буюк тарихий шахсларнинг хотирасини абадийлаштириш учун қурилган обидалар ва бошқа шаҳарлардаги муҳташам ёдгорликлар билан бирга, мамлакатнинг турли ерларида ўнлаб каналлар қазилганлиги, янги ерлар очилганлиги, чўлларга сув чиқарилиб, чорвачилик учун яйлов майдонлари кенгайтирилганлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Амир Темур салтанатидаги харажатларнинг таркибий қисмларидан бири ижтимоий ҳимоя харажатлари эди. "Тузуклар"да мамлакатдаги фақиру мискин, бирор касб билан шуғулланишга ожиз, шол, кўрларга давлат ҳисобидан нафақа бериш қайта-қайта таъкидланади. Бундан ташқари, ҳар бир мамлакатдаги гадоларни тўплаб, кундалик ейиш-ичишларини бериб, уларга бирор вазифа юклаш, иш билан таъминлаш ҳақида тавсиялар бор.

Амир Темурнинг эътироф этишича, мамлакатни хунук кўрсатувчи омиллардан **бири гадойликдир.** Гадойларни тугатиш учун уларни иқтисодий жиҳатдан етарли таъминлаш керак. Шу муносабат билан Амир Темур фақат гадоларнигина эмас, балки

юқорида санаб ўтилган ночорларни ҳам иқтисодий таъминлаш учун хазина молининг бешдан бир қисмини ажратган.

Амир Темур даврига қадар мамлакат хазинасидан фан ва маданиятга маблағ ажратиш тасодифий ҳодиса ҳисобланган. Маҳмуд Ғазнавий жаҳон аҳамиятига молик "Шоҳнома" асарининг ижодкори Абулқосим Фирдавсийга олтин билан эмас, балки кумуш билан мукофот бериб, буюк сиймони умрбод ранжитган. Амир Темур эса олиму меъморлар, муҳандису шоирлардан хазина маблағларини аямаган.

Амир Темур истеъдодли ҳунармандларнинг моҳирона фаолиятига, тайёрлаётган маҳсулотларига юксак баҳо берар, оз вақт ичида кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришни — меҳнат унумдорлиги, тадбиркорликни қўллаб-қувватлар эди. "Тажрибамдан кўрдимки, — деб ёзган эди у "Тузуклар" сўз бошисида, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради".

Маълумки, Амир Темур даврида ҳунармандларнинг аксарияти шаҳар бозорлари майдонларида истиқомат қиларди. Амир Темур шаҳар бозорларининг савдо майдонларини жиҳозлашгагина эмас, балки хориждан келган савдогарларга енгиллик туғдириш учун ҳар бир шаҳарда карвонсаройлар қурдириб, улар ўзлари келтирган молларни сақлашига алоҳида эътибор берган. Бунда Самарқанд ва бошқа шаҳарларнинг ўз маблағларидан ташқари, марказий девондан қўшимча маблағ ажратишга якиндан ёрдам кўрсатган.

Амир Темур нархлар устидан назорат ўрнатган, хорижий савдогарларнинг муайян нархларда мол харид қилишларини таъминлаган. Бу тадбир Марказий Осиёда ҳунарманд ва деҳқонлар етиштирган маҳсулотларнинг бошқа мамлакат бозорларида муносиб ўрин эгаллашига ёрдам берган, бу борада хорижий савдогарлардан олинадиган закот ва тамға тўловлари ҳам назоратда бўлган.

Амир Темур давлати молиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гап борар экан, унинг молиявий сиёсатини бошқа давлат раҳбарларининг молиявий сиёсати билан қиёслаш бу хусусиятлар ҳақида яққол тасаввур беради. Жумладан, тарихшунос олим А.Якубовский Амир Темурнинг XI асрда ўтган йирик ҳукмдор

Маҳмуд Ғазнавий билан солиштирма таҳлилини баён этган. Унинг фикрича, "иккалалари ҳарбий тадбирларда бир-биридан қолишмайди... аммо Султон Маҳмуд бошқа мамлакатлардан йиғиб келган бойликларни ғазнавийлар давлатининг хўжалик ишларига сарфламади. Амир Темур бошқача эди. У яхши ҳисоб-китобли раҳбар эди".

Султон Маҳмуд Ғазнавий Амир Темурнинг акси эди. Тарихшунос Мирхонднинг хотираларига қараганда, султон вафотидан икки кун олдин ҳаёти давомида тўплаган барча олтин-кумуш, қимматбаҳо тошлар, олтин динорлар билан тўлатилган беҳисоб бойликни кенг бир майдонга келтириб қўйишларини буюрган ва ўз бойликларидан узоқ вақт кўз узолмай, бирдан ҳўнграб йиғлаб юборган. Кейин, бирон динорига тегмай, барча бойликларни хазинага қайтаришни буюрган.

Хуллас, Амир Темур ўзбек давлатчилигида молия тизими соҳасида илғор йўналишлар ва усулларни жорий қилди. Темурнинг молия стратегияси иқтисодий стратегиянинг таркибий қисми сифатида марказлашган йирик салтанатни барпо қилиш ва мустаҳкамлашда аҳамиятга эга бўлди. Амир Темур даврига қадар хазинани идора қилиш фақат даргоҳ тамойилига асосланган бўлса, унинг даврига келиб даргоҳ ва вазирлик тамойиллари биргаликда қўшиб олиб бориладиган бўлди, маҳаллий ва марказий молия маҳкамаларининг ҳуқуқлари ва вазифалари қайтадан кўриб чиқилди, хазина даромадлари солиқли ва солиқсиз даромадларга ажратилди. Шу билан бирга молия соҳасида бир қанча сифат ўзгаришлари содир бўлди.

Буларнинг бари мамлакатнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан мустаҳкамланишига, унинг халқаро мавқеининг ошишига фаол таъсир кўрсатди. Ўз навбатида, халқаро савдони ривожлантиришга эҳтиёж туғилди, Амир Темурнинг Миср ва Европа ҳукмдорларига мактубларида иккиёқлама бож олмаслик хусусида, иқтисодий устунликлар яратиб бериш борасида сўз борадики, бу қадриятлар ҳозир ҳам барҳаёт ва долзарбдир.

Рус олими Д.Н.Логофет таъкидлашича, Амир Темур молиявий масалаларда ҳам қатъий тартиб ўрнатган. Ҳозирги кунда кенг тарқалган даромад солиғи унинг ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди.

Амир Темурнинг иқтисодиёт, айниқса молия масалалари билан чуқур шуғулланганлиги Европада араб Монтескьеси

номини олган машҳур иқтисодчи ва жамиятшунос олим, "Ал-Муқаддима" комусий асарининг муаллифи Ибн Халдун томонидан кенг эътироф этилган. Амир Темурнинг Ибн Халдунга берган саволлари унинг иқтисодиёт илми доирасида юксак теранлик ва бой тажрибага эга эканлигини кўрсатган.

Кўпчилик тадқиқотчилар буюк имом ва аллома **Абу Зайд Абдурраҳмон ибн Халдун** (1336—1404 йилларда яшаган)ни замонавий социология ва, хусусан, **қўшимча қиймат** (қўшилган қиймат) назарияси муаллифи эканлигини эътироф этади. Дарҳақиқат, алломанинг "Муқаддима" деган улкан асари (1403 йил ёзиб тугатилган)да кишилик жамияти, давлат, унинг муҳим унсурлари — армия, иқтисодиёт вужудга келиши сабаблари, иқлимларнинг миллатлар ва давлатлар тақдирига таъсири ҳақида ниҳоятда зукко фикрлар ва таърифлар келтирилган. Амир Темур ва Ибн Халдун 1402 йил Дамашқда учрашишган, суҳбат қуришган. Буюк олим Амир Темурга ҳам, туркийлар давлатчилигига ҳам ижобий баҳо берган. Нега деган савол туғилиши табиий. Чунки туркий халқлар давлатчилиги греклар ва эронийлар давлатчилигидан бир қадар соддароқ бўлиб, ҳудудларни бошқариш анча осон бўлган: ишлаб чиқарувчилар кўпроқ эркинликка эга эдилар. Шу боисдан Салжуқийлар, Темурийлар ва Усмонийлар кўп асрлар йирик ҳудудларда ҳукмдорлик қилишган. Бунинг замирида **солиқ соҳасида табиий шароитни инобатга олишдек қадрият** ҳам туради. Ибн Халдун келажакда Россия, Европа ва Хитой юксалишини ҳам башорат қилган эди. Негаки, табиий ресурсларнинг чекланганлиги бу мамлакатлар халқларини кимсасиз ва қолоқ ҳудудларни ўзлаштиришга мажбур этиши ва ундаши табиий эди. Таъбир жоиз бўлса, Ибн Халдун тарих фанидан "илоҳий парда"ни бир қадар сидириб ташлади, тарих ўзига хос бошқарилувчи жараёнлардан таркиб топишини исботлади. Ваҳоланки, у етук қози, доно имом ва Қуръони карим билимдони эди. Айни маҳалда "закот" ва "ушр"га юқори баҳо берган ва жамиятда ишлаб чиқариш ривожлангани сайин хайрия бериш ва камроқ солиқ солиш имконияти вужудга келиши, ҳатто заруратга айланишини асослаган. Шунингдек, буюк олим солиқларни **тарихни ҳаракатлантирувчи кучлардан бири** деб билади. Олимнинг қарашича, ёш давлат **сахий** бўлади, парчаланишга маҳкум, кексайган давлат эса солиқлар орқали ўз фуқароларига **жабр-**

зулм ўтказади.[8] Шундай қилиб, **Амир Темур ва Темурийлар даври** араблар истилосидан сўнг Мовароуннаҳрда юритилган давлат молия ва солиқ сиёсатида ўзига хос такомил босқичи бўлиб, Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар даврида амал қилган ва Чингизийлар истибдоди даврида издан чиққан иқтисодий, жумладан, солиққа тортиш сиёсатида муҳим бурилишлар ясади. Бир томондан, забт этилган мамлакатлар бойликлари қаторида Мовароуннаҳрнинг ички резервлари ишга солинди. Иккинчидан, ҳарбий бошқарув баробарида ишбилармон кишиларнинг тадбиркорлиги ҳам рағбатлантирилди. Бутун Машриқзаминдан тўпланган ҳунарманд ва алломалар ўртасида сезиларли рақобат кечганлиги ҳам сир эмас. Шу боисдан Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даври Марказий Осиё Ренессанси дея ҳақли таърифланади.

Қисқача хулоса қилиб айтганда, Амир Темур даврида асосий солиқлар ер солиғи (хирож, мол дейилган), жон солиғи (жузя), миниладиган ҳайвонлар етказиб бериш (улоқ), бегар мажбуриятлари ва баъзи бошқа фавқулодда солиқлар (аваризот) эди. Амир Темур ўзининг молия ва солиқ қоидаларини ишлаб чиқишда салафлари ва замондошлари тажрибасидан фойдаланади. Шунингдек, ўзи истило этган мамлакатларнинг солиқ тизимлари билан ҳам танишди. Хусусан, тархонлик институти хожалар ва вақфларга ажратилган мулклардан ҳаракатчан, рақобатбардош эканлиги билан ўзини амалда исботлади.

Темур солиқ сиёсатининг асосий қоидаси "Тузуклар" — Соҳибқироннинг ўз фарзандларига қолдирган сиёсий васиятида келтирилган: "Солиқларни йиғишда халқни солиқлар билан эзиб қўйишдан ёки вилоятларни хонавайрон қилишдан эҳтиёт бўлиш зарур, зеро, халқнинг хонавайрон бўлиши давлат хазинасининг қашшоқлашишига олиб келади, хазинанинг ночорлиги оқибатида эса ҳарбий кучлар пароканда бўлиб, бу эса ўз навбатида ҳокимиятни заифлаштиради". Қонунни ишлаб чиқишда, деб ҳисобларди Амир Темур, аввало, халқнинг манфаатларини ҳисобга олиш, унинг тўлов қобилиятидан келиб чиқиш зарур, ҳар бир алоҳида хўжаликда бой-бадавлатликнинг эришилган даражаси солиққа тортишга асос қилиб олиниши керак.

Солиқларни ҳисоблаб чиқиш қоидалари мавжуд эди. Солиқлар

[8] Ibn Xaldun. Mukaddime. 1990, Istanbul. 1-jild, 111—544-sahife.

ернинг унумдорлигига тегишли равишда белгиланган. Масалан, агар деҳқон доимий ариқлар, сув қувурлари ёки оқимлар билан суғориладиган ерларга эга бўлса, фақат ана шу сувлар узлуксиз оқиб турсагина, мазкур ерлардан олинадиган даромад уч қисмга бўлинган, учдан бир қисмини солиқ йиғувчи олган. Ерлар фақат ёмғир суви билан суғорилса, улар икки қисмга тақсимланган. Кўрамизки, ставкалар ер сифатига — суғориладиган ёки лалмикор эканлигига қараб табақалаштирилган.

Янги ерлар ўзлаштирилишини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари ҳам қўлланилган. "Бўз ерга ишлов берган ва уни суғорган, унга кўчатлар эккан ёки қаровсиз ерларни экин учун яроқли қилган деҳқон биринчи йили солиқлардан озод қилинган; иккинчи йили у ўзи қанча хоҳласа, шунча солиқ тўлаган, учинчи йили эса солиқлар тўғрисидаги умумий қоидага бўйсунган".

Натура билан тўланадиган ҳақни пулга алмаштиришлари мумкин эди: "Агар фуқаро пул билан тўлашни хоҳласа, йиғимнинг бир қисми жорий нархлар бўйича баҳоланган".

Бироқ расмий солиқлар билан бир қаторда айрим жойларда ўзбошимчалик билан белгиланган солиқ ва йиғимлар ҳам мавжуд эди: **Молужиҳаат** — ер солиғининг бир тури; **тағор** — озиқ-овқатларни реквизиция қилишда қўлланиладиган натура солиғи; **ихрожот** — саройларга қараш учун махсус йиғим; **бож** — савдогарлардан чегарани кесиб ўтишда ундириладиган божхона солиғи; **саршумар** — жон солиғи; **хонашумар** — ҳар бир уйдан олинадиган йиғим; **қўналға** — элчи амалдорлар, чопарларни бепул қабул қилиш ва меҳмон қилиш йиғими; **шилон пули** — нойибларни зиёфат килиш йиғими; **пешкаш** — юқори мансабдаги амалдорларга совға бериш учун йиғим.

Амир Темур солиқ аппаратини ташкил этишга ҳам эътибор берди. Округлар, вилоятлар ва мамлакатларнинг бир қисми уларнинг илгариги соҳиблари, Амир Темурнинг амирлари, ўғил ва невараларига суюрғол қилиб, яъни аҳолисидан давлат солиқлари ва ўлпонларини ундириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилиш ҳамда бошқаришга берилди. Ушбу солиқ ва ўлпонлар бутунлай ёки қисман суюрғол эгасининг фойдасига айланган.

Амир Темур даврида бўлганидек, **Темурийлар даврида** ҳам суюрғолларни улашиш амалиёти кенг тарқалди. Марказий ҳокимият вакиллари — Шоҳрух, Улуғбек, Абу Саид, Султон Ҳусайн ёки улусларни бошқарган шаҳзодалар ерларга мерос тарзида эгалик қилиш учун улашганлар.

Мирзо Улуғбек (1409—1449 йилларда ҳукмдор) аҳоли асосий қисми аҳволини енгиллаштиришга интилиб, ер солиғини иложи борича камайтирди. Бу, шубҳасиз, деҳқонлар фаровонлигини ўстиришга имкон яратди. Бироқ Улуғбек тушумлар бундай қисқаришининг ўрнини **тамға** — ҳунарманд ва савдогарлардан олинадиган йиғимни кўпайтириш ҳисобига тўлдиришга мажбур бўлди.

Темурийлардан **Ҳусайн Бойқаро** (1469—1507 йилларда ҳукмдор) 1500 йилда мамлакатда исёнлар туфайли харажатлар кўпайганлигини инобатга олиб, Ҳирот ҳокими Муборизиддин Валибекка нишон юбориб, янгидан туғилган харажатлар учун (ихрожоти зарурия) Ҳирот ва унинг теварак атрофидаги бўлуклар (туманлар)дан 100 минг динор **кепакий** тўплаб жўнатишни буюрди.

Амир Валибек бўлуклардан фақат ярмини, қолганини эса Ҳирот аҳолисидан "саршумар", яъни жон солиғи сифатида ундиришга қарор қилди. Бундай қилганда меҳнаткаш халққа жудаям оғир бўларди. Алишер Навоий Валибекнинг бу қарорини эшитиб, Ҳирот аҳолиси зиммасига тушган 50 минг динорни ўз хусусий жамғармасидан тўлади. Бу воқеа Алишер Навоий тўғрисида ёзилган тарихчи Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ" асарида берилган.[9]

Бинобарин, XVI аср бошларидан Мовароуннаҳрда янги феодал сулоласи — **шайбонийлар сулоласи** қарор топди, улар деярли юз йил ҳукмронлик қилди. Темурий зодагонлар ва улар билан боғланган олий руҳонийлар ва ер соҳиблари йўқ қилинди, уларнинг ер мулклари, кўчмас мулки ва бошқа бойликлари кўчманчи ўзбек феодал зодагонлари қўлига ўтди. Бироқ Шайбонийлар давлатининг ижтимоий тузуми Темурийлар давлати хусусиятларини сақлаб қолди. Илгаридек муайян шахсларга аввал давлат хазинасига тушган давлат солиқларини ўз фойдасига маълум вақт мобайнида ундириш ҳуқуқи берилган. Бухорода бундай шартли туҳфа XVI асрдан бошлаб форсча **"танҳо"** атамаси билан атала бошлади. Шу тарика, Амир Темур даврида амал қилган ва юксалишга замин ҳозирлаган даромад солиғи деярли ўртадан кўтарила бошлади ва Мовароуннаҳр тарихида иқтисодий ҳамда маданий тушкунлик даври бошланди.

---

[9] Хондамир ва унинг илмий мероси/ Б.Аҳмедов. "Тарихдан сабоқлар". Т. "Ўқитувчи", 1994, 557-б.

Шайбонийлар давлатида солиқ, ўлпон ва мажбуриятлар тизими анча мураккаб бўлган. Расман унга **тўқсонга яқин солиқ ва ўлпонлар** кирган. Асосий солиқ хирож бўлиб, у суғориладиган ерларнинг 30—40 фоизига солинган; давлат аппарати, сипоҳийлар ва хон саройини боқиш учун ихрожот олинган; боғлар, полизлар, бедазорлар ҳам солиққа тортилган. Агар давлат аппарати пулга ғоятда муҳтож бўлса, фавқулодда солиқлар жорий этилган.

Солиқ ва ўлпонлардан ташқари аҳоли мажбурий ишлаб бериш мажбуриятини ўтаган. Улар ичида энг оғири **ясоқ** бўлган, яъни аҳоли каналлар, қалъа хандақларини қазиш, йўллар қуриш, ўтин, сомон, шоҳ-шабба йиғишга сафарбар қилинган. Бундай ишларга турли жойлардан ўн минг одам ҳайдаб келинган, улар ўз асбоблари билан келиши, ўз ҳисобидан овқатланиши керак эди. Улар текинга ишлашган. Бу даврда тағин **ихрожат, тоғар, улуфа, қўналға, мададилашкар, бож, тансуқот, туҳфа** ва бошқа солиқлар бўлган, уларнинг аксарияти бутун ўрта асрларга хос эди.

Минтақа тарихи саҳнасига шайбонийлар ўрнига чиққан **аштархонийлар** ҳам мол-дунё йиғишда асти камини қўймаганлар. Жумладан, ҳокимиятни топширишга, ҳажга кетишга мажбур бўлган Абдулазизхон катта салтанат билан — 30 минг кишилик карвон ҳамроҳлигида Маккаи мукараммага йўл олганида қароқчиларга 20 минг динор тилла танга тўлашга рози бўлади. Қароқчилар 40 минг тилла талаб қиладилар.

Жўйбор хожаларининг хонликда мавқеи катта эди. Улар қўлида катта бойлик, ер-сув, молу мулк тўпланганди.

Бухоро яқинидаги Жўйбор хожаларининг Мовароуннаҳр XVI-XVII асрлар тарихида тутган ўрнига турлича қарашлар мавжуд. Келинг, Жўйбор хожаларининг фаолиятини солиқлар, аниқроғи, солиққа тортиш нуқтаи назаридан қисқача таҳлил қилиб кўрайлик.

Жўйбор хожаларининг **Муҳаммад Ислом** (тахминан 1493—1563 йилларда яшаган), **Хожа Саъд** (1531—1589), **Тожиддин Хожа Ҳасан** (1574—1646), **Хожа Абдураҳим** (1575—1629 йилларда яшаган) фаолиятини тарихий қўлёзмаларда, Европа ва рус шарқшунослигида кенг ўрганилган. Нақшбандия, яъни хожагон тариқати йўлбошчиларидан бири бўлмиш Муҳаммад Исломнинг фаолиятини ўрганган П.П.Иванов жўйборийларга оид ҳужжатлар ва "Абдулланома", "Матлаб ут-толибийн" сингари асарлар асосида заминдорлик хўжалиги ҳақида тадқиқот ҳам яратган.

Жўйбор хожаларининг маънавий ва иқтисодий фаолияти Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланома", Абулфазл Алломийнинг "Акбарнома", Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг "Убайдулланома", Мулла Вафойи Карминагий ва Домла Олимбек ибн Ниёзқулибекнинг "Туҳфайи хоний" (кейингиси асарнинг бир фасли ва хотимасини ёзиб тугатган), Муҳаммад Аминнинг "Муҳит ат-таворих", Муҳаммадёқуб ибн амир Дониёлбийнинг "Гулшан ул-мулк", Ҳусайн Сарахсийнинг "Саъдия", Бадриддин Кашмирийнинг "Равзат ур-ризвон", Абулаббос Муҳаммад Толибнинг "Матлаб ут-толибийн" сингари тарихий ва агиографик (авлиёлар ҳақида биография) асарларда ўша давр кишилари нуқтаи назаридан ҳар томонлама ёритилган.

Жўйбор хожаларининг ер-суви ва бошқа мулкларининг аниқ миқдорини белгилаш иложи йўқ. Аниқланганлари эса қуйидагилардир:

Хожа Муҳаммад Ислом омборлари ва сандиқларида сақланган накд сармоя ва турли-туман қимматбаҳо матолардан ташқари Бухоро, Самарқанд, Қарши, Марв ва бошқа вилоятларда 2500 гектар ер-сувга эга бўлган, шунингдек, хожанинг қўл остида 10 минг қўй, 700 от, 500 туя, 100 дан ортиқ ҳунармандчилик ва савдо дўконлари, 7 тегирмон, кўплаб ҳаммомлар, сардобалар ва бошқа мулк бўлган.

Хожа Саъднинг эса 17 минг гектар сермаҳсул ери, 2,5 минг қўйи, 1 минг туяси, 1 минг йилқиси, 12 ҳаммоми, 12 сардобаси, 2 карвонсаройи бўлган. Шунингдек, қалмоқ, рус ва ҳиндлардан иборат минг қули ҳам бўлган. Ана шу мулк ва ишлаб чиқариш воситалари йилига 1,6 миллион танга даромад келтирган.

Тожиддин Хожа Ҳасан ва Хожа Абдураҳимлар ҳам катта мулк соҳиби бўлишган. Тожиддин Хожа Ҳасаннинг 17 минг гектар ери, 50 та чорбоғи, 20 минг қўйи, қарийб 2,5 минг туяси, 50 қули бўлган, экинзорларидан 30 минг тонна буғдой йиғиштирилган. Унга тобе бўлган деҳқон ва кўчманчиларнинг умумий сони 25 минг кишини ташкил этган. Тожиддин Хожа Ҳасан **кутубхонасида мингдан ортиқ қимматли китоблар сақланган.**

Хожа Абдураҳимнинг эса 14 минг гектар ери, 1000 туяси, 1 минг оти, 8 сардобаси, 2 та ҳашаматли саройи, 7 та тимчаси, бир қанча тегирмонлари ва 400 нафар ғуломи (ҳарбий маъмурий ёлланма хизматкори) бўлган.

Ана шу мулкнинг келиб чиқиши эса Жўйбор хожаларининг насабига кўра эгаллаб турган лавозимига боғлиқ бўлган. "Равзат ур-ризвон" китобида уларнинг ота жиҳатдан Муҳаммад алайҳиссаломга бориб тақалувчи муъизаси келтирилган. Жўйбор хожалари она жиҳатдан Султон Ҳусайн Бойқаронинг замондоши ва амирулумароси Муҳаммад Тумон манғитга бориб тақалади. Муҳаммад Тумон манғит ҳаёт чоғидаёқ ер-мулкини куёви Хожа Муҳаммад Исломга мерос қилиб берган, бу ҳақдаги ҳужжат Султон Ҳусайн, Бадиуззамон мирзо, Музаффар Ҳусайн мирзо ва Алишер Навоий томонидан муҳр билан тасдиқланган. Хожа Муҳаммад Исломнинг муриди бўлмиш Абдуллахон Шайбоний (1533—1598 йилларда яшаган, 1557—1598 йилларда ҳукмдор) ҳам 1588 йилда мазкур ҳужжатлар асосида Хожа Саъднинг меросий мулкини эътироф этган.

Имом Абубакр Аҳмад Бухоро яқинидаги Чорбакр деган жойда отаси Хожа Абубакр Саъд ёнида дафн этилган. Хожаларнинг мозорлари мусулмонлар томонидан кўп ардоқланган ҳамда кўплаб вақф ерларига ва бошқа ер-мулкка эга бўлишган. Демак, вақф хўжалиги ҳам Жўйборий хожалари қўлида бўлган.

Авлоддан-авлодга ўтиб бораётган меросий мол-мулк устига хонлар, султонлар ва бадавлат шахслар томонидан тортиқ қилиб туриладиган ер-сув ва қимматбаҳо ҳадялар ҳам қўшилган. Бунга оид мисоллар жуда кўп. Жўйбор хожалари меросий мулкнинг бўлиниб кетмаслигига асосан **ягона ворис тайинлаш ва мулкни беҳудага кўпайтирмаслик** тариқасида эришганлар. Бунга ҳам мисоллар бир талай.

Жўйбор хожалари ўз бойликларини янги ерларни очиш йўли билан ошириб борганлар. Биргина 1557—1579 йилларда Сомонжуқ, Афшона, Севинжикалон каби Бухоро қишлоқлари (даштлари) ҳамда Чоржўй, Марв, Вахшдаги ерларда каналлар қазилиб, уларга "жон ато этилган". Олий ҳукмдор ва маҳаллий раҳбарлар Жўйборий хожаларини бу ишда қўллаб-қувватлаганлар. Бу — **биринчидан.**

Иккинчидан, Жўйборий хожаларининг ер-суви ва мол-мулкини аниқлаб бўлмаса-да, улар барча солиқлардан озод этилган ҳамда бу нарса олий ва маҳаллий ҳукмдорларнинг фармонлари билан тасдиқланган.

Учинчидан, Жўйборийларнинг Бухоро, Миёнкол, Самарқанд, Тошкент, Саврон, Туркистон, Ахсикат, Бадахшон, Ҳирот, Марв,

Мурғоб, Моҳон, Машҳад, Андхуд ва бошқа жойлардаги ҳад-ҳисобсиз мулкларида саркорлик (ишбошилик) лавозими таъсис этилган. Хожаларнинг шахсий девонхонаси, дафтархонаси, яъни молиявий идораси ташкил қилинган. Дафтардор (ҳисобчи) ва муҳаррир (котиб) каби амалдорлар қаторида қушбеги, мирохўр, миришкор, мушриф, қозибаковул, керакяроқчи каби мансабдорлар ҳам фаолият кўрсатган. Демак, Жўйборий хожалари мулки **"давлат бағридаги бошқа бир мустақил давлатча"** бўлган. Умуман, бу мулкка баҳо берганда Шайбонийлар ва Аштархонийлар марказлашган давлати ҳудуди анча катта эканлиги, юқорида келтирилган рақамлар бошқа мулклар уммонида бир кемача эканлигини, таъбир жоиз бўлса, атиги солиқ солинмайдиган йирик вилоят даражасида эканлигини ҳам эътибордан қочирмаслик лозим. Масалан, Абдуллахон Шайбоний даврида (1557—1598) Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчиқ дарёлари қарийб 2,5 миллион гектар ерни суғорган, мамлакатда чорва туёғи 10—11 миллиондан ошган, ҳатто, Нуротада Абдуллахонбанди сувомбори бунёд этилган, "минг сардоба" йўловчиларга хизмат қилган.

Ушбу ҳодиса Жўйбор шайхларининг мамлакатдаги, умуман, мусулмон дунёсидаги мустаҳкам мавқеини белгилаган.

Солиқ нуқтаи назаридан давлатдек **"кўринмас қўл"** ни (Адам Смит ибораси) йўққа чиқарган мулкдорлик шаклининг асосан **икки ижобий жиҳати** мавжуд. **Аввало**, ҳарбий-маъмурий бошқарилувчи мулкларга қараганда Жўйборий хожалари хўжалигида зулм ҳаддан ошмаган ва айни маҳалда зулмга учраган бошқа мулклар ўрнида кўпинча закот ҳамда бошқа солиқлар улар томонидан тўлаб юборилган. Бунга оид ҳужжатлар кўп. **Иккинчи жиҳат** шундаки, Жўйбор хожалари мамлакатда маърифий ҳаётни янада ривожлантириш имкониятига эга эдилар, уларнинг мулкларида Бухородан ташқарида ҳам бир қанча иншоотлар барпо этилди. Бунга ҳам мисоллар етарли.

Асосий салбий жиҳат шундаки, иқтисодиётнинг асосий қонуни — **рақобат ва солиқ** категориясига амал қилиш бузилгани ўз навбатида қолган мулкларда ривожланиш суст кечишига ҳамда зарурий солиқлар ва йиғимлар кўпайишига олиб келган. Бунда биз, Мовароуннаҳрдаги феодал тарқоқликнинг асосий заминларидан бирини кўрамиз. Бинобарин, Убайдуллахоннинг айнан ана шу объектив жараёнга қарши туриши, **хожалар**

мулкини тортиб олиши кейинчалик Қўқон хонлиги вужудга келишига ҳамда марказлашган давлат тарқаб кетишига замин яратган. Шундай экан, ҳар қандай шароитда ва даврда ишлаб чиқаришдаги рақобат ҳамда солиқ давлат ва мамлакат иқтисодиёти бирлигини таъминловчи асосий ҳодисалардан бири бўлиб қолади. Жўйборий хожаларига рақобатчи йўқлиги ҳам уларнинг кейинчалик давлатчилик қаватида заифлашиб боришига замин ҳозирлаган.

Шундай қилиб, Жўйборий хожаларининг хўжалиги ҳар томонлама, жумладан, ҳозирги замон иқтисодиёти ва ҳатто шариъат нуқтаи назаридан ўрганилганда ҳам бир қанча жараёнлар кечгани ҳолда, ниҳоятда ранг-баранг ҳодисалар кузатилади. Ўзига хос ўрта асрларнинг солиқ тўламайдиган монополияси бўлмиш Жўйборий хожалар хўжалиги илмий ўрганилиши ва баҳоланиши лозим, албатта.

Олиқ-солиқлар сони ҳам, тўлов миқдори ҳам борган сари ортиб кетади. Аштархонийлар саройдаги мансабдорларга оширилган тоифада хизмат ҳақи тўлар эдилар. Улар даврида солиқларнинг сони 40 га яқин бўлган. Ер солиғи гарчи одатдагидек ҳосилнинг 3 фоизи миқдорида бўлса-да, амалда фавқулодда ҳолатлар вақтида солиқлар бир неча баравар қилиб олдиндан ундириб олинган. Масалан, **Субҳонқулихон** (1681—1702 йилларда ҳукмдор) замонида бир йўла етти йиллик солиқлар йиғиб олинган. Муҳаммад Бадиъ Малеҳо Самарқандий бу ҳақда шундай ёзади: "Субҳонқулихон бутун мамлакатдан, асосан, Самарқанддан, ҳар йили солиқларни етти баробар ҳажмида йиғиб оларди. Агар қайсидир кимса бир танга тўлаши керак бўлса, ундан етти танга ундирардилар. Девон амалдорлари ва муҳассилларга бундан кўпроқ тегар эди".

Бундан олдин, 1633—1634 йилларда Имомқулихон фармойишига кўра Қўшкўрғон деган жойда янги арик ана шу усул билан қазилган бўлиб, буни замондошлари хон саховати эмас, балки кулфат деб баҳолашган.

Убайдуллахон (1702—1711 йилларда ҳукмдор) феодаллардан ер ("мулк")ни тортиб олиб, уларни сарой аъёнларига бермоқчи эди. Бироқ, у мерос ерларни тортиб олиб, қудратли дарвешлар уюшмаси мададидан маҳрум бўлди, унга қарши фитна уюштирилди ва 1711 йили ўлдирилди.

Амир Темур бекор қилган фавқулодда солиқлар шу йўсинда **одат тусига киради.**

Рента солиғи (молужиҳот, хараж) фақат давлат ерлари ҳисобига оширилиб қолмасдан, хусусий — мулконаларга ҳам жорий этилган. Мулкона солиқлари шу қадар ортиб кетган эдики, ер эгалари солиқларни тўлай олмай, ерларини текинга беришга ҳам рози бўлар эдилар. Лекин текинга олувчилар ҳам бўлмаган. Мулкона ерлари шайбонийлар даврида ривож топган бўлса, аштархонийлар уларни тамомила хонавайрон этади.

XVII аср ва XVIII асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёда марказлашган давлат **учта мустақил давлатга:** Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларига бўлиниб кетди. Уларнинг шаклланиши XVIII аср охири — XIX аср бошларида тугалланди.

Бухоро амирлигида молия тизими негизида араблар истилоси даврида бутун мусулмон Шарқи ўзлаштирган солиқ — хирож турган. Хирож ер солиғи бўлиб, у ҳосилнинг бешдан бир ёки учдан бир ҳиссаси сифатида олинган, ушр солиғи ўндан бир қисмни ташкил этган. Ҳунармандлар "ўз қобилияти ва дидига мос равишда" байрамларда хонга ўз буюмларини тақдим этишган. Фавқулодда ҳолларда улар ҳар бир дўкондан йиғим тўлашган.

Бухоро амирлигида ўлпон йиғиш билан девонбеги — молия вазири шуғулланган, у дафтарлар — ўлпон рўйхатларини тузган. Молия амалдорлари девонбеги раҳбарлигида кадастрлар, амир саройининг молия ҳисоботи ва моддий қисми билан шуғулланганлар. Натура мажбуриятлари устидан назоратни арбоб олиб борган.

XIX асрнинг биринчи ярмида хусусий мулк — ерлардан олинган ер солиқлари Бухоро амири хазинасига энг кўп даромад келтирган. Улар ичида энг аҳамиятлиси ҳали ҳам хирож эди. Хирож ерлари (замини хирожий) хонликдаги деҳқон аҳолига тегишли участкаларнинг катта қисмини ташкил этган. Хирож муайян ер участкасидан белгиланган суммада пул ва маълум миқдорда дон билан ундирилган (хирожи вазифа) ёки ҳосилнинг бешдан, олтидан, саккиздан бир қисми миқдорида ҳосилнинг мутаносиб қисмини тўлашда (хирожи муқассама) ифодаланган. Тўланадиган солиқ ҳажми эса синов тариқасида янчиш йўли билан аниқланган.

Бухоро давлатида мулкчиликнинг асосини ер-сув ташкил этган. Мингларча йиллар аввал бўлганидек, сўз юритилаётган асрларда ҳам олий ҳукмдор (хон ёки амир) мамлакатдаги бор **ер-сувларнинг бирдан-бир** эгаси ҳисобланган. Айни пайтда

Бухорода ер-сув мулкчилигининг уч шакли мавжуд эди: 1) **Давлат ерлари (бу амлок ерлар деб ҳам аталган)**; 2) **мулк ерлари (хусусий)**; 3) **вақф ерлар.**

Манғит амирлари Бухоро тахтини эгаллаб (1756—1920), қарийб 170 йил ҳукмронлик қилган бўлсалар, улардан Шоҳмурод (1785—1800 йилларда ҳукмдор) Бухоро аҳолисини олиқ-солиқлардан кўп пайтлар озод қилишга ҳаракат қилди. Бу эса савдо-сотиқ ҳунармандчилик ва маданий ҳаётнинг жонланишига олиб келади.[10]

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, амир Шоҳмурод камсуқум инсон бўлган. Аҳмад Дониш у кишининг ғаройиб аҳволи шарифидан бир неча нақллар келтиради: "Шоҳмурод ўз ўғли Мир Ҳайдарнинг хатна тўйини ўтказганда уламолардан 3—4 кишини чақириб, бир ёғоч корсон тавоқча шўрва келтириб қўйди. Устанинг хизмат ҳақига Шоҳмурод ўрдага кириб бир ҳовуч чигитсиз пахтани олиб чиқиб устага қараб: "Бундан бошқа сенинг хизмат ҳаққинг учун ҳеч вақо топа олмадим. Аёллар бўлажак чопоним учун шу пахтанинг чигитини олган эканлар, сенинг хизмат ҳаққингга деб олиб чиқдим", дея устага шу бир ҳовуч пахтани беради. Амир Шоҳмуроднинг ейдиган таоми ёвғон овқатлар бўлиб, бу овқатларга бироз мош, ловия, ўрик, жийда солинган".

Рамазон ойининг бир кечасида ифтор қилиш учун палов пиширишни буюради ва маҳрамига ўз ҳисобидан жузя пули олишни буюради. Маҳрам харажат қилиб, паловни тайёрлайди. Шу аснода амир Шоҳмурод тўртта қашшоқ муллаваччани топиб келтиришни буюради. Паловни тавоғи билан муллавачалар олдига қўйиб, "Бу паловнинг ҳаммасини еб бўлсаларингиз, ҳар бирингиз бир тангадан пул оласизлар, еб билмасангизлар пул йўқ", дейди.

Муллавачалар завқ-шавқ билан паловни покиза туширадилар. Амир Шоҳмурод уларга атаганини инъом этиб жўнатади. Бу нақллардан билиниб турибдики, у илм-маърифат эгаларини эъзозлаган. Халқ орасида унинг обрўйи кўтарилиб, уни "амири маъсум", "жаннатмакон" деб атаганлар".[11]

Амир Шоҳмурод ҳукмронлигидан бошлаб вақф ерларининг миқдори бирмунча кўпайди. Бу ҳол хазинага тушадиган

[10] П.Равшанов. Қашқадарё тарихи. Тошкент, 1995, 736-б.

[11] С.Иноятов. Кўҳна тарих гувоҳи. Тошкент, 2000, 32—33 бетлар.

даромадга таъсир этмай қолмади. Шунинг учун **амир Насрулло** (1826—1860 йилларда ҳукмдор) **ярғу**, яъни вақф ерларини мусодара қилиш усулини жорий этди.

Токзор, йўнғичқазор, мевали дарахтзорлардан **танобона** олинган. **1807 йили амир Ҳайдарнинг бир ёрлиғида** ҳар таноб ердан бир тиллодан танобона олиниши зарурлиги кўрсатилган. Агар экинзор эгаси танобона тўлашдан **бош тортса, ҳосилнинг учдан** бир қисми мол (ҳирож) тариқасида олинган. Баъзида хирож ҳосилнинг ярмини ташкил этган.

Шоҳмурод замонида ҳар бир зироатчидан **қўшпули** (ҳар қўш (48—50 таноб) ердан 40 тийин) олинган.

XV-XVII асрларда закот бева-бечоралар, мусофирлар фойдасига олинган бўлса, **XVIII** асрдан бошлаб хазина фойдасига олинадиган бўлди. Закот тўлашдан бош тортган қабилалар устига қўшин жўнатилиб, куч билан закот ва устига омонпули (молиомоний) олинган.

Каналлар, иншоот, қалъа, кўприклар, йўллар таъмири ҳашар йўли билан амалга оширилган. Бошда ҳашарчилар **озиқ-овқат билан** таъминланган. **XVIII асрдан** бошлаб ҳашарга келувчилар озиқ-овқати, иш асбоблари, от-араваси билан келиши **лозим бўлган.**

XVIII асргача, манбаларда таъкидланишича, қадим замонлардан олимлар, қозилар, сипоҳийлар ва навкарлар хирож ҳамда танобона тўлашдан озод этилганлар.

Амир Шоҳмурод вафотидан сўнг Бухоро тахтига **амир Ҳайдар** (1800—1826 йилларда ҳукмдор) чиқиб, отасининг бутун эзгу ишларини унутиб, яна турли солиқлар жорий эта бошлайди.

Тарихчи Муҳаммад Ёқубнинг сўзларига қараганда, амир Ҳайдар солиқларни отаси давридагига нисбатан икки баробарга кўпайтирди.

Амир Хайдар кўпроқ танҳо ерларни навкарларга беришга ҳамда навкар, сарбозларни кўпайтиришга, мамлакатни фақат улар орқали сақлашга ҳаракат қилган.

Амир Хайдар Кармана вилояти ҳокими Сайид Аҳмадхўжага фармон юбориб, танҳодор навкарларнинг рўйхатини беришни ва уларнинг ерларидан келадиган даромад миқдорини ёзиб жўнатишини буюради. Танҳога ер участкалари берилар эди. Сарой амалдорларидан бири, мирохўр унвонига эга бўлган тарихчи олим Муҳаммад Вафоий Карманагий "Туҳфайи хоний" деб номланган машҳур асарида турли хил амалдорларга

бериладиган танҳонинг миқдорини қуйидагича ёзади: "Баҳодир (кичик амалдаги навкар)ларга 18 дан 23 танобгача, мирзабошига 25 дан 35 гача, қоровулбегига 47 таноб ва ҳоказо амалдорларга танҳо ерлари берилган. Энг катта амалдорлар, масалан, парвоначи, додхоҳ кабиларга бир қишлоқнинг 100 танобгача ерлари танҳо қилиб берилган". Демак, танҳо амалларнинг паст ёки юксаклигига қараб берилган.

Танҳо отадан боласига мерос сифатида амлок ерларидан (давлат ерларидан) берилган. Бу амлок ерларини деҳқонлар ишлаб, у ерлардан танҳога ажратилган, ерлардан чиққан ҳосилнинг маълум миқдорини танҳо олувчиларга туманлардаги амлокдор ва унинг одамлари томонидан белгилаб берилган.

1817 йилда Амир Ҳайдар ўз мактубида Кармана бегига шундай фармон берган: "Қобулбек Одилбек ўғли отаси (месит уруғ номи) ўрнига Элбекни (олчин уруғларининг беги) тайинладим. Шунинг учун отасига берилган танҳо, яъни битта тегирмон, икки жуфт гав (бир жуфт гав — бир мавсумда икки бош ҳўкиз билан ишланадиган ер миқдори) танҳо қилиб қолдирилсин".

Шундай қилиб, айрим амалдорларнинг ўғиллари ёки яқин қариндошлари, амалдор бўлмаса танҳо ерлари улардан олиниб, шу амалга тайинланган кишиларга берилган. Чунки амалдорларнинг кўпчилиги давлатдан ҳеч қандай маош олмас эдилар. Демак, танҳонинг вақтинча хизмати учун бериладиган танҳодорлар олган ерларини бировга тортиқ қила олмас, сота олмас, ҳатто мерос қилиб қолдиролмас эди.

Амир Ҳайдар даврида баъзи амалдорлар давлатдан катта ер олганлар, улар бу ерларни шартли инъомлар сифатида эмас, балки солиқлардан озод қилинган ҳолда шахсий мулк сифатида олганлар. XVIII асрнинг иккинчи ярми XIX аср ўрталарида ерлар танҳо сифатида инъом этилмаган.

Бухоро амирлигида жуда кўп солиқлар ва уруш вақтлари **қорачерик** олинар эди. Қорачерик олинишидан халқ норозилиги кучая боради. Айниқса, Карманада ва бошқа бекликларда халқ исёни кўтарилади, чунки амир Хайдарнинг жуда кўп турли солиқлар, қорачерик олишидан норозиликлар кучая бошлаган эди (***қорачерик*** — асосий қўшиндан ташқари ҳар бир қишлоқдан ўнлаб қорачерик олган, яъни ишчи батальони қўшинларининг турли ишларини бажарувчи ҳарбий тайёргарлик даражаси паст омма).

Амир Ҳайдар бундай исёнлардан ваҳимага тушиб, Кармана беги Сайид Ахмадхўжага қуйидаги мактубни жўнатади: "Сиз кийикчи жамоасидан қорачерик беришни талаб қилибсиз. Кармана фуқаролари қорачерик олингани учун турли қуроллар билан чиқиб исён кўтарганлар. Шу сабабли Кармана ва унинг атрофидаги қўзғолон ва норозиликларни бартараф қилинг! Сиз вилоятнинг аҳолисини ва уруғларнинг миқдорини тўғри ҳисобланг, Карманадаги аҳоли ва элатлар 500 та қорачерик беришлари зарур. Уларни оилалар сони ҳисобига тақсимлаб чиқинг". Бу мактуб амир Ҳайдар имзоси билан 1808 йилда ёзилган эди. Уруш даврининг яна бир солиғи — **жузя** бўлиб, Амир Ҳайдар ўз фармонида жузя миқдорини белгилайди. Жумладан, Карманадан 1808 йилда 150 тилло олиниши алоҳида таъкидланган.[12]

XIX асрнинг 50-йиллари охирида қишлоқ деҳқон аҳолисининг кўпчилиги қонун билан белгиланган ер солиғи — хирож ёки амлокдан ташқари, боғ ёки полиз билан банд ҳар бир таноб ер (**таноб пули**) ва **йўнғичқазор** учун (**алаф пули**) алоҳида солиқлар тўлаган. Бу иккала солиқ кўпинча битта атама билан **танобона** ёки **таноб пули** деб аталарди. Зарафшон водийсида яшовчи бир неча деҳқон жамоаси амир Насруллога мурожаат этиб, уларнинг уйидан олисда жойлашган полизларга солинадиган танобани камайтиришни илтимос қилади. Амир илтимосни қондиргач, полизлардан алоҳида солиқ — **қўшпули** олина бошлади. "Закот" энг муҳим солиқ бўлиб, уни тўлаш ҳар бир мусулмон учун беш фарзнинг бири ҳисобланарди. Бу мол-мулк солиғини ундириш учун амалдорлар тайёрланган ва закот олиш объектлари аниқ белгиланган. Кўчманчи ва чорвадорлардан закот чорвадан пул ёки натурада (беш туядан битта қўй, қирқ қўйдан бир қўй) ундирилган.

Ишчи моллардан олинадиган алоҳида йиғим ҳам мавжуд бўлиб, уни **яксара** деб аташган. У бир жуфт от ёки ҳўкиздан бир ботмон буғдой ҳажмида олинган. Битта ишчи молига эга бўлганлар бу миқдорнинг ярмини тўлашган, у **нимсара** деб аталган. Сув тегирмонлари ва жувозлардан пул ёки натурада йиғим ундирилган, унинг ҳажми корхонанинг қандай тузилгани ва даромад келтиришига ҳамда қишлоқ хўжалик жиҳатдан қандай аҳамиятга эгалигига қараб ўзгариб турган.

---

[12] С.Иноятов, Н.Йўлдошев, О.Ҳайитова. Кўҳна тарих гувоҳи. Тошкент, "Шарқ", 2000, 33—35-бетлар.

Тарихдан маълумки, XIX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, Россия Ўрта Осиёни босиб ола бошлади. Бухоронинг маълум қисмини босиб олгач, амир жуда оғир шартномани қабул қилади. Россия билан уруш пайтида амир Музаффар **аминона** ("содиқ фуқаролик") деб номланган махсус солиқни жорий этди, у бадавлат шаҳарликлар мол-мулки ва товарлар қийматидан 1,5%ни ташкил этган. Вақт ўтиши билан у доимий солиққа айланди ва амирлик тугатилгунча (1920 йилгача) ҳукм сурди, баъзан ҳатто махсус солиқ йиғувчиларга бу солиқни олдиндан ундириш ҳуқуқи ҳам берилган.

Закот ва аминонадан ташқари, савдо йиғимларига (**даллоли**), бир вилоятдан бошқасига олиб ўтилаётган товарлар ва умуман юклардан олинадиган махсус божлар ҳам кирган. Закот билан бирга товар дастлаб олиб чиқилган жойдан узоқлашувига қараб унинг нархи анча кўпайган.

Товарларни дарёдан олиб ўтганлик учун (**сув пули**), бозордаги жой учун (**пули тахтажой**) каби *олиқлар ҳам мавжуд бўлган.*

Бухоро амирлигида молия, асосан мол-мулк солиғи билан **қушбеги поён** шуғулланган. У арк этагида яшагани, маҳкамаси шу ерда бўлгани боис "қуйи қушбеги" деб аталган. Давлатдаги барча закот йиғувчиларнинг бошлиғи сингари уни ҳам **закотчи калон** (олий закот йиғувчи) деб аташган.[13]

Қўқон хонлиги ва Хоразм хонлигидаги солиқлар Бухоро амирлигини айнан такрорласа-да, олиқлар борасида ўзига хосликлар учрайдики, улар иқтисодиёт фани нуқтаи назаридан "пичоққа илинмас" ҳодисалардир, тўғрироғи, зулм воситаларидир. Масалан, овқат пиширгани учун "тутунпули", сув ҳавзасига яқин яшагани учун "лабируд", қўриқлардан чорваси ўтгани учун "алафпули" сингари олиқлар.

Шундай қилиб, Мовароуннаҳр тарихида солиқларнинг жамият ва иқтисодиётдаги аҳамиятини аниқлаштирувчи ўзгаришларни уч гуруҳ тарзида даврлаштириш мумкин:

Биринчиси, араблар истилосидан сўнг амалдаги солиқ сиёсатининг Қуръони карим ва шариат асосида юритилиши Тоҳирийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар даврида юксалиш ва чўкиш, сулолалар тарих

[13] Д. И. Шаулов, У.Т.Кан. Солиқ қонунчилиги асослари. Тошкент, 1999, 31—33-бетлар.

саҳнасига келиши ва кетиши баробарида турлича кечди; пул ва натура тўлови қолаверди; иқтаъ мулкчилиги мавқеи кучайди; камдан-кам фавқулодда солиқлар амалда бўлди, солиқлар таркиби тез-тез ўзгармагани ишлаб чиқаришда рақобат бўлмаганидан далолат беради; мамлакат иқтисодиётида рақобат ва солиқнинг роли айтарли сезиларли бўлмаган.

Иккинчиси, Чингизхон истилосидан сўнг Амир Темур тарих саҳнасига чиқиши билан ташқи манбалардан ташқари Мовароуннаҳрнинг ички резервларига таянувчи заминдорлик ишлаб чиқариши юксалди; бунёдкорлик олдинги даврдагига нисбатан жадал кечди; кўчманчиларнинг иқтисодиётга таъсири деярли сезилмади; даромад солиғи, бюджет куртаклари пайдо бўлди; натура солиғи анча камайди; лашкар ҳам иқтисодни ҳаракатлантирувчи куч мақомида бўлди; рақобатнинг ҳар соҳада аҳамияти ортди; солиқ иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи мунтазам кучлардан, омиллардан бири эканлиги исботланди; давлатнинг доимий фондлари вужудга келди.

Учинчиси, шайбонийлар, аштархонийлар, қўнғиротлар, манғитлар, минглар ҳукмронлигидаги даврларда (XVI—XIX асрнинг биринчи ярми) жаҳон иқтисодиёти ва бозоридан узилиб қолган Мовароуннаҳр иқтисодиётини, табиийки, давлатни фақат зўравонлик ва талончилик асосида бошқариш мумкин эди; айни пайтда биринчи даврга айниган ҳолда ва яроқсиз кўринишда қайтиш рўй берди; солиқларнинг мамлакат молиясидаги роли пасайиб кетди; меъморчилик ва бошқа соҳаларда темурийлардан ортда қолиш яққол сезилди; иқтисодий тушкунлик рўй берди; бу эса ўз навбатида Мовароуннаҳрнинг Чор Россияси томонидан босиб олинишига замин тайёрлади.

Ўрта Осиёда асрлар мобайнида аста-секин таркиб топган тизим — қишлоқ хўжалигининг солиқ тизими ўзгара борди. Аввал Чор ҳукумати деҳқонлардан солиқ олишни камайтирди. Лекин ерларни солиққа тортишнинг хирож ва таноб тизимини сақлаб қолди. Солиқларни мутлақо пул билан тўлаш тартиби жорий этилди, давлат фойдасига маҳсулот тарзидаги мажбуриятлар ҳамда майда қўшимча йиғимлар (сувости, тарози, бозорда туз ва кўмир йиғими, шунингдек, ҳунармандлик муассасаларидан йиғим қабилар) бекор қилинди. Солиқ ундириш ишлари сайлаб қўйиладиган қишлоқ идораларига топширилди.

1886 йилда Туркистон ўлкасини идора қилиш тўғрисида янги

низом жорий қилинди, унда ерга оид муносабатларда қатор тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган эди: барча ерлар (вақф ерлардан ташқари) хазинага тегишлидир деб эълон қилинди ва илгари ким ерни ишлаган бўлса, ер ўшанга жамоа-ҳовли тартибида фойдаланиш учун топширилди, барча ерлар солиққа тортилди.

Чор ҳукумати 1867 йилда кўчманчи аҳоли учун ўтов йиғими жорий этди, унга биноан ҳар бир ўтовдан 2 сўм 75 тийин ундирилди, 1882 йилга келиб у 4 сўмга етди.

1914 йили 12 ноябрь қонунига биноан, темир йўл ва бандаргоҳларда ҳар пуд пахтадан 2 сўм 50 тийин миқдорда алоҳида муваққат солиқ олиш белгиланди. 1915 йили январдан бошлаб эса маҳаллий аҳоли ҳарбий мажбуриятни бажариш ўрнига, ҳарбий солиққа тортилди. Бу солиқ жами бевосита солиқ турларининг 21% миқдорида олинади.

Биринчи жаҳон уруши йилларида пуллик йиғимлар армия учун товарларни мусодара қилиш ва молларни сафарбар этиш кабилар билан тўлдирилди. 1917 йил февралидан бошлаб Керенский Муваққат ҳукумати солиқ олишни янада кўпайтирди. Иқтисодиёт ҳалокат ёқасига келиб қолди. Генерал-губернаторлик харажати 99 млн. сўм бўлгани ҳолда даромад 33,4 млн. сўмни ташкил этганди.

1919 йил ноябрь ўрталарида Туркистон Республикасида солиқ тизимини қайта кўриб чиқиш бўйича махсус комиссия тузилди. Бу комиссиянинг кузатув натижаларига кўра, 1920 йилда декретлар эълон қилинди.

1921 йил март ойида янги иқтисодий сиёсат (НЭП) эълон қилиниши туфайли янги солиқ тизими барпо қилинди. Мазкур тизим қишлоқ хўжалиги, ҳунармандлик, даромад, мулк ва рента солиқлари, тамға йиғимлари, меросий ва бошқа божлар каби мажбурий тўловларни ўз таркибига қамраб олди.

Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаси солиқ тизимлари Туркистон Республикасидаги солиқ сиёсатига мос тарзда ишлаб чиқилди. 1923 йилда Бухоро ҳукумати патент ва тенг шериклик йиғимларидан иборат ҳунармандлик каби қатор солиқ ва йиғимларни амалиётга киритди.

1924 йилда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топди. 1924—1925 йилларда унинг даромадида солиқ салмоғи 67,5%, 1927—1928 йилларда 76,6% бўлди.

Собиқ СССР таркибида Ўзбекистон молия тизими умумжаҳон

тараққиёт жараёнига зид йўналишдаги эволюцияни бошдан кечирди. Солиқлардан корхоналар кўрган фойдани тортиб олишнинг маъмурий услубларига ва молиявий ресурсларини мамлакат бюджети орқали тақсимлаш услубларига ўтилиб, 1990-йилларнинг бошида эса янги солиқ тизимининг туғилиши ва шаклан даври бўлиб, корхоналарни ночор аҳволга солиб қўйганлиги ҳеч кимга сир эмас.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон солиқ тизими қайта тиклана бошлади. Асрлар давомида тўпланган тажриба ва Марказий Осиё ҳудудида қабул қилинган солиққа тортиш тизимини диққат билан ўрганиш, солиқ ислоҳотларининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнини мустақилликнинг илк кунларидан таҳлил қилиш имкониятини яратди. Бу соҳада етук иқтисодиётчи бўлмиш Президент И.А.Каримовнинг хизматлари айниқса буюкдир.

БИРИНЧИ БЎЛИМ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР

1. Солиқ нима?
2. Давлатчилининг юзага келишида солиқлар ва йиғимлар қандай ўрин тутган?
3. Солиқлар йиғимлардан қандай фарқланади?
4. Милоддан аввалги II—I минг йилликларда Марказий Осиё давлатлари ҳудудида яшаган халқлар тўлаган солиқлар қай тарзда ундирилган?
5. Кушонийлар давлати юксалишида халқаро савдо ва солиқлар қандай аҳамият касб этган?
6. Араблар Марказий Осиёни истило этгандан сўнг жорий этилган солиқлар қандай номланган? "Закот" нима?
7. "Хирож"га таъриф беринг?
8. "Кўпчур" солиғи нима?
9. Амир Темурнинг "глобаль" солиқ сиёсати нималарда акс этди?
10. Асрлар давомида Марказий Осиёда солиқ сиёсати ўзгармаслиги сабаблари нимада?
11. Чор Россиясининг Туркистондаги солиқ сиёсатини тавсифлаб беринг?

Иккинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Олдинги бўлимда кўриб чиққанимиздек, "давлат" тушунчаси маълум бир этносга, мафкурага ёки элат ва миллатга мансуб кишиларнинг жамиятдаги муштарак ишларни биргаликда ташкиллаштириш учун уюшишини англатади. Ушбу ҳамжиҳатлик эса давлатчиликнинг асосий шарти бўлмиш соликларни, яъни жамият ва давлат ҳаётини бошқарувчи, мудофаа, ташқи ва ички ишларни юритувчи мансабдорлар, демак, ҳокимият фаолиятини моддий таъминлаш негизини йўлга қўйишни, кўрикланаётган, ташқи дунё билан алоқада бўлган, ўзининг ички муаммоларига эга муайян ҳудудда яшаб меҳнат қилаётган бошқарилувчилар, аниқроғи, ишлаб чиқарувчиларнинг давлат учун маълум тўловларни амалга оширишини тақозо этади. Зотан, солиқлар ҳокимият ва бошқарувчилар ўртасидаги мунтазам муомала бўлиб, қайси кўринишда кечмасин, барибир, моддий неъмат ишлаб чиқарувчиларнинг ана шу неъматлар ишлаб чиқарилаётган ҳудудни идора қилаётганларга ва ҳокимият ишлари давом эттирилиши учун доимий тўловидир. Солиқлар турфа кўринишда ҳамиша мавжуд бўлган. Дейлик, бадавий араб қабилалари бир-бирига ҳужум қилиб, чорва ва асирларни ҳайдаб кетиши, отлар ва туяларни истеъмол қилгандан сўнгра асир тушганлар учун товон олиб, мағлуб қабилага қайтариб бериши ҳам иқтисодий ҳодиса бўлиб, жамиятда солиқ сиёсати изчил йўлга қўйилмагани туфайли узоқ асрлар давом этиб келган. Ислом дини тарқалганидан кейин, хўш, ўша бадавийлар авлодлари қандай иш тутади? Энди ўзга мамлакатлар ва миллатлар билан урушлар олиб боради, ғайридинлардан "хирож" ва "жузя" талаб қилади. ҳар қандай ҳолатда ҳам солиқ ҳодисаси рўй беради. Аксинча, дейлик, Чингизхон қўшинлари Кўҳна Урганчни босиб олаётганда, тарихий манбалар далолат беришича, 1,5 миллиондан зиёд шаҳарликни қириб ташлаган, маълум қисмини қулликка ҳайдаб кетган экан. Чингизхонни ана шундай ваҳшийликка ундаган иқтисодий омил нима? Босиб олинган ерларда қўрқинч ҳиссини барқарорлаштиришдан ташқари жаҳонгирнинг солиқ тушунчасидан йироқлиги, аниқроғи, мўғуллар давлатчилигида

солиқ сиёсатининг одмилиги таппа-тайёр солиқ тўловчиларни — ишлаб чиқарувчиларни қириб ташлашга ундаган. Чингизхон буни ўзи ҳам англаган, шу боисдан айнан хоразмлик Маҳмуд Ялавоч исмли киши авлодларининг Мовароуннаҳрдаги нойибига, бош вазирига айланиб қолади. Маҳмуд Ялавоч ва унинг ўғли Масъуд Ялавочни минтақа тарих саҳнасига олиб чиққан нарса айнан солиқ маданиятидан хабардорлик эди.

Ўзбекистон, Ер юзидаги энг қулай иқлим шароитига эга мамлакат бўлгани боис Ватанимиз тарихида юртимиз худди Ҳиндистон, Миср, Ироқ ўлкалари сингари ташқи ёвуз кучлар истилоси объектига айланганини кузатамиз. Жаҳон тарихида кечган барча йирик жараёнлар Ватанимиз тарихини четлаб ўтмаганлиги замирида эса давлатчиликнинг асосий шарти — ишлаб чиқаришни ривожлантиришда қўшимча сарф-харажатлар кўп талаб қилинмаслиги, иқлим қулайлиги ва мўътадиллиги, ер унумдорлиги, демак, кўпроқ солиқ ундириш имконияти мавжудлигидир. Шу боисдан ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди Кушонийлар, Эфталийлар, Кўктурклар, Сомонийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар, Чиғатоийлар, Темурийлар, Шайбонийлар каби ўнлаб сулолалар давлатчилиги маркази бўлиб келди ва ўзига туташ ҳудудларни ҳам бошқарди. Асрлар давомида Бадахшон, Помир, Тяншань тоғ минтақалари, Қоракум, Қизилқум, Даштиқипчоқ минтақалари айнан Икки дарё оралиғидан бошқарилди, Ҳиндистон, Хитой ва Эронга нисбатан ҳар жиҳатдан устунлик яққол сезилиб турар эди. Нега? Икки дарё оралиғида шаҳарлар барпо этиш имкониятлари мавжудлиги, ҳатто қишлоқларда ҳам шаҳарга хос инфратузилмалар бунёд этиш мумкинлиги уюшган кучни — давлат ҳокимиятини сақлаб туриш заминини яратади. Минтақанинг тарихий пойтахтлари бўлмиш — Самарқанд, Бухоро, Термиз, Шаҳрисабз, Хива, Тошкент, Қўқон сингари шаҳарларимиз айни маҳалда илм-маърифат марказлари бўлиб келди. Зеро, давлат бўлган маконда илм-маърифат мавжуд бўлади. Илм-маърифат дегани эса дунёни мураккаб билишга интилиш, ибтидоий ва жайдари тушунчалардан йироқлашишдир.

Мовароуннаҳр ҳукмдорларининг ташқи ўлкаларга ҳадеганда истилочилик юришлар қилавермаслигининг боисининг, ўз ресурслари, тирикчилиги ва маданияти етук даражада бўлганлигидир.

1991 йил 31 августда давлат суверенитети ва мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон Республикаси нақадар катта давлатчилик маданияти мероси вориси эканлигини яна бир карра тасдиқлайди. Ўтган ўн бир йиллик залворли давр эса навқирон Ўзбекистон давлати умрбоқий миллий ва умуминсоний қадриятлар, барҳаёт анъаналар, теран ижтимоий билимлар қаторида диёримизнинг бетакрор табиий иқлими ва бой табиий ресурслари заминида ҳам қад ростлаётганидан далолат беради. Бир неча муҳим стратегик соҳалар ва тармоқларда ўз мустақиллигини таъминлаган Ўзбекистон Республикаси жаҳон аҳли томонидан "улкан имкониятлар диёри" дея таърифланганига ажабланмаслик керак. Улуғ аждодлари руҳини шод этган халқимиз дунёвий давлатчилик йўлидан собитқадам бормоқда, объектив қийинчиликларга қарамасдан, келажак пойдеворини барпо этмоқда. Солиқлар эса, худди тарихдагидек, бутун жаҳонда бўлгани каби давлатчиликнинг асосий унсурларидан бўлиб қолмоқда, Ватан ва Халқ равнақига хизмат қилмоқда. Қуйида Янги Ўзбекистон давлати солиқ сиёсатининг моҳиятига, мамлакатимиз солиқ хизмати шаклланиши босқичларига, солиқчиликнинг муҳим масалаларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Истиқлол бутун жаҳонга эълон қилинишидан бир неча кун илгари, яъни 1991 йил 12 августда Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органлари тўғрисида" 217-сон қарор қабул қилингач, солиқ органлари мустақил мамлакатнинг давлат солиқ хизмати сифатида фаолият кўрсатиб, давлатчилигимизга хизмат қила бошлади.

Маълумки, советларнинг маъмурий-режали бошқариши даврида солиқ тизимининг ўзи ҳозирги кўринишида мавжуд бўла олмасди. Тоталитар давлат хўжалик фаолиятини тартибга солишда солиқ воситаларига эҳтиёж сезмасди, негаки барча иқтисодий кўрсаткичларни — иш ҳақи, ишлаб чиқариш ҳажмлари, нархларни қаттиққўллик ва бирёқламалик билан, объектив иқтисодий жараёнларни инобатга олмасдан назорат қилар эди. Баъзан ҳар бир алоҳида корхона бўйича белгиланадиган мавжуд мажбурий тўловлар ва солиқлар (даромад, қишлоқ хўжалик, иморат солиқлари ва бошқалар) хўжалик механизмининг марказлаштирилган тизимига сингдирилган бўлиб, ўзига хос функцияларни бажарар эди. Айни маҳалда корхоналар ташаббускорлигини бўғар, сотилиши қийин бўлган,

дўконлар пештахталари ва омборларда туриб қолгувчи маҳсулотларни талаб эҳтиёж асосида эмас, балки "етук социализмнинг иқтисодий ютуқлари кўрсаткичлари"ни тасдиқлаш учунгина ишлаб чиқаришга ундайверар эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг янги мустақил давлатлар орасида биринчилардан бўлиб иқтисодиётни йирик миқёсда ислоҳ қилиш, тубдан ўзгартиришлар ва жамиятни янгилаш йўлига қадам қўйди. Ўша даврда миллий солиқ тизими барпо этилиши ғоятда муҳим вазифага айланиб, унинг ҳал қилинишига кўп жиҳатдан ёш мустақил давлатнинг тақдири ҳам боғлиқ эди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантириш шароитида суверен давлат бюджетига тушумларни таъминлашга қодир бўлган солиқ солиш тизимини барпо этиш бошланди. Нисбатан қисқа вақт ичида солиқ қонунчилигининг яхлит тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга киритилди. Унинг асосида бошқарувнинг президентлик шакли, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия *ва суд тармоқларининг* ўзаро чамбарчас боғлиқлигининг конституциявий принциплари туради.

Солиқ соҳасидаги ислоҳотларнинг стратегик йўналишларини **Президент** — Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижроия ҳокимиятининг бошлиғи белгилайди ҳамда унинг фармонлари билан тасдиқланади. Фармонларда қабул қилинаётган қарорларнинг мақсадли йўналиши, уларни рўёбга чиқариш усуллари белгиланади.

Солиқ муносабатларининг таг-заминли, барқарор, узоқ муддатли амал қилиш хусусиятига эга меъёрлари ва қоидалари Ўзбекистон Республикасининг қонунларида акс эттирилади. Ислоҳотлар чуқурлашиши ва уларни ҳуқуқий таъминлаш тажрибаси тўпланиши билан **Олий Мажлис** — қонун чиқарув ҳокимиятини амалга оширадиган олий давлат ваколат органи қонунларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритади.[14]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси эса иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар ижро этилишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

[14] Мустақиллик: изоҳли луғат. "Шарқ". Тошкент—1998. 151—160-бетлар.

фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи давлатимизнинг ижро этувчи ҳокимият органидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббусига эга. Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош вазир, бош вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқарувчи бошқа органларнинг раҳбарлари кирадилар. Президент Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси Раиси ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992) ва 1993 йил 6 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонуни билан белгиланади.

Президент Фармонларида келтирилган қоидалар ҳукумат қарорларидаги аниқ чора-тадбирлар билан муфассал очиб берилади ва мустаҳкамланади. **Вазирлар Маҳкамаси** қарорлар қабул қилиш йўли билан солиқ муносабатларини тезкор бошқаришни амалга оширади.

Солиқ жараёнларига жиддий таъсир қиладиган қарорлар оммавий ахборот воситаларида, Олий Мажлис қўмиталарида олдиндан атрофлича муҳокама қилинади, конструктив қарорларни тайёрлаш жараёнида фикрлар кенг доираси ва мутахассисларнинг тавсиялари эътиборга олинади.

Шу тариқа, қонун устунлигига ўтилаётган жамиятимизда "давлат солиқлари", "давлат солиқ хизмати" сингари соҳага оид тушунчалар ҳам баркарорлаша бошлади. Бинобарин, давлат

солиқлари, давлат органлари томонидан белгиланган миқдор ва муддатларда бюджет тизимларига ўтказилиши лозимлиги белгиланган мажбурий ва юридик шаклига кўра янги тартибдаги юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган тўловлардир. Айтиб ўтилганидек, солиқлар барча мамлакатларда мавжуд ва фақат давлатга тўланади. Давлат жамият аъзоларига, улар ким бўлишидан қатъи назар, ижтимоий таъминот хизматлари кўрсатади. Бу хизматлар жумласига мудофаа, тинчлик ва осойишталикни, ижтимоий тартиботни таъминлаш, ободончилик ва санитария-гигиена ишларини бажариш, давлатни идора қилиш учун хавфсизликни таъминлаш, экология муҳитини асраш, табиий бойликларни ҳимоя қилиш, оммавий саводхонликни таъминлаш, ногиронларга ёрдам бериш каби ишлар киради. Солиқлар давлатнинг ижтимоий хизматлари ҳақи бўлиб, улар фирмалар, жамоат ташкилотлари ва аҳолидан ундирилади. Солиқлар текинга берилмайди, улар давлат кўрсатган сарф-харажатини қоплаш учун тўланади. Мамлакатимиз ҳудудида солиқлар Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан белгиланади ва бекор қилинади. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради: 1) юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи; 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; 3) қўшилган қиймат солиғи; 4) акциз солиғи; 5) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; 6) экология солиғи; 7) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ. Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Миллий молия ва миллий солиқ тизимининг ривожланишида асосан учта асосий босқични ажратиб кўрсатиш мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, миллий солиқ тизимининг ривожланиш босқичлари мамлакатимиз иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар босқичларига ниҳоятда уйғундир.

Биринчи босқичда 1991—1994 йиллар қамраб олинган ва қуйидаги асосий вазифалар ҳал қилинган эди:

— ўтиш даврига мос, мутлақо янги солиқ ва йиғимлар тизимини ташкил қилиш ва жорий этиш;

— шаклланаётган иқтисодий вазиятга сезгир муносабат билдириш, солиқ қонунчилигига ўзгартиришларни жадаллик билан киритиб бориш;

— солиқлар камомади, инфляция жараёнлари, ишлаб чиқариш ҳажмларининг таназзули ва зарар кўраётган корхоналар миқдори ўсиши шароитида бюджет даромад қисмини молиявий ресурслар билан таъминлаш;

— молиявий маблағларни ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, ўз-ўзини стратегик ресурслар билан таъминлашга эришиш, туб таркибий ўзгартишларини амалга ошириш фойдасига қайта тақсимлаш;

— нархлар ўсиши ва ишлаб чиқариш пасайиши шароитида турмуш даражаси ва ижтимоий барқарорликни сақлаб туриш;

— солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш соҳасида амалдаги қонунчилик талабларини бажаришни таъминлашга хизмат қиладиган мустақил тизим сифатида давлат солиқ хизматини шакллантириш.

Санаб ўтилган вазифаларни ҳал этиш зарурлиги солиқ тизимимиз шаклланиши ва фаолиятининг биринчи босқичига хос асосий хусусиятларни белгилаб берди. Солиқларнинг фискал ва қайта тақсимлаш сингари функциялари етакчиси бўлди. Инфляция ва бюджет камомади шароитида **иқтисодий** (тартибга солувчи) функция ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш мақсадида эмас, балки **анчайин тор кўламли қисқа муддатли вазифаларни ҳал этиш учун** (масалан, хом ашё ресурсларининг Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш учун) ишлатилди. Бу ҳол иқтисодиёти ўтиш даврини бошдан кечираётган барча постсоциализм мамлакатларига хос объектив жараён эканлиги кузатилди.

Бу босқичда солиқ юкининг асосий қисми юридик шахслар зиммасида бўлди, хусусий шахсларни солиққа тортиш бир қадар имтиёзли тусда кечди. Негаки, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар шуни тақозо қиларди.

Солиқ тизимига қўйиладиган баъзи анъанавий талаблар: ўзгаришларнинг босқичма-босқичлиги, барқарорлиги, мунтазамлиги, оддийлиги ва солиқ тўловчилар учун тушунарлилиги ҳам амалга оширилиши мумкин эмас эди. Объектив шарт-шароит барча масалаларни тегишлича амалда ишлаб чиқмасдан ва норматив базани тайёрламасдан, солиқ инспекторлари ҳамда солиқ тўловчиларни ўқитмасдан солиқ тизимига жадаллик билан ўзгартишлар киритишни талаб қилган эди.

Чунончи, жорий этилишига ривожланган мамлакатларда уч йилдан етти йилгача вақт талаб қилинган **қўшилган қиймат солиғи** Ўзбекистонда бир неча ой ичида жорий этилди. Қўшилган қиймат солиғининг жорий этилиши табиий монопол корхоналарнинг давлат бюджетига тўлайдиган солиқларини соддалаштиришга, асосан четдан хом ашё олиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳамда четга хом ашё чиқарадиган йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари, концернларни мамлакатимиз табиий ресурсларидан янада унумлироқ фойдаланишга, табиийки, Ўзбекистонда қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга ундади. Қўшилган қиймат солиғи айни маҳалда кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини ҳам молиявий назорат қилиш имкониятларини кенгайтирди. Айни маҳалда матбаачилик ва шунга ўхшаш халқ таълимига хизмат қилувчи ташкилотларга ҳам муайян имтиёзлар берилди.

Иккинчи босқичда (1995—1999 йиллар) у янада барқарор тус олди, ундан бозор иқтисодиёти тамойилларига жавоб бермайдиган солиқ ва тўловлар чиқариб ташланди. Ўз маблағларини янги технологияларга ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлайдиган корхоналар учун бир талай имтиёзларни кўзда тутувчи **даромад солиғи** жорий қилинди. Солиқлар миқдори қисқартирилди, ҚҚС ставкалари сезиларли камайтирилди. Икки ва ундан ортиқ даромад манбаига эга бўлган жисмоний шахсларнинг даромад солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг декларация шаклини жорий этиш юзасидан дастлабки қадамлар қўйилди. Мамлакатимиз индустриясида чуқур ўзгаришлар рўй берди. Нефт ва газ саноатида, автомобилсозликда ва тўқимачиликда йирик комплекслар бунёд этилди, мавжуд корхоналар технологиялари янгилари билан алмаштирилди.

Солиқ тизимини такомиллаштиришнинг иккинчи босқичида солиққа тортишга оид амал қилиб турган меъёрий ҳужжатлар негизида **Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 1997 йилда қабул қилиниб, 1998 йилдан кучга киритилди.** Кодекснинг таркиби умумий ва махсус қисм, 11 бўлим, 40 боб ва 135 моддадан ташкил топган.[15]

Республика солиқ органларида тўпланган иш тажрибасини

[15] Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Тошкент—2002. 8 февраль.

акс эттирган, ўз ичига жаҳон амалиётини қамраган бу ҳужжат Ўзбекистон солиқ қонунчилиги ва солиқ солиш тизимини халқаро даражага анча яқинлаштирди.

Умумий қисмнинг 3 бобидаги жами 13 модда Солиқ кодекси билан тартибга солинадиган муносабатлар, солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари, уларнинг амал қилиши, асосий принципларини тавсифлайди. Солиқ солиш юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амал қилишидек принцип эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларига тўла жавоб беради.

Махсус қисм эса жами 38 боб, 122 моддадан иборат бўлиб, даромад (фойда) солиғи тўловчилар, резидентлар ва норезидентларнинг солиқ солинадиган даромади, солиқ солиш объекти, жами даромаднинг таркиби, ўзаро алоқадор юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига ўзгартириш киритиш, жами даромаддан чегирмалар, умидсиз қарзлар бўйича чегирмалар, амортизация бўйича чегирмалар, номоддий активлар бўйича чегирмалар сингари солиқ тизимини ҳаракатлантирувчи ва солиқ сиёсатини белгиловчи категорияларга таъриф берилади, давлатнинг ҳар бир солиқ ҳодисасига молиявий-ҳуқуқий муносабати асослари баён этилади. Масалан, Солиқ кодексининг 28-моддасида таърифланишича, Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган солиқ ставкалари борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қуйидагилар учун даромадига (фойдасига) солинадиган солиқнинг камайтирилган ставкаларини белгилаши мумкин, жумладан:

— қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи юридик шахслар учун — асосий фаолияти бўйича;

— чет эл инвестициялари иштирокидаги юридик шахслар учун;

— болаларбоп ва бадиий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи юридик шахслар учун;

— ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилувчи юридик шахслар учун.

8-бобнинг 31-моддасида эса даромад (фойда) солиғидан озод қилинувчи юридик шахслар санаб ўтилади, жумладан: ходимлари

умумий сонининг камида етмиш беш фоизини ўрта мактаблар ва ўрта махсус билим юртлари ўқувчилари ташкил этадиган юридик шахслар; протез-ортопедия буюмлари инвентари ишлаб чиқаришга, шунингдек, ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган юридик шахслар — асосий фаолият тури бўйича ва ҳоказо тартибда модданинг жами 21 бандида санаб ўтилади. Мазкур моддада келтирилган юридик шахсларга берилган имтиёзлар, улар ўз фаолият соҳасида оёққа туриб олиши, фаолият соҳасини кенгайтириши учун имкониятлар яратилади.

Кодекснинг 49-моддасида баён этилган қоидалари билан, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси тўқнаш келади. Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларга жисмоний шахсларнинг меҳнат шартномаси бўйича қилинган ишлардан ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича оладиган даромадлари киритилган. Ходимларга сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати билан бундай товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш нархи ёки уларнинг таннархи ўртасидаги манфий фарқ; иш берувчи томонидан ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, ходимларнинг чиқимлари учун қилинган харажатлар; ходим иш берувчига тўлаши керак бўлган, аммо иш берувчининг қарори билан ҳисобдан чиқарилган қарз суммалари; иш берувчининг жисмоний шахсдан ушлаб қолиниши керак бўлган тўловлар юзасидан тўлаган суммаси; иш берувчининг ўз ходимларининг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошқа харажатлари.

Маълумки, **қўшилган қиймат солиғи** товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш), уларни реализация қилиш ҳамда муайян мамлакат ҳудудига товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилиш жараёнида ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар томонидан қўшилган қийматнинг бир қисми бюджетга ажратилиши туфайли юзага келади. Миллий ва жаҳон иқтисодиёти ривожлангани сайин қўшилган қийматга ижобий муносабат ҳам шаклланиб борди, эндиликда бу солиқ дунёдаги деярли барча мамлакатларда ундирилади. Дейлик, металлургия комбинати мис қуймаларини ишлаб чиқарди. Бошқа бир завод ана шу мис қуймаларидан кабель ишлаб чиқаради. Учинчи бир тадбиркор эса ўзининг воситачилик фирмаси орқали кабелни истеъмолчига, масалан, электромонтёрга етказиб беради. Нурчи ҳам ўз навбатида тайёр кабелни ўрнатиш асносида хизмат

кўрсатади ва истеъмолчидан муайян ҳақ олади. Шу тариқа, мис қуймаси истеъмолчи хонадонида электр тармоғига хизмат қила бошлагунига қадар бирламчи таннархдан анча фарқланувчи қўшилган қийматга эга бўлиб бораверди. Яъни товар ва иш бирикиб, хизматларни юзага келтиради. Қўшилган қиймат эса ҳамиша ишлаб чиқарилган товар ёки кўрсатилган хизматнинг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Жаҳон солиқ амалиёти вакиллари ва иқтисодчи олимлар қўшилган қиймат табиати устида тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Қўшилган қиймат, таъбир жоиз бўлса, жамиятдаги барча устқурмалар ва инфратузилмалар манбаидир. Уни кашф этган, аниқроғи, бор нарсани эътироф этган буюк иқтисодчи олим Жакс Кейнс товарлар[16], ишлар, хизматларнинг иккиламчи, учламчи, хуллас, тегишли босқичлар силсиласи қўшилган қиймати кишилик жамиятини ҳаракатлантирувчи омил, маркетинг асосли эканлигини эътироф этган эди (1908 йил). Қўшилган қиймат кашф этилиши ва қўшилган қиймат солиғи муомалага киритилиши жаҳон иқтисодиёти ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнади. Солиқ кодексининг 67-моддасида келтирилган қоидага кўра, "товарларни (ишларни, хизматларни) реализация ва импорт қилиш обороти қўшилган қиймат солиғи олинадиган объект ҳисобланади". Ушбу қисқа таъриф товарлар (ишлар, хизматлар)нинг табиатидан келиб чиққан ҳолда солиққа тортилиш объекти бўлишини ҳам белгилаб беради, мамлакат бозорида ҳаракатланаётган товарлар (ишлар, хизматлар) обороти эса давлат бюджетига тушумлар манбаи бўлиб қолаверади.

Буюк аллома Ибн Халдун Шимолий Африка мамлакатларидаги савдогарлар Марокаш султонлиги орқали Африка қитъаси ичкарисидан ҳозирги Франция, Германия, Италияга олтин, кумуш сотилишида воситачилик қилиши жараёнини таҳлил қилиш асносида **олтин савдоси мисолида қўшилган қиймат юзага келишини интуитив кашф этган** эди. Мусулмон ҳуқуқи олтин савдогарларига, умуман, турли хизматларни бажарувчи тадбиркорларга қатъий белгиланган фоиздан ортиқчасига изн бермаслиги туфайли Африка ичкариси ва Ғарбий Европа ўртасидаги савдо-сотиқда қўшилган қиймат аҳамиятсизга

[16] Язык бизнеса. Энциклопедический словарь. Ташкент, 1996. С. 220—278.

айланиб қолади, табиийки, қитъаларни боғлаб турган восита йўқолади. Шарқ савдогарлари ва фиқҳ олимлари ўртасида қўшилган қиймат борасидаги тортишувлар, баҳслар, савдогарларнинг айёрлиги-ю топқирлиги, қонуншунос олимларнинг товарлар ва хизматлар ҳаракатига илоҳий тус бериш борасидаги қитмирликлари замирида, қизиғи шундаки, объектив иқтисодий ҳодисаларни англаш туради. Қуръони каримда амр этилган фарзларнинг иқтисодиётга татбиқ этилиши Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти чўкишининг бирламчи заминидир. Аксинча, Европа Инжили шарифни объектив иқтисодий жараёнларга татбиқ этмади. Шарқ руҳоний теранлиги, Ғарб моддиюнчилиги заминида ҳам қўшилган қиймат категорияси туради. Ибн Халдуннинг социологик ва иқтисодий асари асрлар давомида танқид этилса-да, Шарқ мамлакатлари ҳам айнан қўшилган қиймат туфайли XX асрда ўзларини бир қадар ўнглаб олишди. Япония, Корея, Тайланд, эндиликда Хитойда юз бераётган иқтисодий юксалиш ва мўъжизалар замирида қўшилган қийматни эътироф этиш балқиб турган ҳақиқатдир.

Ёки бошқа бир мисол. **"Буюк Ипак йўли"** деймиз фахр ифтихор билан, Ғарб ва Шарқни боғлаган савдо ва маданият томири деймиз ғурур билан. Ана шу Буюк Ипак йўли замирида ҳам аслида қўшилган қиймат туради. Табиийки, ипак куртини хитойлик моҳир пиллакор боқади. Уста тўқувчи хомашёдан ипак мата тўқмйди эшади. Хитойлик савдогар (кўпинча подшоҳ вазирлари) Туркистондан келган бошқа бир савдогарга (карвонбошига) сотади. Марказий Осиёни туяларда транзит тариқасида кечиб ўтган карвонбоши Ғарбга етгунига қадар ўзи ўтган мамлакат ҳукмдорларига муайян тарзда ҳақ (бож) тўлайди. Константинтополга етиб борган ипак мато анча қиммат сотилади. Константинтополлик тикувчи ҳам тайёр маҳсулотни тикканидан сўнг охирги истеъмолчига сотади ва хизмати учун ҳақ ундиради. Бир қадар соддалаштирилиб тасвирланган ўша жараённи моҳиятан қўшилган қиймат ҳаракатлантиради. Кушонийлар ҳам, Салжуқийлар ҳам, Темурийлар ҳам Буюк Ипак йўлини назорат қилишга, аниқроғи, транзит учун ҳақ ундиришга интилишган. Албатта, Ибн Халдун ва бошқа шарқлик алломаларнинг қўшилган қийматга муносабатини мутлақ илмий қарашлар деб бўлмайди. Аммо, ҳодисанинг англаниши муҳимдир. Темурийлардан кейин Ўрта Осиёнинг иқтисодий чўкиши замирида ҳам минтақалараро

қуруқлик савдо йўлининг денгиз савдо йўли билан алмашиши, яъни қўшилган қиймат туғдирган транзит божининг муомаладан чиқиб кетиши туради. Умуман, бирламчи ишлаб чиқаришдаги "қўшимча қиймат"дан фарқли ўлароқ "қўшилган қиймат" одамзот истеъмол қилувчи товарлар ва хизматлар табиатини муфассал тушунишга имкон беради. Ёдингизда бўлса, қўшилган қиймат нақадар катта куч эканлигини биз Кушонийлар давлати иқтисодий сиёсати мисолида ҳам кўриб чиққан эдик.

Солиқлар, солиқ солиш, солиқ тизими исталган мамлакатда амалга ошириладиган назорат фаолиятининг таркибий қисми, махсус тармоғидир. Молиявий назорат давлат ҳокимияти ва маҳаллий органларнинг барча тизими томонидан, шу жумладан, махсус назорат органлари томонидан жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари иштирокида қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Молиявий назоратнинг аҳамияти шундан иборатки, унинг ёрдамида, биринчидан, давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқаролар томонидан ўз молиявий фаолиятида ҳуқуқий тартиботга риоя этилишини кузатиб бориш, иккинчидан, амалга оширилаётган **молиявий ҳаракатларнинг давлат олдида турган вазифаларга мувофиқ келишини текшириш амалга оширилади.** Шундай қилиб, молиявий назорат молиявий фаолиятни амалга ошириш пайтида қонунчиликка риоя этиш, ҳаракатлар мақсадга мувофиқлигини таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. **Молиявий назорат** — пул жамғармаларини ташкил этиш, сарфлаш, тақсимлаш, улардан фойдаланиш юзасидан давлат ва маҳаллий ҳокимият субъектлари амалга ошираётган ҳаракатлар қонунийлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги устидан мамлакатнинг айрим минтақаларининг самарали ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган назоратдир. Молиявий назорат барча молиявий ҳуқуқий институтларга хосдир. Молиявий назоратни амалга оширишни ташкил этиш ва ўтказиш тартибларини белгиловчи махсус нормалар мавжуд. Молиявий назоратни амалга ошириладиган муносабатлар текширилиши пайтида: а) ташкилотлар ва фуқаролар томонидан ўз фаолияти давомида давлат, маҳаллий ҳокимият органлари олдидаги молиявий мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш; б) давлат ва маҳаллий корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан уларнинг ихтиёрида ёки

оператив бошқарувида бўлган пул маблағларидан тўғри фойдаланаётганлигини назорат қилиш; в) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан молиявий операциялар, ҳисоб-китоблар ва пул маблағларини сақлаш ва сарфлаш қоидаларига риоя этилишини кузатиб бориш; г) корхоналар рентабеллиги, меҳнат унумдорлиги, моддий ва бошқа ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча резервларни қидириб топиш; д) молия интизомининг бузилиш ҳолларига, уларни келтириб чиқарувчи сабабларга барҳам бериш, ана шундай қонун бузилиши ҳоллари аниқланган тақдирда эса, корхона ва ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қонунда кўзда тутилган таъсир чораларини кўриш мақсадлари назарда тутилади. Молиявий назорат фақатгина пул маблағларинигина эмас, балки моддий меҳнат ва бошқа ресурслардан тўғри фойдаланишни ҳам ўз ичига олади. Молиявий назорат самарадорлигини ошириш молиявий хўжалик фаолиятини ҳар томонлама чуқур ва молиявий хўжалик жиҳатдан таҳлил этилишини талаб қилади. Солиқлар эса ана шу назоратда етакчи омилдир. Чунки юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар моҳиятан юқорида айтиб ўтилган функцияларни билвосита амалга оширади. Бинобарин, собиқ СССРда солиқ назорати молия вазирлиги таркибида бўлиб келган эди.[17]

Шундай қилиб, Солиқ кодекси Конституцияга, халқаро меъёрлар ва андозаларга тўла жавоб беради. Шунингдек, бошқа иқтисодиётга оид қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам солиқ тизими такомиллашиб боришига хизмат қилиши табиийдир.

Айтиб ўтилганидек, **иккинчи босқичда** республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш учун қулай "солиқ муҳити"ни яратиш мақсадида иқтисодий ислоҳотлар жараёнини норматив-ҳуқуқий таъминлашни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимларнинг жами ўрнига бюджетга ягона солиқ тўлаш имкониятига эга бўлдилар. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори билан "**Кичик корхоналар учун**

[17] Язык бизнеса. Энциклопедический словарь. Ташкент, 1996. С. 220—278.

солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш картиби" тасдиқланди.

1999 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бошқа етиштирувчилари **ягона ер солиғини** тўлай бошлашди.

Солиқ тизимини ривожлантиришнинг **учинчи босқичи** (2000 йилдан) асосига Президент ва ҳукумат томонидан қўйилган жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш, иқтисодий ислоҳотлар йўлидан олға бориш вазифалари қўйилди.

Қонунчиликка киритилаётган ўзгартиришлар солиқ юкини янада камайтиришга, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, интизомли солиқ тўловчиларни уларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашишлардан ҳимояланишни кучайтириш, жиноий ва маъмурий жазоларни эркинлаштириш, самарали солиқ тизими тамойилларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга йўналтирилган.

Ўзбекистондаги самарали солиқ тизимининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

■ **қонунийлик тамойили**: — давлат бошқарув органлари, фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари томонидан солиқ ҳуқуқи қонунчилиги талабларининг мажбурий ва оғишмай бажарилишини таъминлайди.

■ **қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар ҳамда қонунларнинг тескари кучини инкор этиш тамойили:** — янги ҳужжатларнинг қабул қилинишига қадар юзага келган муносабатларга янги қабул қилинган қонунлар ёки норматив ҳужжатларни татбиқ этмаслик имконини беради.

■ **солиқ тўловчи ва давлат манфаатлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг тенглиги тамойили**: — солиқ муносабатлари иштирокчиларининг ҳар бирига Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлиш имконини беради.

■ **оддийлик тамойили:** — солиқ солиш базасини белгилаш, солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар оддийлигини, тақдим этиладиган ҳисоботлар мазмуни соддалаштирилишини, шунингдек, солиқларнинг энг муҳим турлари бўйича ягона ставкалар белгиланишини назарда тутади.

■ **солиқ ставкаларининг таққосланиши тамойили:**—солиқ ставкалари бошқа мамлакатлардаги худди шундай солиқ ставкалари билан таққосланиши, яъни минтақавий ўзига хосликни ҳисобга олиб, бошқа мамлакатлар билан хўжалик фаолиятининг тахминан тенг шароитларини яратиши керак.

Ўзбекистонда қўлланиладиган солиқларни **бевосита** ва **билвосита** солиқларга йириклаштирилган таснифлаш ҳам жаҳон тажрибасидан келиб чиқади. Маълумки, бевосита солиқлар тўғридан-тўғри корхонанинг даромади ёки мол-мулкидан ундирилади, билвосита солиқлар эса товар (ишлар, хизматлар) нархига киритиш йўли билан истеъмолчидан ундирилади.

Айтилганлардан шундай таърифлар чиқариш мумкин:

Солиқ олиш, давлат томонидан жорий қилинган ва жисмоний ҳамда юридик шахслар томонидан тўланиши мажбурий бўлган, доимий характердаги, миқдори аввалдан белгиланган тўловларни ундиришдир. Солиқлар шахс ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос мунтазам бир тури бўлиб, фуқаро солиқ тўловлари тўлаш орқали давлат фаолиятида иштирок этади. Жисмоний шахслардан ҳамда юридик шахслардан олинадиган солиқлар мавжуд, уларнинг аниқ турлари, ставкалари, ҳисоблаш ва тўланиш тартиблари, солиқ тўламаганлик учун жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида ва бошқа солиққа оид қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Давлат ва маҳаллий солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ҳамда ўз вақтида тўлиқ тўланиши, жисмоний ва юридик шахслар, давлат, жамоат органлари томонидан солиқ ҳақидаги қонунларга амал қилиниши устидан назорат олиб бориш ваколати берилган давлат органлари тузиш, давлат солиқ органларининг таркибий тузилиши, вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонунида белгилаб қўйилган.

Солиқ ставкаси — юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ҳар хил солиқларга ўрнатилган солиқ миқдоридир.

Солиқ ставкалари ҳар хил шаклларда белгиланиши мумкин, жумладан:

а) **фоизлар ҳисобида** — (даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи).

б) **белгиланган пул миқдорида** эгаларидан олинадиган солиқ (ер солиғи, транспорт воситалари);

в) **аралаш** — бунда ҳам фоизлик, ҳам пул шаклида бўлади (мол-мулк солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи);

г) **прогрессив** солиқ объектининг ўсиши солиқ ставкасининг ўсишига олиб келади. Солиқ қонунларида имтиёзлар белгиланиши солиқ ставкасини камайтиришга ва солиқ тўлашдан озод этишга асос бўлади. Булар ўз навбатида солиқ тизими мавжуд бўлишини тақозо этади, жумладан:

Солиқ тизими — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади ва бекор қилинади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумдавлат солиқлари: маҳаллий солиқ ва йиғимлар амал қилади. Умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради: 1. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи. 2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи. 3. Қўшилган қиймат солиғи. 4. Акциз солиғи. 5. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ. 6. Экология солиғи. 7. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради:

1. Мол-мулк солиғи; 2. Ер солиғи; 3. Реклама солиғи; 4.Автотранспорт воситаларини олиб-сотганлик учун солиқ; 5.Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари; 6. Юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим; 7. Автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим; 8. Ободончилик ишлари учун йиғим. Солиқ кодексининг 7-моддаси 3, 8, бандларида назарда тутилган реклама солиғи ва ободончилик ишлари учун йиғим. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан жорий этилади.[18]

Солиқ олиш, солиқ ставкалари, солиқ тизими асосида эса **солиқ ҳуқуқи** юзага келади, жумладан:

Солиқ ҳуқуқи — молия ҳуқуқининг бир бўлими сифатида келажакда ривожланади ва йирик соҳа сифатида шаклланади. Солиқлар — қадимий молиявий шакллардан иборат бўлиб, давлат билан бирга вужудга келган ва давлат органлари фаолиятини

[18] Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Тошкент—2002. 8 февраль.

таъминлаш, давлат олдида турган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган молиявий ресурслар манбаи бўлиб хизмат қилиб келган. Солиқларни белгилаш ҳамда тўплаш билан боғлиқ бўлган муносабатлар молиявий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиниб, унинг тармоқларидан бири — солиқ ҳуқуқидир. Солиқ ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, унинг асосида қабул қилинган солиқ қонунлари, Солиқ кодекси ва бошқа қонуний актлар саналади.

Мамлакатимиздаги ҳар бир юридик ва жисмоний шахс солиқ тўловчи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг Умумий қисми 11—12-моддаларида солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган, жумладан: 1) солиқ органларидан солиқ ҳақида қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш; 2) Солиқ кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш; 3) бюджетга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш; 4) солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш; 5) солиқ органлари ўтказган текширув материаллари билан танишиш ва ва текширув далолатномаларини олиш, текширув натижаларидан норози бўлган тақдирда солиқ органида ўзининг ёзма эътирозларини ўн кунлик муддат ичида тақдим этиш; 6) солиқ органларининг қарорлари ва мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга мурожаат қилиш; 7) солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатишга ҳақлидирлар.

Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари қуйидагилардир: 1)белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларидан рўйхатдан ўтиш, юридик манзили ўзгарган ёки қайта рўйхатдан ўтган тақдирда эса, бу ҳақда солиқ органига ўн кунлик муддат ичида хабар бериш; 2) солиқлар ва йиғимларнинг тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш; 3) бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритиш; 4) молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун

ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш; 5) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек, солиқлар ва йиғимлар юзасидан имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этиш; 6) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ органларининг мансабдор шахсларини даромад олиш ёки солиқ объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришига рухсат бериш; 7) солиқ органларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш.

Солиқ тўловчилар шунингдек солиққа оид бошқа қонун ҳужжатлари берадиган ҳуқуқларга эга бўладилар ва мажбуриятларни зиммага оладилар.

Бинобарин, солиқ тизимида бешта асосий функция фарқланади:

— солиқ ҳисобининг фискал функцияси;
— қайта тақсимлаш функцияси;
— рағбатлантириш функцияси;
— солиқ ҳисобининг назорат функцияси;
— солиқ ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси.

Солиқларнинг асосий — **фискал функцияси** шундан иборатки, улар ёрдамида пул ресурсларининг марказлашган фонди юзага келади, улар давлат аппарати, қуролли кучларни таъминлаб туриш, муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажариш учун мамлакат ҳукуматининг ихтиёрида бўлади. Солиқлар фискал функциясининг муҳим жиҳати энг муҳим умумдавлат халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун корхоналар ва фуқаролар томонидан олинган даромадлар бир қисмини солиқ тўловлари сифатида ундириш орқали корхоналар ва фуқаролар томонидан олинган даромадлар бир қисмини солиқ тўловлари сифатида ундириш орқали давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантиришдадир.

Бозор муносабатлари таркиб топаётган ва ривожланиш шароитда солиқларнинг иқтисодиётдаги бошқарувчилик [illegible] уларнинг муҳим функцияси ҳисобланади, [illegible] ёрдамида давлат товарларни ишлаб чиқариш ва [illegible] иқтисодий шароитларини бошқаради, шу орқали [illegible] иқтисодий фаолиятининг маълум солиқ муҳитини [illegible]

Солиқларнинг қайта тақсимлаш функцияси келиб тушадиган солиқлардан ҳосил бўлувчи пул ресурсларининг давлат фонди (давлат бюджети) орқали давлат олинган даромадларни қайта тақсимлашини: бир қисмини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, бир қисмини устивор тармоқларга инвестиция қўйишга йўналтиришга англатади.

Рағбатлантириш функцияси — солиқ тизимининг муҳим функцияларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, моддий — хом ашё, молиявий ва меҳнат ресурслари, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга фаол ёрдам беради, яъни солиқ юкини енгиллаштириш орқали ишлаб чиқаришнинг ривожланишини рағбатлантириш молиявий ҳолатни яхшилаш ва инвистицион фаолиятни жонлантириш мумкин. Хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон қонун ҳужжатлари билан инвестициялар жалб этиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, сармоя йўқотиш хавфини қисқартиришга қаратилган кенг миқёсли кафолатлар ва солиқ имтиёзлари берилган.

Назорат функцияси солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ кўрсаткичлари ҳисоб-китобларини, яъни солиққа тортиш объекти, солиқ солинадиган база, имтиёзлар ва бошқаларни текшириш каби мураккаб жараёндан иборат. Солиқ органлари белгиланган солиқ — ҳисоб шакллари орқали солиқ тўловчиларнинг ўз солиқ мажбуриятларини бажаришлари устидан янада самарали назорат ва кузатувни амалга оширдилар.

Солиқ **ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси** амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритишга мажбур бўлмаган шахсларнинг солиқ мажбуриятларини тўғри ҳисоблаш учун зарурий солиқ ахборотини тўплаш ва ишлов бериш имконини беради. Жисмоний шахслар бухгалтерия ҳисобини юритишга мажбур эмасликлари туфайли барча ҳисоб функциялари солиқ органига юклатилади.

Келтириб ўтилганидек, Давлат солиқ сиёсатини амалга оширишнинг марказий субъекти — Ўзбекистон солиқ хизматидир, у солиқ қонунчилигининг бажарилишини таъминлайдиган органлар тизимидан ташкил топган.

Солиқ органлари — мамлакат мустақиллигини тенгдошидир. Республиканинг Олий қонун чиқарувчи органи томонидан 1991 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ

органлари тўғрисидаги низом тасдиқланди, 1991 йил 12 августда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ органлари тўғрисида" 217-сон қарори қабул қилинди.

1994 йилда Президент Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат солиқ Бош бошқармаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитасига айлантирилди.

Мамлакатимизда солиқ органлари барпо этилишига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат даромадлари бошқармаси ва унинг жойлардаги молия бўлимларида тегишли бўлинмалар фаолият кўрсатган эди.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги "Давлат солиқ хизмати тўғрисида" 474—1-сон қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари: 1998 йил 12 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида" 14-сон, 2000 йил 13 мартдаги "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида" 87-сон, 2000 йил 5 майдаги "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш такомиллаштириш тўғрисида" 180-сон қарорлари солиқ органлари фаолиятининг ҳуқуқий базасини ташкил этади.[19]

"Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ қуйидагилар давлат солиқ хизмати органларидир, жумладан: Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг давлат солиқ бошқармалари, вилоятларнинг давлат солиқ бошқармалари, шунингдек, туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг давлат солиқ инспекциялари.

Давлат солиқ органлари тизими кўп даражали поғона тарзидаги ташкилот тамойили бўйича барпо этилган: республика, вилоят ва туман даражаларини ўз ичига олган ягона марказлаштирилган тизимдан иборат.

Давлат солиқ сиёсатини амалга оширишда, унинг иқтисодий манфаатлари ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда солиқ хизматининг марказий **органи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси** ҳисобланади.

Вилоят бошқармалари солиқ органлари тизимида оралиқ,

[19] Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Тошкент—2002. 8 февраль.

воситачи бўғин ҳисобланади, улар бутун солиқ хизматининг самарали фаолият кўрсатишини, **бошқарувнинг марказий аппарати билан жойлардаги солиқ инспекцияларининг ҳамкорлигини таъминлайди.**

Қуйи солиқ хизматлари — Ўзбекистон солиқ органлари тизимининг асосий бўғинидир. Асосий вазифаларни амалга ошираркан, улар солиқ тўловчилар билан бевосита ҳамкорлик қиладилар.

Солиқ органлари давлат бюджетига тегишли даромадлар тушишини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ солиқ тўловчилардан солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш йўли билан таъминлайди. Ушбу ғоятда муҳим давлат вазифасини бажариш:

— солиқ солиш субъектлари ва объектларини тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олишни таъминлаш;

— солиқ тўловчиларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда ёрдам кўрсатиш;

— назорат фаолиятини амалга ошириш асосида таъминланади.

Солиқ тўловчилардан солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш мақсадида солиқ органлари молиявий ҳисоботни ва солиқлар бўйича оралиқ ҳисоб-китобларни қабул қилиш, икки ва ундан ортиқ даромад манбаига эга бўлган жисмоний шахслардан ялпи даромад бўйича декларациялар, хорижий фуқароларнинг даромадлари бўйича декларациялар қабул қилиш, мол-мулк, ер, транспорт воситаларига доир солиқларни тўлайдиган жисмоний шахсларга квитанциялар бериш, инкассо топшириқномаларини ёзиш ва тақдим этиш ва ҳоказолар бўйича функцияларни бажарадилар.

Турли маҳаллий солиқларни ундириш билан участка солиқ инспекторлари — солиқ тўловчилар билан уларнинг яшаш жойларида иш олиб борадиган мансабдор шахслар шуғулланадилар.

Тўловчиларга қўйиладиган солиқ залворининг кўрсаткичи мамлакат солиқ тизими сифатининг анча жиддий ўлчови ҳисобланади. Рағбатлантириш воситасида ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ана шу асосда солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқлар тўлаш соҳасига ҳали қамраб олинмаган солиқ тўловчилар доирасини жалб этиш ҳисобига бюджет даромадларининг ўсиши амалга ошириляпти, бу эса ўз навбатида

иқтисодиёт фаолияти учун қулай солиқ шароитларини бундан кейин барпо этишга ёрдам беради.

Шу ўринда тўртта муҳим тушунчага таъриф бериб ўтамиз, жумладан:

Солиқ — юридик шахслар ва фуқаролардан олинадиган мажбурий тўлов. Корхоналар, уюшмалар ва фуқаролардан солиқ олиш барча даржадаги бюджетларнинг ташкил этилишидаги асосий манбадир.

Олиниши усулига кўра солиқлар **тўғридан-тўғри (бевосита)** ва **билвосита** солиқларга бўлинади.

Тўғридан-тўғри солиқлар бевосита даромаддан ва мулкдан олинади. Улар ўз навбатида **реал** ва **шахсий** солиқларга бўлинади. Шахсий солиқлар юридик шахслар ва фуқароларнинг даромадидан, мулкидан олинади (даромад солиғи, пул сармояларидан келган даромадларга солиқ, сармоя кўпайишига солиқ, корхоналар (фирмалар) даромадига солиқ, ортиқча даромад учун солиқ, мерос ва ҳадялардан олинадиган солиқ, мулкка кўра ва жон бошига олинадиган солиқ). Реал солиқлар солиқ тўловчи мулкининг алоҳида турларидан олинади (ер солиўи, уй солиғи, касб солиғи, қимматли қоғозлар учун солиқ).

Билвосита солиқларга товар ва хизматлар учун солиқ киради, улар товар нархига мувофиқ тўланади ёки тариф, акциз, божхона пошлинаси ва йиғимлари тарзида бўлади.

Нисбатига кўра, **регрессив** (камаювчи), **пропорционал** (тенг) ва **прогрессив** (ўсувчи) солиқлар ажратилади.

Тасурруфига солиқлар келиб тушадиган ҳокимият органига кўра, **давлат** ва **маҳаллий** солиқлари ажратилади. Давлат солиқлари мамлакат қонунчилигига кўра марказий ҳукумат томонидан йиғилади ва давлат бюджетига юборилади (даромад солиғи, фойдадан солиқ, божхона пошлинаси ва бошқалар). Маҳаллий солиқлар тегишли ҳудудда маҳаллий бошқарув идоралари томонидан йиғилади ва маҳаллий бюджетга келиб тушади.

Маҳаллий йиғимлар — Ўзбекистон Республикаси қонунларига, давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорига мувофиқ белгиланган, фуқаролар ва ташкилотлардан уларга кўрсатилган маданий-маиший хизматлар ёки давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари назорати остида ўтказиладиган бошқа тадбирларнинг чиқимлари билан боғлиқ харажатларни қисман қоплаш учун ундириладиган тўловлардир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади ва бекор қилинади. Янги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан мувофиқлаштирилиши лозим. Маҳаллий солиқ ва йиғимлар тизимининг ҳуқуқий асосларини, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини, солиқ ишларини юритиш тартиботини ва солиқ ҳақидаги қонунларни бузганларни тартибга солиб туриш масалалари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига асосан ҳал этилади.

Маҳаллий солиқлар маҳаллий бюджетга ўтказилади. Ер солиғининг бир қисми қонунларда белгиланган тартибда ердан фойдаланиш ишларини яхшилаш юзасидан умумдавлат тадбирларини амалга ошириши учун республика бюджетида марказлаштирилиши мумкин. Маҳаллий солиқ ва йиғимларни ставкаларнинг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бевосита солиқлар — тўғридан-тўғри корхона ёки фуқаронинг даромадидан (фойдасидан) олинадиган солиқлардир. Бундай солиқлар гуруҳига Ўзбекистон Республикасида 1992 йилдан бошлаб жорий этилган юридик шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, мол-мулк солиғи, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, резидент ва норезидент жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромади ва ҳоказолар киради. Бу солиқларнинг муҳим белгиси солиқ манбаи корхона ёки фуқаронинг тўғридан-тўғри даромади ёки мулки ҳисобланади. Билвосита солиқларда эса солиқ тўловчилар маҳсулот сотувчи корхона ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот бўлса ҳам, ҳақиқий солиқ тўловчилар маҳсулот сотиб олувчилар, яъни истеъмолчилар бўлади. Бу солиқлар товар баҳоси ёки хизмат тарифига устама тариқасида қўйилади.

Билвосита солиқлар, одатда, иқтисодий қийинчиликлар даврида, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бевосита — тўғридан-тўғри солиқлар билан бюджет харажатларини қоплаш қийинлашган даврда олинади. Ривожланган мамлакатларда билвосита солиқларнинг салмоғи бюджет даромадларида катта ўрин эгаллайди.

Бюджет интизоми эса давлат ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш, тақсимлаш ҳамда сарф-харажат қилиш юзасидан белгилаб қўйилган тартиб-қоидалар қатъий риоя қилишдир.

Бюджет жараёнида қатнашувчи барча субъектлар: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний шахслар учун бюджет интизомига риоя қилиш мажбурий ҳисобланади. Бюджет интизоми бузилиши айбдор юридик шахсларга иқтисодий-молиявий жазо чоралари қўлланишига, мансабдор шахсларга ва бошка жисмоний шахсларга эса интизомий, маъмурий ва ҳатто жиноий жазо чоралари қўлланишига сабаб бўлади. Бюджет интизомини ташкил қилувчи қоидалар бюджет ҳақидаги қонунларда, давлат даромадларини вужудга келтиришга қаратилган қонун ҳужжатларида (Солиқ кодекси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг меъёрий ҳужжатларида ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда) белгилаб қўйилади. Бюджет интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш давлат молиявий қудратини ошириш, белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажарилишига эришиш, молиявий маблағлардан самарали тарзда фойдаланишга ёрдам беради. Бюджет интизоми давлат интизомининг муҳим таркибий қисми бўлиб, давлат фаолиятининг самарали ва бир маромда кечишни таъминлашга хизмат қилади. Бюджет интизоми муҳим категориядир, бутун солиқ тизими фаолияти узлуксиз ва қонунийлик асосида ташкил этилишини тақозо қилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камайтириш, қайта текширувга ва назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларга йўл қўймаслик мақсадида 1996 йил 8 августда Республика Президентининг фармони билан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик ва жисмоний шахслар молиявий-хўжалик фаолиятини барча текширув ва тафтиш Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилди.

Текширишлар сонини камайтириш, такрорлашларга ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига асоссиз аралашишга йўл қўймаслик мақсадида уларни мувофиқлаштирувчи режа-жадвалга киритиб, бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини мунтазам бажариб келадиган, дуруст кўрсаткичларга эга бўлган, қонунга бўйсунадиган хўжалик юритувчи субъектларни улардан чиқариш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларни танлаш мезонлари ишлаб чиқилган ва у аниқлаштириб борилади. Шу ўринда оммавий ахборот воситалари кейинги йилларда ўринсиз аралашишларга йўл қўймаслик учун

текширувчиларнинг махсус Текширувларни рўйхатга олиш дафтари воситасида муомала қилишга ўргатишни тарғиб этиши ҳам ижобий самара бермоқда. Бунда биз Давлат солиқ қўмитасининг Адлия вазирлиги ва тегишли идоралар қизғин ҳамкорлигини кузатамиз. Умуман, жамиятда ишлаб чиқариш муносабатлари ривожлангани, фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари ортгани сайин солиқ соҳасидаги ўзгаришлар ҳам жадаллашади ва доимий характерга эга бўлади.

Айни маҳалда бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг макроиқтисодий сиёсатини амалга ошириш ва татбиқ этишдаги асосий молиявий воситаларидан бири бўлиб бюджет хизмат қилади.

Давлатнинг бюджет маблағлари **учта қисмга** бўлинади. Бюджет ажратмалари орасида асосий ўринни ҳарбий саноат ва мудофаа харажатлари эгаллайди. Иккинчи ўринда трансферт тўловлар – ижтимоий соҳани молиялаштириш харажатлари эгаллайди. Учинчи ўринни инвестицион харажатларга ажратмалар эгаллайди. Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий ривожланиш устивор йўналишлари ва бюджет сиёсати манфаатларидан келиб чиқиб юқоридаги харажатлар йўналишининг кетма-кетлигини ўзгартириши мумкин. Масалан, Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти усули танланганлиги туфайли, бюджет харажатларида биринчи ўринни аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари эгаллайди.

Мамлакатимиз бюджет сиёсатининг асосий устивор йўналишилари — аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва иқтисодиётга бюджет инвестицияларини йўналтиришдан иборатдир.

Бюджет сиёсати давлат бюджетини, маҳаллий бюджетларни ишлаб чиқиш ва фойдаланишдан иборат бўлади. Унинг асосий вазифаси, солиқ солишни такомиллаштириш ва бюджетни оқилона режалаштириш орқали мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ва ислоҳотлар жадаллашишига таъсир кўрсатишдир. Албатта, бу ерда давлат томонидан солиқлар орқали солиқ тўловчи хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолиятига бевосита аралашуви юзага келади.

Маълумки, давлат ҳеч қачон ташқи ва ички хавфсизликни таъминлаш, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялашдек ҳаётий зарур вазифасидан воз кечиши мумкин эмас. Бунинг учун эса унга маблағлар ва ишлаб чиқариш салоҳияти зарур бўлади.

Давлатнинг иқтисодиётдаги роли давлат бюджети даромадлари (харажатлари)нинг ялпи ички маҳсулотга нисбати билан ("бюджет юки"), шунингдек, бюджетга солиқ тушумларининг ялпи ички маҳсулотга нисбати ("солиқ юки") билан ўлчанади. Ушбу нисбатликлар қанчалик катта бўлса, давлат унинг мамлакат иқтисодиётига аралашуви нуқтаи назаридан шунчалик йирик ҳисобланади (территория, аҳоли сони бу ерда муҳим эмас). Шу жиҳатдан энг "йирик давлатлар" диктаторлик ва ҳарбий режим даврларида мавжуд бўладилар. Аксинча, "энг кичик" давлатлар эрксевар ва демократия ривожланган, ҳарбий ва мудофаа мақсадларига кўп харажат йўналтириш лозим бўлмаган мамлакатларда мавжуд бўлади. Ижтимоий харажатларга келганда, уни ҳар бир давлат ўзининг танлаган иқтисодий ривожланиш моделидан келиб чиқиб молиялаштириб боради.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичидаги асосий йўналиш бу иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдан иборат бўлди. Бу эса, ўз навбатида, солиқ ва бюджет юкини камайтиришни ва оқилона миқдорга келтиришни англатади. Амалда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириш бу бозор иқтисодиёти ривожланиши ва аҳоли турмуш даражаси яхшиланишининг муҳим шартларидан биридир.

XX асрнинг биринчи ярмида жаҳонда солиқ солишнинг энг юқори чегараси бўлиб тахминан 15 фоизлик кўрсаткич ҳисобланар эди. Кейинчалик эса иқтисодий ривожланишнинг суръатлари ошиши ва ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми кўпайиб бориши билан бир вақтда иқтисодиётга солиқ юкининг реал ҳажмлари ҳам 40 фоизгача кўпайиб борди. Ижтимоий дастурларининг ўта юқорилиги билан ажралиб турадиган Швецарияга ўхшаш давлатлар ҳам иқтисодий қийинчиликларга рўпара келишди.

Шундай қилиб, давлатнинг иқтисодиётдаги роли барча замонлар учун қотиб қолган таълимот эмас. Айрим иқтисодчиларнинг таъкидлашича, солиқ юки, давлат харажатлари ва бюджет танқислигини 1 фоизга ошириш, иқтисодий ривожланиш ва истеъмол ҳам тахминан 1 фоизга пасайишига олиб келади. Бошқа иқтисодчилар эса буни рад этадилар ва харажатларнинг анчагина қисми фанга, маорифга, соғлиқни сақлашга, инфратузилмани ривожлантиришга сарфланганлиги туфайли иқтисодиётни ривожлантиришга ҳам хизмат қилади деб таъкидлашади.

Давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини қисқартириш давлатни заифлашишини эмас, балки иқтисодиётни давлат қарамоғидан чиқаришни ва уни эркинлаштиришни англатади. Иқтисодиётни бошқаришдаги давлат роли қисқариши юз бергач, **бозорнинг ўзи ҳаммасини бажаради-ю, иқтисодий ривожланиш юз беради деган фикр нотўғридир.** Бозор иқтисодиётини кучли давлат ҳокимияти билан мустаҳкамлаш зарур. Бироқ, давлат ҳокимияти иқтисодиётни бошқармаслиги керак, балки уни монополиядан, идоравий зўравонликдан, коррупциядан ҳимоя қилиши лозим.

Бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилиш, унинг оқилона тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бу муаммоларнинг ичида солиқ тушумларини бюджетлар ўртасида тақсимлаш, маҳаллий солиқларни маҳаллий бюджетлар даромадларидаги салмоғини ошириш, маҳаллий ўзини-ўзи таъминлаш муаммолари энг долзарб бўлиб турган масалалардир.

Бюджет тизимининг асосий тамойилларидан бири — ҳар бир даражадаги бюджетнинг мустақиллиги ва қонун асосида ташкил этилишидир.

Бунда, **биринчидан,** барча вилоят бюджет субъектлари молиявий муносабатлар нуқтаи назаридан республика бюджети билан тенг ҳуқуққа эгадир, гарчи улар мувофиқлаштирув бўйича фарқ қилиши мумкин.

Иккинчидан, у ёки бу даражадаги бюджет ҳисобидан республика ва маҳаллий бюджетларнинг фаолият ва масъулият ҳамда харажатларни молиялаштириш доиралари чегаралангандир.

Учинчидан, ҳар бир даражадаги бюджет ўзининг мустақил молиявий манбаларига эга, ҳукумат органи эса бу маблағлардан фойдаланиш йўналишларини мустақил белгилайди.

Амалда республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатлар ўзгариб турувчан ва беқарордир.

Бунда бюджет тизими тўғрисидаги қабул қилинган ва 2001 йилдан кучга киритилган қонунга кўра, ушбу муносабатлар қуйидаги кўринишларда амалга оширилади:

Дотациялар — жорий харажатларни қоплаш учун ўзга даражадаги бюджетларга қайтарилмаслик асосида ажратиладиган бюджет маблағларидир.

Субвенциялар — ўзга бюджетларга ёки юридик шахсларга

маълум мақсадларга қйтарилмаслик асосида ажратиладиган бюджет маблағларидир.

Субсидиялар — мақсадли харажатларни улушбай асосида молиялаштириш учун ўзга бюджетга, жисмоний ва юридик шахсларга ажратиладиган бюджет маблағларидир.

Бюджет ассигнациялари — бюджетда кўзда тутилган ва бюджет маблағларини олувчиларга ажратиладиган бюджет маблағларидир.

Бюджет кредити — қайтариш шарти билан юридик шахслар харажатларини молиялаштиришга ажратиладиган бюджет маблағларидир.

Бюджет ссудаси — ўзга бюджетга 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга қайтаришлик шарти асосида ажратиладиган бюджет маблағларидир.

Ўзбекистоннинг барча вилоятлари бюджет маблағларининг мавжудлиги даражасига кўра, дотацион ёки донор вилоятларга бўлинади.

Дотацион вилоятлар ўзларининг бюджетдан молиялаштириладиган соҳаларини тўлиқ молиялаштира олмайдилар ва республика бюджетидан турли кўринишдаги трансфертлар оладилар. Бир вақтнинг ўзида улар республика бюджетига солиқларни белгиланган нормативларга кўра ажратадилар. Пул маблағларининг қарама-қарши ҳаракати юзага келади. Донор регионлар эса солиқларни тўлайдилар, ўз бюджетларининг маблағларга бўлган эҳтиёжини қондирадилар ва дотацион вилоятларга ҳам республика бюджети орқали қайта тақсимланиб ажратиладиган солиқ тушумларидан ажратмалар амалга оширадилар.

Вақти-вақти билан донор ва дотацион регионлар ўрни алмашиб туради. Лекин, биздаги Тошкент шаҳри, Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти каби регионлар барча вақтларда донор регионлар ролини бажариб келишган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах вилояти каби регионлар эса бюджетдан дотация оладиган, яъни даромадлари ўз бюджет эҳтиёжларини қоплашга етмайдиган вилоятлар қаторида бўлиб келганлар.

Амалдаги тизимнинг муаммовий хусусияти шундаки, агарда аввал нарх-наво ва иш ҳақи даражаси марказдан белгиланган бўлса, ҳозир у кўпчилик жиҳатдан бозор қонунлари, талаб ва таклиф асосида вужудга келмоқда. Бироқ маҳаллий ҳокимият

органлари, уларни донор регионлар, республика бюджети орқали қўллаб-қувватлашларини билганлари ҳолда, ўзларининг даромад базаларини ва иқтисодий салоҳиятларини оширишга жуда ҳам ҳаракат қилаётганлари йўқ. Айрим регионлар эса республика бюджетидан мумкин қадар кўпроқ маблағ олишга эришиш мақсадида нафақалар ва турли ижтимоий тўловлар ҳажмини сунъий равишда оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Вилоятлар республика бюджетидан талаб қиладиган ёрдам трансфертлари ҳажми, республика бюджети имкониятларидан анча юқоридир. Фикримизча, худди мана шундай ҳолатларда бюджет тизимининг муаммоси яққол кўзга ташланади. Бюджет тизими ҳар икки йўналишда ҳаракат қилаётган катта миқдордаги пул оқимлари (дотациялар, субвенциялар, ўзаро ҳисоб-китоб маблағлари, инвестиция ва кредит маблағлари ва ҳ.к.) билан мураккаблашиб кетган.

Иқтисодиётда ушбу пул оқимларини кўпинча ажратиб олиш қийин бўлади. Ижтимоий соҳа харажатларини маҳаллий бюджетлар ўзлари қоплай олмаганликлари туфайли пул оқимлари республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга келиб тушади. Аниқроғи, маҳаллий корхона ва ташкилотлардан ундирилган умумдавлат солиқлари аввал республика бюджетига, кейин эса белгиланган нормативларга мувофиқ маҳаллий бюджетларга қайта тақсимланади.

Кўпчилик мамлакатлар ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши ва умуман иқтисодиётни ривожлантириш муаммоларини анчагина оқилона ҳал қилганлар.

Швейцарияда учта даражадаги бюджетга солиқ тушумлари қонуний тартибда бириктириб қўйилган. Швейцария федерал бюджетига барча солиқ тушумларининг 30 фоизга якини келиб тушади (билвосита солиқлар). Маҳаллий бюджетларга эса 70 фоиз солиқ тушумлари келиб тушади (бевосита солиқлар). Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини тенглаштириш мақсадида солиқ тушумлари ягона услубиёт асосида қайта тақсимланади.

Америка Қўшма Штатларида федерал ҳукумат ва штатлар солиқ соҳасида бир хил ҳуқуққа эгадирлар. Табиийки, федерал, штатлар ва маҳаллий солиқлар амал қилади. Солиққа тортиш ва солиқдан озод этиш тартибини ҳам федерал ҳукумат, ҳам штатлар ҳукумати ҳал қилади. Масалан, кичик бизнес федерал даромад солиғидан тўлиқ озод этилган. Штатлардаги даромад

солиғининг амал қилиш тартибларини ҳар бир штат мустақил ҳал қилади. Федерал маблағлар штатларга аниқ мақсадлар ва дастурларни молиялаштириш учун ажратилади (ижтимоий тадбирлар, қурилиш, инфратузилмани ривожлантириш).

Канадада маҳаллий ҳукуматга солиқ солиш соҳасида ва харажатларни амалга оширишда кенг ҳуқуқлар берилган. Федерал бюджет фақат даромадлар даражаси нисбатан паст бўлган ҳудудларга ажратмалар белгилайди.[20]

Ҳиндистонда ҳудудларга ягона ёндашув асосида молиявий ёрдам кўрсатиш билан бирга ҳудудларга бир марталик молиявий ёрдам кўрсатиш ҳам амал қилади. Бюджетларида танқислик сезиладиган штатларгагина субсидия ва трансфертлар ажратилади.

Мамлакатимиздаги республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатларда шу нарса характерлики, бунда баъзи ҳудудларда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармаётганлиги ёки пасайиб бораётганлиги оқибатида, уларнинг республика бюджетидан молиявий ёрдам олишга бўлган интилишлари ошиб бормокда, бинобарин, маҳаллий ҳокимият ва тегишли идораларнинг ҳудудда иқтисодий ва солиқ салоҳиятини оширишга бўлган интилишлари умуман сезилмайди ёки кам самара бераяпди.

Бу интилиш янада ачинарли жиҳати шундаки, республика бюджетидан олинаётган молиявий ёрдам суммалари, амалда жонли пул (нақд) кўринишида ажратилади ва иш ҳақи ҳамда шунга ўхшаш харажатларни тўлашга имкон беради. Бу айниқса, ўзаро ҳисоб-китоб ва чала молиялаштиришлар авж олган бир шароитда жуда муҳимдир.

Юқорида келтирилган барча ҳолатлар бюджетларни шакллантириш жараёнини такомиллаштиришни талаб этади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ўзининг мустақил бюджетини тузиб, ижро этиб келмокда. Йилдан-йилга бюджетларни шакллантириш жараёни такомилашиб келмокда. Бу борада Бюджет тизими тўғрисидаги қонуннинг қабул килиниши ва унинг 2001 йилдан кучга киритилиши алоҳида аҳамият касб этиб, бюджет жараёнини такомиллаштириш ва уни жаҳон андозаларига яқинлаштириш бўйича янги давр бошланганлигини кўрсатади.

---

[20] Трунин И. "Межбюджетные трансферты в Российской Федерации". Москва. ТЕИС. 2000.

Солиқ тушумларининг маҳаллий бюджетларга қилинадиган ажратмалар нормативлари ҳар йили иқтисодий вазиятга қараб қайта кўриб чиқилиши, маҳаллий солиқларнинг турлари Солиқ кодекси қабул қилингач қисқартирилиши ва тартибга келтирилиши маҳаллий бюджетларнинг шаклланиш жараёнида мамлакатимиз ўзининг мустақил ва такомиллашган йўлидан бораётганлигини кўрсатмокда.

Бюджет жараёнини шакллантиришга бағишланган классик назарий изланишларда асосий диққат бюджет назорати функциясини самарали тақсимланишига бағишланади (Масгрейв, 1959), кейинги илмий тадқиқот ишларида эса бюджет муносабатлари, иқтисодий ўсиш ва ислоҳотлар ўртасидаги муносабатларга диққат қаратилади. Норт ва Вайнгаст (1989) бозор муносабатларини қўллаб қувватлайдиган бюджет федерализми билан Буюк Британия ва АҚШдаги тез иқтисодий юксалиш тарихий даври билан боғлайдилар. "Бозор иқтисодиётини қўллаб-қувватлайдиган бюджет федерализми" деганда солиқ солишда анчагина ҳуқуқи чекланган, савдо ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришда эса анчагина катта ваколатларга эга марказий ҳукумат учун қонун-қоидалар тўплами деб тушуниш мумкин. Ушбу назарияга кўра солиқ солишдаги чекланиш марказий ҳукумат ваколатларини камситмайди ва тадбиркорликни ривожлантиришда эса маҳаллий ҳукумат органларини интизомли қилиб қўяди. Шу усул билан яратилган рағбатлантиришлар инвестициялар ҳажми ошишига ва иқтисодий ўсиш суръатлари кўтарилишига олиб келади.[21]

Бироқ, мамлакатимизга тегишли бу усуллар ўзининг салбий оқибатларига олиб келиши мумкин. Бундай оқибатлардан бири бу молиялар устидан назорат йўқотилиши ва макроиқтисодий барқарорлик издан чиқишидир. Россияда бундай солиқ-бюджет сиёсати федерал солиқларни йиғишда жуда кескин тўловсизлик муаммоларига олиб келди.

Шу билан биргаликда бюджет муносабатларини ва бюджетларни шакллантиришда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар макроиқтисодий ислоҳотлардан бирмунча орқада қолаётганлиги яққол кўзга ташланмокда. Маҳаллий органлар бюджетлари бюджет

[21] Трунин И. "Межбюджетные трансферты в Российской Федерации". Москва. ТЕИС. 2000.

тизимининг анчагина қисмини қамраб олган бўлсада, бюджет муносабатларининг анчагина қисми марказлашган тарзда кечмокда. Маҳаллий бюджетлар томонидан йиғиладиган солиқлар ва улар томонидан амалга ошириладиган харажатлар параметрлари асосан марказдан қонунлар чиқариш ва қарорлар қабул қилиш йўли билан тартибга солинмокда. Бу ерда макроиқтисодий барқарорлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг энг асосий ғояси ва тамойили – яъни маҳаллий ўзини – ўзи таъминлаш ғоялари ривожланиб қарор топиши учун замин яратилмаяпти. Аксинча, улар боқиманда кайфиятда бўлиб, ўз ҳудудий иқтисодий ва солиқ салоҳиятини оширишга ҳаракат қилмаяптилар.

Солиқларнинг маҳаллий бюджетларга ҳар йили қайта тақсимланадиган нормативлари эса амалдаги эҳтиёжлардан келиб чиқмокда ва илмий жиҳатдан асосланмаган. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг асосий параметрлари, яъни солиққа тортиш базаси, енгилликлари ва солиқ тўловчилари тоифаси, механизми республика марказидан белгиланиб, уларнинг айримларини маҳаллий ҳудудларда йиғиш эса қийин ва самарасиз кечмокда.

Маҳаллий бюджетларни шакллантириш жараёни ўз-ўзидан аёнки, ислоҳотларга муҳтождир. Бизнингча, ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

— маҳаллий органларга кенг даражадаги бюджет ваколатлари берилиши керак. Жумладан, ҳудудий органларга ўзларининг ҳудудида мустақил солиқ-бюджет сиёсатини юргизишга ваколат берилиши ва уларни маблағлар билан таъминланмаган, республикадан юкланган мажбуриятлар юкидан озод этиш керак. Бу амалиёт казначейлик хизматлари тузиш йўли билан таъминланади.

— давлат маҳаллий органларига мустақил солиқ-бюджет сиёсатини юритиш ваколатини бериш билан бирга, уларга ушбу жараён учун жавобгарлик чораларини ҳам ошириб қўйиш керак, зеро улар ушбу жараённи масъулият билан адо этсинлар. Бу нарса масъулиятсизлик билан солиқ-бюджет сиёсати юритган алоҳида раҳбарлар учун жазо чораларини кучайтиришни ва мустақил сиёсатга яроқсиз ҳудудларни вақтинча республика бюджети тасарруфига олиб туриб идора этишни тақозо қилади.

Фикримизча, турли даражадаги ҳукумат органларини бюджет эҳтиёжларини баҳолашнинг норматив усулига ўтиш даркор. Бюджет харажатларини ва трансфертларни ягона нормативлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Республикамизда 2000 йилдан бошлаб харажатларнинг баъзи турларига нормативлар жорий этишга уринишлар бўлди. Лекин бу нормативлар амалда ўзини етарли даражада оқламади ва харажатлар аввалгидай ҳақиқий талабдан келиб чиқиб амалга оширила бошлади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, 5 йилдан кам бўлмаган муддатга бюджет харажатларининг барқарор нормативларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим бўлади:

— **биринчи босқичда,** жон бошига тўғри келадиган даромад (ўзининг ва тартибга солувчи даромад манбаларидан ажратмалар) яъни давлат бюджетининг ҳудуддаги киши бошига тўғри келадиган даромад миқдори аниқланади. Келажакда ҳудудларга молиявий ёрдам ҳисоб-китоб қилинганда уларнинг солиқ салоҳияти ва ундан фойдаланиш даражаси ҳисобга олинади. Шунингдек, ҳудудларнинг молиявий балансларини тузиш ва ялпи солиқ ресурслари ҳисоб-китобини тузишнинг услубини, ҳамда ҳудудларнинг ялпи ички маҳсулотини ҳисоблаш услубини излаб топиш муҳимдир.

— **иккинчи босқичда**, алоҳида ҳудудларнинг бюджет харажатлари индекси аниқланади.

Бюджет харажатлари индекси – ҳудуднинг асосланган бюджет эҳтиёжларининг (киши бошига) барча ҳудудлар бўйича ўртача бюджет эҳтиёжларига нисбатидан иборатдир. Бу индекс алоҳида ҳудудга ўртача кўрсаткичга нисбатан қанча кўп ёки кам бюджет маблағи сарфланиши лозимлигини кўрсатади.

Бюджет нормативлари давлат бюджетининг жорий йилдаги ҳақиқий аҳволидан келиб чиқиб минимал давлат стандартлари ва ижтимоий нормативларга асосланади. Нормативлар ҳудудлар бўйича географик жойлашуви ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиб тафовутланиб туради. Бюджет нормативлари фақатгина молиявий ёрдамни тақсимлаш учун ишлатилади ва бюджет харажатлари таркибига таъсир қилмайди.

— **учинчи босқичда,** ҳар бир субъект бўйича киши бошига ягона бюджет даромади ҳисобланади.

Ҳудудларда ўз даромад манбаларини кўпайтиришга бўлган интилишларни рағбатлантириш механизмини излаб топиш ва тадбиқ этиш зарурдир. Ҳозирда эса бу амалиёт фақатгина маъмурий чоралар билан чекланган, холос.

Юқорида келтирилган барча ҳолатлар бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштиришни талаб этади.

Солиқларни бир маромда йиғиш ва давлатимиз молиявий тизимини барқарорлаштиришни таъминлашда солиқ тўловчиларнинг солиқ интизоми энг муҳим омил ҳисобланади. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларнинг олдини олишни кучайтириш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

— солиқ қонунчилигига риоя этилиши учун зарур шароитларни яратиш, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

— республиканинг барча минтақаларида минтақавий солиқ органлари, солиқ тўловчилар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда солиқ қонунчилиги масалалари бўйича семинар-кенгашлар ўтказиш;

— оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида солиқ қонунчилиги соҳасида аниқланган ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида фаол тушунтириш ишларини олиб бориш;

— рухсат олмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, аниқланган ҳуқуқбузарлар тўғрисида жойларда тушунтириш ишларини ўтказиш;

— солиқ қонунчилигига риоя этилиши, тегишли бюджетларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаш, тўлиқ ва ўз вақтида киритиш бўйича назорат иши тизимини такомиллаштириш;

— солиқ тўловчиларнинг солиқ органларида рўйхатга олинишдан бўйин товлаш фактларининг олдини олиш;

— солиқ жиноятларини содир этган шахсларни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш;

— харидорлар ва сотувчиларнинг хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотларни автоматик равишда таққослаш йўли билан иқтисодиётнинг хуфия секторига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш, тафовутлар аниқланганда — аниқ манзилли текширишларни шакллантириш;

— солиқ қонунчилигини бузишлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ва таҳлил қилиш ҳамда қонун меъёрларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

— барча ташқи савдо операциялари бўйича товар-пул маблағларининг ҳаракати устидан ҳисоб юритиш ҳисобига Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар хорижий

банкларда хорижий валютани рухсат олмасдан сақлаши устидан назоратнинг таъсирчан механизмини ўрнатиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва ташқи иқтисодий алоқалар ҳамда халқаро солиқ муносабатларини солиқлар воситасида тартибга солишнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини ривожлантириш борасида мақсадли тадбирлар ўтказилмоқда.

Халқаро миқёсда икки томонлама солиққа тортиш хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин ва уни бартараф этиш солиқ тизими олдида турган асосий вазифалардан биридир. Шу муносабат билан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш мақсадида ДСҚ томонидан Икки томонлама солиққа тортишга йўл қўймаслик, шунингдек, солиқлар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш бўйича келишувлар амалга оширилди.

Солиқ хизматларининг Давлатлараро ҳамкорлиги бўйича республика солиқ органларининг фаолиятини, халқаро ташкилотлар, банклар, ваколатхоналар билан мувофиқлаштириш амалга оширилмоқда.

Солиқ органлари солиқларнинг турлари ва минтақалар бўйича солиқлар тушуми динамикасини, солиқ қонунчилиги бажарилиши қандай бораётганини доимий таҳлил қилиш билан бирга, бюджетни шакллантириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг меъёрий базасини такомиллаштириш бўйича ўз вақтида ҳамда асосли таклифларни тайёрлаш учун зарур ахборотларни олиб турадилар.

Ушбу фаолият доирасида солиқ органлари қуйидаги асосий функцияларни бажарадилар:

— солиқ сиёсати ва солиқ қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқадилар;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда йўриқномалар, услубий қўлланмалар ва солиқлар ҳамда солиқ солиш, шунингдек давлат солиқ хизмати органлари фаолияти масалаларини тартибга соладиган бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқадилар;

— тегишли органлар билан биргаликда солиқ ҳисоб-китоблари, ҳисоботлар, декларациялар ва солиқлар ҳамда

бюджетга тўланадиган бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар шаклларини ишлаб чиқадилар;

— амалдаги солиқлар ва бошқа тўловларнинг йирик корхоналар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига таъсирини таҳлил қиладилар ва ўрганадилар;

— солиқ солишнинг амалдаги тизимини таҳлил қиладилар ва унинг натижалари бўйича солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга доир таклифлар киритадилар;

— солиқлар ва бошқа тўловларнинг тушуми боришини таҳлил қиладилар, солиқларнинг ўз вақтида тушмаслиги сабабларини аниқлайдилар, солиқлар тушумининг прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш бўйича чоралар кўрадилар;

— текширишлар материалларини умумлаштирадилар ва аниқланган характерли солиқ ҳуқуқ бузилишлари бўйича уларни бартараф этиш ҳамда олдини олишга доир таклифлар тайёрлайдилар.

Амалдаги солиқ тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш солиқ органлари учун муҳимдир.

Солиқ ислоҳотларининг навбатдаги жараёнларида солиқ органлари ходимларининг асосий саъй-ҳаракатлари қуйидагиларга йўналтирилиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига иқтисодиётни ривожлантириш хусусиятларини, шунингдек, солиқ тўловчилар ҳамда давлатнинг манфаатларидан келиб чиқиб ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш. Солиқ кодексини такомиллаштириш устида ишлаганда қуйидагилар назарда тутилади:

— солиқ тўловчиларнинг фаолият шароитларини тенглаштириш;

— солиқларнинг инфляция жараёнларига, фаолиятни ташкил этишнинг ҳуқуқий шаклларига, ишлаб чиқариш циклининг давом этишига нисбатан нейтраллигини таъминлаш;

— иқтисодий фаолиятнинг рағбатлантириш мотивларини бузадиган ва молиявий оқимларнинг йўналишига салбий таъсир қиладиган, солиқ солишдан қочишнинг қонуний шароитларини яратадиган кўп сонли ва тизимга солинмаган солиқ имтиёзларини қисқартириш.

б) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ процессуал кодексини ишлаб чиқиш.

Янги ҳужжатни ишлаб чиқишдан мақсад Солиқ кодекси ва бошқа солиқ солишга доир меъёрий ҳужжатларнинг қоидаларини турлича изоҳлашга йўл қўймаслик, амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг содда ва тушунарли бўлишига эришиш, солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасидаги оралиқни қисқартиришдир.

Кенг таҳлилий фаолият солиқ органларига тушумларни самарали прогнозлаш имконини беради. Солиқ ва тушумларни прогнозлашнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

—умуман, ҳамда ҳудудлар бўйича даромадларнинг асосий турларига доир йиллик тушумларни прогнозлаш;

— даромадларнинг асосий турлари бўйича ойларга бўлинган ҳолда чораклик тушумларни прогнозлаш;

— прогноз ҳисоб-китоблари билан белгиланган даромадларни сафарбар қилиш бўйича чораларни амалга ошириш, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўлиқ йиғилишини таъминлаш.

Даромадларнинг прогнозлари қуйидагилар асосида тузилади:

— ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари таҳлили;

— даромадларнинг ҳар бир тури бўйича солиқ тўловчиларнинг миқдори, имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб ёзилган тўловлар суммалари тўғрисидаги ҳисоб ахбороти;

— амалдаги солиқ ставкалари ва мажбурий тўловларнинг ставкалари;

— прогнозланаётган даврда жорий этишга мўлжалланган янги қонун ҳужжатлари;

— тушумларда белгиловчи аҳамиятга эга бўлган айрим йирик тармоқ уюшмалари ва корпорацияларининг прогноз ҳисоб-китоблари;

— тегишли даражадаги даромаднинг ҳисоб-китоблари;

— тўловлар ёки ўтиш тўловларини тўлаш муддатлари;

— солиқ ва макроиқтисодий статистиканинг ҳисобот маълумотлари;

— ҳисобот давридаги тушумлар ва даврнинг охиригача кутилаётган тушумлар тўғрисидаги маълумотлар.

Солиқ қонунчилигига риоя қилишнинг зарур шартларини таъминлаш, солиқ органлари тизимида солиқ мажбуриятларини

бажаришда солиқ тўловчиларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида республиканинг барча вилоятларида филиаллари бўлган **Республика ахборот-маслаҳат маркази** ташкил қилинган.

Марказнинг мақсад ва вазифалари пуллик-шартнома асосида ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатиш йўли билан тўловчиларни ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган. Қўйилган вазифалар қаторига солиққа оид янгиликлар ва ўзгаришлар бўйича солиқ тўловчиларни мунтазам хабардор қилиб бориш, семинарлар ўтказиш, қисқа муддатли ўқув курслари (жумладан, компьютер саводхонлигини ошириш курслари)ни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоботларини тузиш пайтида ва даромадларни декларациялаш жараёнларида услубий ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш кабилар киради.

Марказга кўпроқ кичик ва ўрта бизнес вакиллари мурожаат қилаётганини ҳисобга олиб, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан бирга улар учун комплекс ўқитиш услубиёти ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, солиқ тўловчилар билан ишлаш ҳамда солиқ сиёсатидаги янгиликларни тарғибот қилишда Давлат солиқ қўмитасининг матбуот хизмати ҳам телеведения ва матбуот орқали ўзининг ҳиссасини қўшиб келаётир.

Давлат солиқ қўмитаси муассислигида республикадаги энг йирик газеталардан бири бўлган "Солиқлар ва божхона хабарлари" ва "Солиқ тўловчининг журнали" иқтисодий журналларда молия ва солиқ сиёсатига оид масалалар кенг ёритилмоқда.

Бозор муносабатлари ривожланиши, тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш натижасида юридик ва жисмоний шахслардан иборат солиқ тўловчилар миқдори кўпая бориши табиий. Шундай экан, солиқ органларида ҳар куни ишланадиган ва таҳлил қилинадиган ахборотлар ҳажми ошиб боради, солиқ инспекцияларига минглаб ҳужжатлар келиб тушади, ҳисобот даврларида эса бу рақам янада кўпаяди, бу эса тизимни замонавий информацион технологиялар билан жиҳозлашни ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил декабрида қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида" 580-сон мувофиқ йўлдош алоқаси асосида солиқ хизматининг

бўлинмалари ўртасида электрон кўринишда солиқ ахборотини айирбошлашнинг корпоратив телекоммуникацион тизими яратилди, тармоқ янада ривожлантирилди.

Давлат солиқ қўмитасида солиққа оид маълумотларга ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизимининг асосий принциплари ва уларни ривожлантириш йўлларини белгилайдиган "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларга ишлов бериш ягона компьютер тизимини ривожлантириш Концепцияси" ишлаб чиқилди ва мақсадли амалга оширилмоқда.

Солиқ тизими учун бошқа давлат ташкилотлари билан ахборот ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Ахборот оқимлари қўшилганда ва уларнинг ўзаро айирбошланишида қўшимча ҳисоб тавсифлари билан солиқ тўловчилар реестрини, солиқ қонунчилигини бузишлар бўйича маълумотларнинг қўшма банкини, юридик ва жисмоний шахслардан солиқ тушумлари борасида давлат бюджетининг шахсий ҳисобваракларидаги ҳаракатлар тўғрисида маълумотлар банкини яратиш ва улардан биргаликда фойдаланиш мумкин бўлади.

Идоралараро ахборот айирбошлашнинг автоматлаштирилган интеграция тизимини яратиш бўйича босқичма-босқич иш олиб борилмоқда. Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан шундай ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ҳозирги вақтда солиққа оид маълумотларга ишлов бериш тизимини такомиллаштириш давом этаётир. У ўз ичига жисмоний шахслар декларацияларига ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш, ҳудудий органларда локал ахборот-ҳисоблаш тармоқларини замонавийлаштириш, корпоратив ахборот тармоғини такомиллаштиришни олади. Солиқ органлари ахборотга ишлов бериш ва уни сақлашнинг ишончлилигини таъминлаш тизимлари билан жиҳозланмоқда. Алоҳида масъулиятли тизимларни эҳтиёт қилиш, ҳисоблаш техникасини электр таъминотидаги узилишлардан ҳимоя қилиш, маълумотларни архивлаштириш бўйича махсус чоралар кўрилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида мулкчиликнинг турли кўринишлари ва шакллари пайдо бўлмоқда. Мулкида давлатнинг иштироки бўлмаган корхоналар ўз сармояларига давлат корхоналарига нисбатан ўзгача муносабатда бўлиши табиий.

Модомики шундай экан, солиқ тизими ходимлари Давлат манфаатларини ҳимоя қилишлари учун ҳар доим ҳам корхоналар фаолиятида ижобий натижаларга дуч келавермайди. Солиқ инспектори кабинетдаги текширишлар билан чекланиб қолмасдан, баъзан жойларда солиқ тўловчи юридик шахсларнинг солиқ интизомига риоя қилиши юзасидан назорат олиб боришлари керак бўлади. Ўз навбатида аудиторлик идоралари маслаҳатларидан фойдаланаган корхона ва фирмаларнинг молия, бухгалтерия ва юридик хизматлари ходимлари билан хизмат юзасидан баҳслашувларга дуч келиши мумкин.

Солиқ хизмати ходимлари молия—солиқ масалаларида юқори малакани эгаллаган бўлиши, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини муфассал билиши, солиқ қонунчилигини шунингдек, ўз ҳуқуқи, мажбуриятлари ва масъулиятини ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билишлари керак бўлади.

Солиқ инспектори ихтисоси ўз ичига камида учта мутахассисликни: молиячи, бухгалтер ва ҳуқуқшуносликни қамраб олган бўлиши керак. Бундай мутахассисларни олий таълим муассасалари илгари амалда тайёрламаган.

Дастлаб солиқ тизими жорий этилган вақтларда соҳани малакали қадрлар билан таъминлаш ҳам муаммо эди. Бунга муаммо турли олий ўқув юртларида курслар, маъруза ва семинарлар туркумларии ташкил этиш билан ҳал этилди. Дарс беришга иқтисодий олий ўқув юртларининг профессор ва ўқитувчилари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш ишини ташкил этиш жараёнида тажриба орттирган амалиётчи ходимлар жалб этилди.

Давр талабидан ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб олий таълим муассасалари жадал киришдилар. Ҳозирги вақтда "Солиқлар, солиқ солиш" ихтисосликлари бўйича мутахассисларни 10 олий ўқув юртлари тайёрламоқда. Ҳар йили уч мингдан ортиқ мутахассис институтлар, ўқув марказлари ва турли курсларда малака оширмоқдалар. Ҳар йили 500 дан ортиқ раҳбар ходим ва мутахассислар олий бўғиндаги солиқ органлари ва хорижда малака оширмоқдалар. Махсус маълумотга ёки солиқ хизматида иш тажрибасига эга бўлмаган, лекин солиқ идораларида ишлашга давогар шахсларни уч ойлик синов муддати билан ишга қабул қилишнинг алоҳида тартиби жорий этилди. Улар иш жойларига

эмас, балки ўқув марказига юборилиб, бу ерда дастлабки уч ой ичида ишлаб чиқаришдан тўлиқ ажраган ҳолда таълим оладилар. Шундан сўнг малака имтиҳонидан ўтказилиб, натижаларга кўра ишга қабул қилинадиган бўлди.

Солиқ органларининг кадрлар хизматлари томонидан кўп йиллар мобайнида тўпланган тажриба мамлакат миқёсида кадрларни шакллантириш ва уларнинг малакасини ошириш муаммосини комплекс равишда ҳал этиш имконини яратди.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида учта ҳарбийлаштирилган солиқ коллежи (Тошкент, Бухоро ва Фарғона шаҳарларида) ташкил этилди. Коллежларнинг курсантлари тўлиқ давлат таъминотида бўлиб, ҳарбий хизмат йилларига ҳисобланадиган уч йиллик таълимни ўтайдилар. Солиқ тизими учун мутахассислар тайёрланаётган бу коллежлар, табиийки, солиқ ва молия ҳуқуқи, бухгалтерия ҳисоби, маркетинг ва менежмент, компьютер технологияси, чет тиллар каби фанларни чуқур ўргатишга мослаштирилган.

Шунингдек, қўмита ҳузурида Солиқ ва божхона органлари академияси ҳам очилди. Академияга бакалаврлар тайёрлаш дастури бўйича тўрт йил давомида ўқитиш учун солиқ ва божхона коллежлари битирувчилари, жадаллаштирилган бир йиллик дастур бўйича қайта тайёрлаш учун олий таълим муассасалари битирувчилари қабул қилинадиган бўлди. Академия базасида солиқ ва божхона органларининг ходимлари учун малака ошириш курслари ташкил этилган бўлиб, уларда уч ойгача муддат билан ўқитилади.

Хуллас, америкалик Дональд Карнейл ва германиялик Леонид Левитин сингари публицистлар **"Ислом Каримов — Янги Ўзбекистон президенти"** рисоласида илк маротаба "Янги Ўзбекистон" атамасини қўллаган эдилар.[22] Аср сўнгида ишлатилган ушбу сиёсий-илмий атама мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлардан, жумладан, молия ва солиқ сиёсатининг муштарак мақсадга — Ўзбекистонни кучли давлат ва жамиятга эга илғор минтақавий мамлакатга айлантиришдек умуммиллий эзгу ниятдан далолат беради. Солиқлар эса, худди қадим тарихдаги сингари, мамлакат сиёсий, иқтисодий ва

[22] Левитин Л. "Ислом Каримов — Янги Ўзбекистон президенти". Тошкент, "Ўзбекистон", 1996.

маданий равнақининг негизи бўлиб қолаверади. Бинобарин, Ўзбекистон солиқ сиёсати етук дунёвий давлат эҳтиёжларига жавоб бера оладиган, жаҳоннинг тамомила янги техника ва технологиялари қаторида янгича ишлаб чиқариш муносабатларини ўргана биладиган, мураккаб ва ранг-баранг ижтимоий муносабатларда фаол иштирок этадиган тадбиркорлар синфини яратишга қаратилгандир. Айни маҳалда солиқлар ҳам давлатнинг ўз фуқароларига нисбатан қабул қилган қарорлари орасида яққоллиги, мунтазамлиги ва барқарорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Янги асрда Ўзбекистонда солиқ сиёсати асосан икки йўналишда ривожланади: **биринчидан**, юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг мунтазам фоизлари аниқланади, белгиланади ва уларга риоя этилишини таъминлашга қаратилган йўналиш ривожланади, **иккинчидан**, Ўзбекистон минтақаларининг иқтисодий имкониятларидан келиб чиқилган минтақавий солиқ сиёсати йўналиши такомиллаштирилади. Ташқи жиҳатдан бир-бирига зиддек туюлган ушбу вазифалар аслида муштарак мақсадга, яъни улкан иқтисодий имкониятлар ва бой табиий ресурсларга эга янги мустақил давлатда аҳолининг муносиб кун кечиришига, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги, чегаралари осойишталиги ва дахлсизлигига, жамиятда инсон ҳуқуқлари ҳимояси таъминланишига қаратилгандир.

ИККИНЧИ БЎЛИМ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР

1. Солиқ тизими нима?
2. Сизнингча, "молия ҳуқуқи" ва "солиқ ҳуқуқи" муносабатларида қайси бири бирламчи?
3. Солиқ сиёсатини шакллантиришнинг асосий омилларини айтинг.
4. Бевосита солиқлар билвосита солиқлардан қандай фарқланади?
5. Юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар замонавий давлатнинг мавжуд бўлишида асосий манбадир. Шу таъкид тўғрими?
6. Даромад солиғи кимлардан ва қай тарзда ундирилади?
7. "Солиқ объекти" ва "солиқ тўловчи"нинг фарқини таърифлаб беринг?
8. Солиқларнинг асосий функцияларини санаб беринг.
9. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими қайси орган томонидан таъсис этилган?
10. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси қачон амалга киритилган?
11. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини санаб беринг.

Учинчи бўлим

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРДА СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Солиқлар — бозор иқтисодиётининг энг муҳим воситаси бўлгани учун ҳам ғарбдаги юксак даражада ривожланган мамлакатлар хўжаликларини бошқаришда улардан фойдаланиш тажрибаси Биз учун ҳам қизиқарлидир. Янги солиқлар жорий этиб, қайсидир олдинги солиқлар ва йиғимларни бекор қилиб, ставкаларни ошириб ёки пасайтириб, бошқа воситалардан фойдаланиб, давлат, фақат ўз миллий бюджетини шакллантирмайди, балки жамиятда тегишли иқтисодий, ахлоқий ва сиёсий вазиятни, фуқароларнинг меҳнат фаоллигини рағбатлантирувчи муҳит яратади ва мана шу маънода солиқлар мамлакатнинг фаровонликка эришиши учун замин ёки бу йўлда унга тўсиқ хизматини ўташи мумкин.

Жаҳондаги айрим мамлакатларнинг солиқ тизими турли шароитларда шаклланган. Фақат XX аср ўрталаридагина солиқ солиш тизими ривожланишда урушдан сўнгги иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ бўлган умумий қонуниятлар пайдо бўла бошлади. Юқори даражадаги давлат харажатлари ўша вақтларда табиий суратда катта ҳажмдаги солиқларни юзага келтирган. Бундан ташқари, ҳатто Европа Мамлакатлари Ҳамдўстлигида (ЕМҲ) ҳам солиқ солишнинг жуда ҳам мураккаб ва кўпқиррали тизимлари амалда қўлланилган бўлиб, солиқларнинг аҳамиятлилиги турли мамлакатларда турлича бўлган. Масалан, Францияда билвосита солиқларнинг бюджет даромадларидаги ҳиссаси 62,7%ни, Нидерландияда эса фақат 41,3%ни ташкил қилади.

Шуни айтиш керакки, давлат молиявий ресурсларини марказий ва маҳаллий органлар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизми, ҳокимиятнинг ҳар бир даражаси ихтиёридаги солиқ кўламлари, уларнинг бажараётган вазифалари ва автономия тамойиллари мамлакатнинг конституцион тузилишига қараб белгиланади. Мамлакатларда ҳокимиятнинг табақаланишига қараб солиқ тизими ҳам икки ёки уч поғонали бўлиши мумкин. Масалан, федерацияларга бўлинган мамлакатларда (АҚШ, Германия, Канадада) солиқ сиёсати уч поғонада — федерал органлар, регионал органлар (штатлар,

департаментлар, заминлар ва шу кабилар) даражасида, ва ҳокимиятнинг маҳаллий органлари (муниципалитет, графликлар, коммуналар ва бошқалар) даражасида амалга оширилади. Федератив бўлинмаларга эга бўлмаган давлатлар (Франция, Япония ва шу кабилар)да умумдавлат ва маҳаллий соликларга асосланган икки поғонали солиқ тизими мавжуд.[23]

Ўзбекистон Республикасида умумдавлат ва маҳаллий бюджетларга асосланган икки поғонали давлат бюджети тизими шаклланган. Республика фаолиятининг бозор муносабатлари шароитида солиқлар, йиғимлар ва бюджетнинг бошқа даромад манбаларини бошқариш тизими ўзгармоқда. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тўғрисидаги қонуний актлар қабул қилиниши билан ҳокимиятнинг маҳаллий органларини молиявий таъминлаш муаммоси, айниқса, алоҳида қизиқиш уйғотади.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тегишли ҳудудий бирликлар (шаҳарлар, туманлар, графликлар, штатлар, ерлар ва шу кабилар) муҳим роль ўйнайди. Маҳаллий бюджетлардан транспорт, сув ва газ таъминотини ривожлантиришга, мактаблар, касалхоналар, ижтимоий инфратузилмалар ва қатор бошқа объектлар қурилишига пул ажратилади. Шаҳарларни қайта қуриш, йўллар ва паркларни ободонлаштиришга, коммунал ва жорий қурилишларга сарфланган харажатлар қопланади. Бундан ташқари, маҳаллий маъмурият органлари, полиция ва суд ҳам маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

Ҳукумат маҳаллий органлари бюджетининг даромад қисми асосан солиқ тушумидан (Японияда 30%, Францияда 54%, АҚШда 65%) ва шунингдек, марказий бюджетлар субсидиялари ва дотациялардан ташкил топади. Масалан, АҚШда штат бюджетидан ҳокимият маҳаллий органларига тушадиган субсидиялар улар даромадларининг 33%ни, федерал бюджетдан тушадиган дотациялар 7%ни ташкил қилади. ГФР заминлари (земеллари) даромадларининг умумий суммасида давлат субсидиялари 26%ни ташкил қилади. Францияда марказий бюджетдан келадиган пуллар ҳокимият маҳаллий органлари даромадларининг тахминан 30%ни таъминлайди.

---

[23] Трунин И. "Межбюджетные трансферты в Российской Федерации". Москва. ТЕИС. 2000.

Хорижий давлатларнинг аксарияти учун тўғридан-тўғри ва билвосита маҳаллий солиқларнинг кўплиги (умуман мамлакатлар бўйича 100 тургача) ўзига хос хусусиятдир. Фақатгина Буюк Британияда маҳаллий бюджетлар даромадига солиқлар келиб тушиши манбаи биттагина солиқ — жон бошига солинадиган солиқдир. Жон бошига солинадиган солиқ — ягона универсал солиқ бўлиб, уни 18 ёшга етган барча фуқаро тўлайди. Аслида бу муниципалитетлар даражасидаги даромад солиғидир. У хазинага тушадиган даромаднинг учдан бирини беради.

Маҳаллий солиқ солиш тизими хилма-хил бўлиши билан бирга, бизнинг давлатимизда ҳам асосланган ўзига хос солиқ сиёсатини амалга ошириш учун имконият берувчи бир қатор солиқлар мавжуд. Булар ҳуқуқий ва жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқлар (АҚШ, ГФР ва Франциядаги жисмоний шахслардан ва корпорациялардан олинадиган даромад солиқлари, Буюк Британиядаги жон бошидан олинадиган солиқ, меросдан олинадиган солиқ), мол-мулкдан ва ердан олинадиган солиқлар (АҚШдаги мол-мулкдан олинадиган солиқ, ГФР ва Франциядаги ер солиғи; қурилишлардан олинадиган ер солиғи ва Франциядаги уй-жой солиғи), ресурслардан олинадиган солиқлар (бизда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ), товарлар қийматларига қўйиладиган солиқлар (АҚШда товар сотишдан олинадиган солиқ; ГФР ва Франциядаги қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС); бензин, тамаки, спиртли ичимликлар нархларига қўшиладиган акцизлар), турли хил йиғимлар ва тўловлар (автомобиль учун, машиналарни бўяш учун, ресторанлар, кўнгилочар томошалар учун, овчилик, атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун, итлар учун, турли хил лицензиялар ва ҳужжатлар бериш учун) каби солиқлар ана шу солиқлар жумласидандир.

Маҳаллий органлар автономияси молиявий асосини мулкдан олинадиган солиқ ташкил этади. Уларни йиғиш ва олинган маблағларни сарфлаш фақат маҳаллий даражада амалга оширилади. Бу солиқлар солинадиган объектларга қуйидагилар киради: ер, қурилишлар (саноат ва уй-жой қурилишлари) ва кўчмас мулкнинг бошқа турларидир. Солиқ солишнинг манбаи деярли барча мамлакатларда **мулкнинг баҳо қийматидир.** Мулкдан олинадиган солиқни ундириш ёки солиқ олмаслик

ўзини-ўзи бошқарувчи маҳаллий органлар қонунчилиги бўйича амалга ошуви сабабли, солиқнинг ставкалари турлича бўлади ва мулк қийматига қараб фоизларда, шунингдек, мулк қиймати бирлигидан қатъий миқдор сифатида белгиланади. Мулк камдан-кам қайта баҳоланиши (ўртача 10 йилда 1 марта) муносабати билан ҳам мулкка солинадиган солиқ молиявий сиёсатнинг ўзига хос асосий қуроли эмас.

Ҳокимиятнинг маҳаллий органлари даражасида энг фискал аҳамиятга эга солиқ — савдодан олинадиган солиқдир. Масалан, АҚШда маҳаллий ҳокимиятларнинг барча солиқ тушумларидан тахминан 32%и солиқнинг ушбу турига тўғри келади. Солиқни йиғиш штатлар даражасида 3%дан 7%гача ставкада амалга оширилади. АҚШ қонунчилиги бўйича савдо солиқлари объекти фақатгина товар айланишининг ҳар бир босқичида олинган ялпи пул эмас, балки аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича тушган пул ҳамдир. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳаси ўсиши шароитида штатлар ва муниципалитетларнинг **солиқ солиш базаларини бирмунча кенгайтиради.**

АҚШ муниципалитетлари жойлашган штатнинг қонунлари томонидан ижозат берилганда, улар чакана савдоларга ҳам ўз солиқларини белгилашлари мумкин. ғарб мутахассисларининг фикрича, ҳар бир даражадаги солиқлар тизимларининг шаклланиши ўз солиқларини киритиш йўли билан ҳам, биргаликда олинадиган солиқларни бўлиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Масалан, ГФРда амалдаги қонунда федерация ва жамоалар даражасида бир хил солиқларни олишга йўл қўйилмайди, яъни жойларда фақат федерал бюджетга ўхшаш бўлмаган солиқлар олиниши мумкин.

Бир қатор мамлакатларда маҳаллий солиқлар марказий ҳукумат солиқларига қўшимча солиқлар сифатида солинади. Улар ҳокимиятнинг маҳаллий органлари ҳудудларида йиғиладиган давлат солиқларига маълум фоизда белгиланади. Масалан, Италияда маҳаллий бюджетларга ер ва қишлоқ хўжалиги солиқлари бўйича йиғимларнинг бир қисмигина тушади. АҚШ, ГФР ва Францияда маҳаллий орган ҳокимиятига даромад солиғини (жисмоний шахс ва компаниялардан) йиғиш ва қўшилган қиймат солиғини (ГФР ва Францияда) йиғиш вазифаси юклатилган, шу билан бирга йиғилган пулларни давлат бюджетига топширишда молия маблағларининг маълум фоизи

жойларда қолдирилади ва улардан маҳаллий муаммоларни ҳал этиш учун фойдаланилади.

Кейинги йилларда жаҳондаги ривожланган мамлакатларда ҳокимиятнинг иш юритишида маҳаллий органларнинг роли анча ошганлиги ва бу турли қонунларда ўз аксини топганлиги маълум. Масалан, Америка федерацияси, штатлар федерал ҳокимиятларининг ва ҳокимият маҳаллий органларининг фаолият доираларини кескин равишда чегаралаш принципига асосланади. Ҳокимият маҳаллий органлари АҚШда солиқ-бюджет сиёсатини юргизишда мустақил бўлиб, солиқлар ва йиғимлар жорий этиш бўйича кенг ҳуқуқларга эгадирлар. Маҳаллий бюджетлар федерал бюджет таркибига кирмайди ва мамлакатда ягона умумдавлат бюджети йўқ.

Ғарб мамлакатларидаги маҳаллий ҳокимиятлар, маҳаллий солиқ сиёсати давлатнинг молия сиёсатига қарши бормайди. Аксинча, маҳаллий бошқарув органлари мустақиллигининг кенгайиши, мамлакат молия тизимининг равнақи йўлида хизмат қилади, марказий бюджет маблағларини бошқа томонга тортмасдан регионал ва маҳаллий даражадаги иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Федерал солиқлар — федерал бюджетларнинг даромад манбаидир. Федерал бюджети — бу давлат тузумининг федератив шаклига эга бўлган давлатлардаги марказий ҳукумат бюджетидир. Федератив давлатнинг бюджет системаси уч қисмга эга: федерал бюджети, федерация планлари бюджети (АҚШда — штатлар, ГФРда ерлар, Канадада — провинциялар, Швецарияда — кантонлар) ва маҳаллий ҳокимият органлари бюджетларидан иборатдир. Юқорида айтиб ўтилганидек, бюджет тизимининг барча бўлимлари расмий жиҳатдан мустақил ва улар федерал бюджетга кирмайди. Федерал бюджетга энг муҳим даромадлар ва харажатлар бириктириб қўйилади.

Масалан, АҚШда федерал бюджет даромадларига энг муҳим тўғридан-тўғри солиқлар (шахсий даромад солиғи, корпорацияларнинг фойдаларига солинадиган солиқ, ижтимоий суғуртага солинадиган бадаллар, мерослардан ва тортиқлардан олинадиган солиқлар), бир қатор билвосита солиқлар (спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, бензин, божхона тўловларидан олинадиган солиқлар) киради. ГФРда федерал бюджет даромадларига бир қатор йирик солиқлар киради,

Жумладан, тўғридан-тўғри солиқлар таркибида — иш ҳақига солинадиган солиқ (40%дан кўпроқ), корпорация солиғи (50%), билвосита солиқлар — қўшилган қиймат солиғи (66—67%), импорт оборотидан олинадиган солиқлар бор. Бундан ташқари, федерал бюджетга 10 дан ортиқ индивидуал акцизлар тўлиқ бириктирилган бўлиб, уларнинг энг муҳимлари — тамакига, ёқилғига, винога, кофега, қандга солиқлар, божҳона тўловлари ва баъзи бир бошқа солиқлардир.

Жаҳоннинг иқтисодиёти ривожланган мамлакатларида энг кўп тарқалган айрим солиқларга қисқача тавсиф берамиз.

Қўшилган қиймат солиғи — Европа Иқтисодий Иттифоқи мамлакатларида, шунингдек, Швецияда, Австрияда ва жаҳондаги иқтисодий ривожланган баъзи бир бошқа мамлакатларда қўлланиладиган товар ва хизмат кўрсатиш учун солинадиган билвосита солиқлардан иборатдир. Бу солиқ тури биринчи бўлиб 1954 йилда Францияда амалга киритилган. 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб эса, Европа иқтисодий бирлашмаси аъзолари бўлган мамлакатларда солиқ солишнинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ базаси — товар ишлаб чиқариш ва уни сотишнинг ҳар бир босқичида қўшилган қийматдир. Солиқ солинадиган объектда товарларни сотишдан ёки кўрсатилган хизматдан тушган пулнинг ҳаммаси эмас, балки товар ишлаб чиқаришда ва уни сотишдаги ҳар бир босқичга қўшилган қийматгина (маош, унга қўшиб ёзилган устама, амортизация, фойда) киритилади. Солиқ ставкаси сотилган товарлар ёки кўрсатилган хизматларнинг (олдинги бўғинда тўланган солиқ бунга кирмайди), умумий қийматидан олинадиган солиққа тенгдир. Бюджетга мунтазам равишда маблағ келиб тушиши натижасида ва қўшилган қиймат солиғининг универсаллиги — энг самарали фискал қуроллардан бири. Унинг ҳиссасига Францияда биринчи билвосита солиқларнинг 80%га яқини, Буюк Британия ва ГФРда эса 50%дан кўпроғи тўғри келади. Бу солиқнинг кенг тарқалганлигига сабаб, инфляция шароитида бюджетга маблағларни жалб этилишининг нисбатан юксак самарадорлиги ва ишлаб чиқаришни назорат қилиш учун фойдаланиш, шунингдек, нархларни, инвестицияларни тартибга солиш имконияти кенглигидир. Бундан ташқари, қўшилган қиймат солиғи иқтисодиётни тартибга солиш ва ғарбий Европа мамлакатларининг иқтисодий интеграцияси воситасидир. Давлат

экспортини қўшилган қиймат солиғидан озод қилиб, уни рағбатлантириш эса айни муддаодир.

Европа Иқтисодий Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда қўшилган қиймат солиғи — билвосита солиқнинг миллий тизимини бир шаклга келтириш (Рим шартномасига асосан) ва Европа Иқтисодий Ҳамдўстлиги мамлакатлари бюджетининг ягона даромад базасини яратиш мақсадида қўлланилади. ЕИҲнинг асосий даромад манбаи 1975 йилдан бери қўшилган қиймат солиғидан — аъзо мамлакатлар ҳар бири йиғимининг 1% миқдорида (1986 йилдан бошлаб 1,4% миқдорида) тушган маблағдир. Қўшилган қиймат солиғини тўла-тўкис бир шаклга келтиришга ЕИҲ аъзолари бўлган турли мамлакатлардаги жорий ставкалар даражаси бир хил эмаслиги ва имтиёзлар тизими турлича бўлганлиги тўсқинлик қилади. Ҳозирги вақтда қўшилган қиймат солиғи ҳамдўстлик мамлакатлари солиқ сиёсатини уйғунлаштириш намуналаридан бири сифатида мисол бўлиши мумкин. 1991 йилнинг ёзида деярли барча ЕИҲ аъзолари (Буюк Британия бундан мустасно) ҚҚСнинг минимал норматив ставкасини 15% этиб белгилаш зарурлигига розилик билдирдилар. Бу вақтга қадар ҚҚСнинг тавсия қилинган ставкаси 9-19% оралиғида (пасайтирилганлиги 4—9%) белгиланган. Бироқ, бизнингча, ҚҚС ставкалари катталиги масаласи бўйича якдил келишувга эришилганига қарамасдан, уйғунлашув жараёни ҳақида гапиришга ҳали эрта. Ижтимоий жиҳатдан бошқа билвосита солиқларга нисбатан диапазони кенглиги ва юқори ставкалари билан (агар Буюк Британияда ва Испанияда ҚҚСнинг нормал ставкаси 15%, ГФРда 14%ни ташкил қилса, Францияда ставка 18.6%, Италияда 19%, Данияда эса ҳатто 25%ни ташкил қилади) аҳоли турмуш даражасининг ошувига олиб келмоқда дейиш мумкин. Худди мана шундай жараёнлар, шунга ўхшаш солиқлардан кенг фойдаланаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида (шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам) айниқса сезиларли бўлмоқда.

Пул капиталларидан олинадиган даромадларга солинадиган солиқлар баъзи ривожланган мамлакатларда, масалан, Австрия, Канада, Испания ва Францияда мавжуд. Бундай солиқлар дивидентларга, акция ва облигациялардан олинадиган фоизларга, банкка қўйилган пуллардан олинадиган фоизларга, заёмлардан олинган ютуқларга ва баъзи бошқа даромадларга солинади.

Корпорациялар даромадига солинадиган солиқ объекти солиқ қонунчилиги томонидан белгиланган чегирмалардан ташқари компанияларнинг ялпи фойдаларига тенгдир. Чегирмаларга — ишлаб чиқариш, тижорат, транспортга оид харажатлар, қарзлар бўйича фоизлар, зарарлар, реклама, илмий-тадқиқот харажатлари, шунингдек, дивидендлар киради.

Қонунларга мувофиқ турли хил имтиёзлар ва чегирмалар берилади. Ривожланган мамлакатларда кўпинча олдин тўланган солиқларни қайтариб бериш, солиқ қарзларини бекор қилиш, солиқ тўловчиларнинг айрим гуруҳларини солиқдан озод қилиш кўзда тутилади. Солиқ солинишида йирик монополиялар катта имтиёзларга эгадирлар. Акциядорлик жамиятлари, суғурта компаниялари, банк монополияларининг даромадларидан оладиган чегирма ва сийловларнинг умумий миқдори 40—60%га етади. Компаниялар учун, уларни фойдадан ундириладиган солиқлардан озод қилувчи бир қатор имтиёзлар мавжуд: фойда ҳисобига турли хил солиқдан озод қилинувчи фондлар (резерв фондлари, нафақа ва хайрия фондлари ва бошқа фондлар) ташкил қилиш; ишга оид чиқимларни даромадлар ҳисобидан чиқариш; менежерларга юқори маошлар тўлаш; активларни қайта баҳолаш; фойдани имтиёзли солиқ режимига мувофиқ бошқа мамлакатларга ўтказиш ва бошқалар.

Натижада корпорациялар даромадига солинадиган солиқлар нисбатан қисқариш майлига эга. Кейинги 20 йил ичида АҚШ марказий ҳукуматининг бюджети даромадларида бу солиқларнинг салмоғи 21,8%дан 9,9%га, Буюк Британияда эса 11,9%дан 6,2%га пасайди.

Энг муҳим воситалардан бири дивидендлар тўловларига солиқ солинишидир. Одатда бу солиқни тўлаш акционернинг юридик шахслигига, резидентлигига (мамлакатда мунтазам яшовчиларга) ёки хорижий фуқаро эканлигига боғликдир. Дивидендларга солиқ солишга ёндошишнинг аҳамияти жуда катта, чунки улар кўп ҳолатларда капиталнинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтиб кетишида имкон яратиши мумкин.

Кўп мамлакатларда фойда солиқлари яна маҳаллий тўғридан-тўғри солиқлар билан ҳам тўлдирилади. Масалан, Италияда, бу ставкаларнинг ўта мураккаб тизимлари бўйича олинадиган маҳаллий солиқ (янги белгиланган нархнинг 5%идан ошмаган миқдорда) бўлиши лозим.

Корпорациялар даромадига солинадиган солиқ объекти солиқ қонунчилиги томонидан белгиланган чегирмалардан ташқари компанияларнинг ялпи фойдаларига тенгдир. Чегирмаларга — ишлаб чиқариш, тижорат, транспортга оид харажатлар, қарзлар бўйича фоизлар, зарарлар, реклама, илмий-тадқиқот харажатлари, шунингдек, дивидендлар киради.

Қонунларга мувофиқ турли хил имтиёзлар ва чегирмалар берилади. Ривожланган мамлакатларда кўпинча олдин тўланган солиқларни қайтариб бериш, солиқ қарзларини бекор қилиш, солиқ тўловчиларнинг айрим гуруҳларини солиқдан озод қилиш кўзда тутилади. Солиқ солинишида йирик монополиялар катта имтиёзларга эгадирлар. Акциядорлик жамиятлари, суғурта компаниялари, банк монополияларининг даромадларидан оладиган чегирма ва сийловларнинг умумий миқдори 40—60%га етади. Компаниялар учун, уларни фойдадан ундириладиган солиқлардан озод қилувчи бир қатор имтиёзлар мавжуд: фойда ҳисобига турли хил солиқдан озод қилинувчи фондлар (резерв фондлари, нафақа ва хайрия фондлари ва бошқа фондлар) ташкил қилиш; ишга оид чиқимларни даромадлар ҳисобидан чиқариш; менежерларга юқори маошлар тўлаш; активларни қайта баҳолаш; фойдани имтиёзли солиқ режимига мувофиқ бошқа мамлакатларга ўтказиш ва бошқалар.

Натижада корпорациялар даромадига солинадиган солиқлар нисбатан қисқариш майлига эга. Кейинги 20 йил ичида АҚШ марказий ҳукуматининг бюджети даромадларида бу солиқларнинг салмоғи 21,8%дан 9,9%га, Буюк Британияда эса 11,9%дан 6,2%га пасайди.

Энг муҳим воситалардан бири дивидендлар тўловларига солиқ солинишидир. Одатда бу солиқни тўлаш акционернинг юридик шахслигига, резидентлигига (мамлакатда мунтазам яшовчиларга) ёки хорижий фуқаро эканлигига боғликдир. Дивидендларга солиқ солишга ёндошишнинг аҳамияти жуда катта, чунки улар кўп ҳолатларда капиталнинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтиб кетишида имкон яратиши мумкин.

Кўп мамлакатларда фойда солиқлари яна маҳаллий тўғридан-тўғри солиқлар билан ҳам тўлдирилади. Масалан, Италияда, бу ставкаларнинг ўта мураккаб тизимлари бўйича олинадиган маҳаллий солиқ (янги белгиланган нархнинг 5%идан ошмаган миқдорда) бўлиши лозим.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи фойдадан олинадиган солиқ билан узвий боғланган. Анъанага мувофиқ, даромад солиғи фойдадан олинадиган солиққа нисбатан ишлаб чиқаришни жойлаштиришга, у ёки бу инвестицияга оид стратегиялар ишлаб чиқилишига унчалик кўп таъсир кўрсатмайди деб ҳисобланган. Бироқ, ишчи кучининг ягона бозори шаклланаётган пайтда, барча чеклашлар олиб ташланган ҳозирги тизимда, айниқса, даромад солиғининг максимал ставкаларидаги тафовутлар муҳимлашиб бормоқда.

Корпорациялар штаб-квартираларини жойлаштиришга, шунингдек, илмий-тадқиқот марказларини, юқори малакали ва катта маош тўланадиган ишчи кучидан фойдаланувчи корхоналарни жойлаштиришга катта таъсир кўрсатиши мумкин. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқлари ставкаларини таққослаш, даромаддан олинадиган солиқларни таҳлил қилиш янада мураккаброқ вазифадир. Асосий муаммо шундаки, Европа Ҳамдўстлиги мамлакатларининг барчасида прогрессив характеристикаси бутунлай бир-бирига ўхшамаган, солиқнинг турли хил базаларга ва максимал ставкаларга эга даромад солиғининг прогрессив ставкалар тизими қўлланилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқ — Европа Ҳамдўстлиги фуқароларидан олинадиган солиқ бошқа солиқлар каби улар яшаган мамлакатларда олиниши шарт. Ким резидент деб ҳисобланиши ва ким норезидент деб ҳисобланиши мезони — унинг мамлакат ҳудудида бўлиши муддатидир. Масалан, Францияда шу мамлакатда ярим йилдан ортиқ вақт яшаган одам резидент деб ҳисобланади.

Европанинг ягона солиқ майдони нуқтаи назаридан хорижда олинадиган даромадни солиққа тортиш алоҳида қизиқиш туғдиради. Хорижда олинадиган даромадга қўлланиладиган солиқнинг иккита асосий тамойили мавжуд:

1) **ҳудудий тамойил** (Францияда қўлланилади): даромадга солинадиган солиқ даромад манбаига қараб турли ставкалар бўйича амалга оширилади. Ўзининг асл кўринишида бу тамойил фақат мамлакат ичидаги манбалардан олинадиган даромадга солиқ солишни назарда тутади, айни бир вақтда чет элда олинган даромадлар солиқдан озод қилинади;

2) **резидентлик тамойили**: солиқлар ставкаси даромад олиш манбаига боғлиқ бўлмайди.

Бу тамойил деярли барча мамлакатлар томонидан қўлланилади ва натижада бир даромадга аввал у олинаётган мамлакатда, кейин эса даромад олувчининг ўз мамлакатида солиқ солинади. Икки карра солиқ ундирилишининг олдини олиш мақсадида Европа Ҳамжамиятига аъзо бўлган кўп мамлакатларда хорижда тўланган солиқлар мамлакатнинг ўзидаги ҳисоб-китоб жараёнида эътиборга олинади.

Капиталнинг ортиб борищига солинадиган солиқ бир талай саноати ривожланган компанияларда амалда қўлланилмокда. Кўпчилик мамлакатларда бу солиқ ўсиш жараёнида эмас, балки унинг амалга оширилиш пайтида (масалан, акциялар сотилган пайтдан кейин) ундирилади. Бу солиқлар мулкдан фойдаланишнинг барча шаклларидан: сотиш, алмаштириш, тортиқ қилиш ва бошқалар — жисмоний шахслардан қандай олинса, юридик шахслардан ҳам шундай олинади. Белгия ва Францияда мазкур солиқ фойдадан олинадиган солиқнинг одатдаги ставкасига нисбатан камайтирилган ставка бўйича олинади. Буюк Британияда капиталнинг ўсиб боришига солинадиган солиқ ставкаси жисмоний шахслар учун 30%га яқинни ташкил қилади. Белгия, Германия, Нидерландия ва Италияда узоқ муддатга қўйилган маблағлардан капитал ўсгани учун фуқаролардан солиқ умуман олинмайди. Тўғри, масалан, Италияда мулкдан фойдаланишдан тушган даромадларга солиқлар, даромадлар олибсотарлик ва тижорат операциялари натижасида пайдо бўлган ҳоллардагина солинади. Капитал ўсишининг ўзига хос шакли валюта курси ўзгарганда фойда олишдан иборатдир. Одатда, бундай даромадларга фойдага солинадиган солиқ ставкаси бўйича солиқ солинади, бироқ баъзи мамлакатларда бундай солиқ қўлланилмайди. Масалан, Буюк Британияда қатор ҳолларда валюта курси ўзгариши туфайли даромаднинг ўзгариши баъзи молиявий натижаларнинг бирор тури деб ҳисобланмайди. Фойдага солинадиган солиқ жаҳондаги ривожланган мамлакатлардаги олдинги даврда маълум ўртача ҳажмдан ошадиган юридик (корпорациялар) ва жисмоний шахслар даромадининг бир қисмига солинадиган солиқдир. Бу солиқ, одатда, давлат жиддий инқирозга учраганида, шунингдек, асосан урушлар ва кескин инқироз ҳоллари, монополиялар даромади кескин ўсганида, фавқулоддаги чоралар сифатида қўлланилади. Бундай солиқ биринчи марта Буюк Британияда

(1915 йил) ва Чор Россиясида (1916 йил)да қўлланилган. Қатор мамлакатларда (Буюк Британия, АҚШ, Германия, Япония) Иккинчи жаҳон уруши йилларида, АҚШда Корея уруши даврида, Буюк Британияда узоқ муддатли молия дастурини маблағ билан таъминлаш даврида қўлланилган.

Мазкур солиқ икки усул билан — **фоиз ва меъёр** усуллари билан ҳисоблаб чиқилади. Биринчи усулда солиқ ставкаси капиталга нисбатан маълум фоизда, масалан, Буюк Британияда Иккинчи жаҳон уруши йилларида бу ставка 6 фоиз заёмли капитални, 1951—1954 йилларда эса — 10 фоиз акциядорлик капиталини ташкил қилди. Меъёр олдинги бир неча йил (одатда 3—4 йил) да олинган ўртача (нормал) даромаддан ошиб кетадиган фойданинг бир қисмига ставка фоизи билан белгиланган. Барча давлатларда мазкур солиқнинг юқори ставкалари қўлланилган: АҚШда 1943—1945 йилларда улар қўшимча фойданинг 80 фоизига, Буюк Британияда 1939—1945 йилларда 100 фоизга етган.

Қимматли қоғозларга нисбатан солиқлар қуйидаги ҳолатларда қўлланилади: 1) акциядорлик компанияларидан олинадиган эмиссия акцияларига, облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга солинадиган солиқлар. Ставкалар, одатда, қимматли қоғоз турига қараб белгиланади; 2) биржа битимларига солинадиган солиқ. Бу мулк ҳуқуқининг қимматли қоғозларга ўтишида қўлланилади. Масалан, ГФРда битим тузилган кундаги бозор нархига ёки номинал нархга нисбатан фоизда белгиланган ставкалар бўйича қимматли қоғозлар сотиб олинганда тузиладиган биржа битимлари бўйича оборотдан олинадиган солиқлар мавжуд.

Меросдан ва ҳадя (тортиқ)дан олинадиган солиқ — мерос ҳуқуқи бўйича ёки тортиқ шаклида бири-бирига берадиган тортиқ сифатида бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ўтадиган жисмоний ёки юридик шахснинг кўчар ва кўчмас мулкдан олинадиган солиқ тури ҳам мавжуддир. Баъзи мамлакатларда (АҚШда, Буюк Британияда) иккита солиқ — мерос солиғи ва ҳадя солиғи мавжуд, бошқа мамлакатларда, масалан, ГФРда мерос ва ҳадядан олинадиган солиқ жорий этилган. Солиқ мерос ва тортиқнинг бутун қийматига (АҚШ, Буюк Британияда) ёки мулкни олувчиларнинг ҳар бири ҳиссасига солинади (ГФР, Франция). Солиқ ставкалари ўсувчан (прогрессив) бўлиб, уларнинг ҳажми мулкнинг бозор нархига боғлиқ, баъзида эса

мерос эгаси ва мерос олувчининг қариндошлик даражасига боғлиқ бўлади. Буюк Британияда тортиқлардан олинадиган солиқнинг ставкаси 5%дан 30%гача, меросдан олинадиган солиқнинг ставкаси 30 %дан 60%гача. ГФРда мерос ва тортиқ қариндошлик даражасига қараб (тўртта солиқ гуруҳи) ва мулкнинг катта ва кичиклигига қараб солиқ солинади ҳамда қуйидаги миқдорни ташкил қилади: 1-гуруҳ учун 3—35%; 2-гуруҳ учун 6—50%; 3-гуруҳ учун 11—65%; 4-гуруҳ учун 20—70%ни. Солиқ ставкаси нисбатан баланд бўлишига қарамасдан, ундан келадиган маблағ тушуми унча катта эмас (масалан, АҚШ ва Буюк Британияда улар давлат бюджети даромадининг 2—3%ини ташкил қилади).

Оборот солиғи билвосита солиқларнинг асосий турларидан бири — мамлакат ичкарисида (баъзи давлатларда — хорижда ишлаб чиқарилган товарлардан), ишлаб чиқарилган товарлар оборотидан, шунингдек, турли хизмат кўрсатишлардан олинадиган универсал акциз солиғидир. Баъзи товарлар ва хизматлар учун солинадиган индивидуал акциздан фарқ қилувчи оборот солиғи корхонанинг ялпи оборотн қийматидан олинади. Оборот солиғи асосан оммавий истеъмол товарлари ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари хизматларидан олинади.

Оборот солиғи Биринчи жаҳон уруши даврида Германия ва Францияда жорий этилди ва кейинроқ бошқа мамлакатларга ёйила бошлади. Оборот солиғининг киритилиши фискал мақсадларни: қўшимча маблағларга бўлган талабни қондириш, бюджетнинг ўта тақчиллигини қоплашни назарда тутган. Бу солиқдан келадиган маблағнинг ўсиши ўз-ўзидан таъминланади. Бу эса инфляция шароитида нархларнинг ўсиши ҳисобига, шунингдек, хизмат кўрсатиш объектларининг кенгайиши натижасида рўй беради. Аввал корхона товар оборотининг нархи кўппоғонали (каскадсимон) ёки кумулятив деб аталувчи усул билан солиққа тортилган, яъни солиқ ишлаб чиқаришнинг ёки товар айланишининг ҳар бир босқичида (товарнинг компания ичида айланиши бундан мустасно) олинган. Бундай тизим ГФР, Белгия, Австрия ва бошқа давлатларда 60-йилларнинг охиригача амалда қилган. Кўп марталаб солиқ солиниши тўлов операцияларини қийинлаштирган, чунки жуда кўп ҳужжатлар юритилишини талаб қилган. Ривожланган мамлакатларнинг кўпчилиги ўтган солиқ солишнинг энг оддий усули оборотдан

бир маротаба — ишлаб чиқариш, улгуржи ёки чакана савдо босқичида анча қулай ставка бўйича солиқ олишдан иборатдир. Оборот солиғининг бошқача кўриниши — улгуржи савдо бўғинида олинадиган солиқ ҳисобланади. Бу солиқнинг объекти товар ишлаб чиқариш пайтида товар айланиши ва уни кўтарасига товар олувчи фирмаларга сотиш жараёнида намоён бўлади. Агар саноат компаниялари улгуржи савдодан воз кечиб, товарларини бевосита чакана тармоқда сотса, унда уларнинг оборотлари ҳам сотиб олинган молга солинадиган солиққа тортилади. Солиқнинг бу шакли Буюк Британияда — 1940 йилдан, Швейцарияда — 1941 йилдан, Португалияда — 1966 йилдан буён қўлланилади.

Бир қатор мамлакатлар (Норвегия — 1940 йилдан буён, Швеция — 1960 йилдан буён, АҚШнинг баъзи штатлари, Канада провинциялари) чакана савдода сотилган молларга солиқ солиш туридан кенг фойдаланади. Солиқ солинадиган объект — охирги истеъмолчига товар сотиш оборотидир. Солиқнинг бу турини қўллаш майда савдо корхоналарининг кўпсонли эканлиги сабабли мураккаблашади. 1960 йилларда оборот солиғининг бошқа бир кўриниши — **қўшилган қиймат солиғининг** кенг тарқалиши юзага келди.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда оборот солиғидан кенг фойдаланилишига сабаб, нафақат унинг инфляция жараёнида катта фискал аҳамиятга эга эканлиги, балки ундан ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилиш учун фойдаланиш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади. Чет элга мол чиқарувчи фирмаларни оборот солиғидан озод қилиш йўли билан ҳукумат чет элга товар чиқарилишини рағбатлантиради. Бу солиқда сотиб олишга рухсат бериш аслида товарлар ва хизмат кўрсатишлар демпингини амалга ошириш учун монополияларга имкон берувчи экспортни давлат томонидан маблағ (субсидия) билан таъминлашдан иборат. Оборот солиғининг жаҳондаги ривожланган давлатлар бюджетига келиб тушиш жараёни тез суръатларда ўсиб бормоқда. Масалан, Францияда кейинги 10 йил ичида улар уч баробар ошди ва бюджет барча даромадларининг ярмини таъминлади. Бундай ўсишга сабаб солиқлар ставкаларининг бирмунча ошганидир. ГФРда оборотдан олинадиган солиқ 12 фоиздан 14 фоизга, Буюк Британияда эса 8 фоиздан 15 фоизга ошди. Бундан ташқари, солиқ товарлар ва

хизмат кўрсатишларнинг тобора кўпроқ турига жорий бўлиб бормоқда. Аслини олганда, барча истеъмол товарлари оборот солиғига тортилиши керак эди. **Оборот солиғининг моҳияти битта** — барча билвосита солиқлар сингари, у товар ва хизмат кўрсатиш нархига қўйилади, истеъмолчилар томонидан тўланади ва регрессив характерга эга бўлади.

Универсал акциз аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун айниқса оғирлик қилади. Барча истеъмол товарларининг оборот солиғига тортилиши, нархларнинг умумий ўсишига сабаб бўлади ва аҳоли турмуш даражасининг кескин ёмонлашувига олиб келади.

Акцизлар — асосан оммавий истеъмол товарлари (хизмат кўрсатиш)нинг нархи ёки тарифига киритиладиган билвосита солиқлар туридир. Акцизларнинг тўловчилари — товарларга ёки хизмат кўрсатилишига ҳақ тўлаётган истеъмолчилардир. Акцизлар ҳарид қилувчилар реал даромадларининг қисқаришига олиб келади ва акциз солиғи солиниши регрессив характерга эгадир.

Тузга ва бошқа оммавий истеъмол буюмларига солинадиган акциз солиқлари ҳатто Қадимий Римда ҳам мавжуд бўлган. Товар — пул муносабатлари ривожланиши билан солиққа тортишнинг акциз шакли кўпроқ қўлланила борди. Солиққа тортишнинг турли усуллари: акцизга тортиладиган товарлар хомашёси етиштириладиган ер, сўнгра хом ашё, кейинроқ ярим тайёр маҳсулотлар ва, ниҳоят, солиқ солишнинг асосий объекти бўлган тайёр маҳсулотларга нисбатан қўлланилган.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда акцизлар давлатнинг муҳим даромадига айланиб қолмоқда, масалан, Францияда ва ГФРда бу солиқ бюджет даромадининг 50 фоизига якинини, Буюк Британияда — 38 фоизини, Японияда — 16 фоизини таъминлайди. Бюджетнинг даромад манбаини такомиллаштириш ва такрор ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солиш мақсадида акциз солиқлари солинадиган объектлар кенгайтирилмоқда ва акциз ставкалари оширилмоқда. Акциз солиқлари солинишига турли коммунал, транспорт, маданият ва бошқа кенг тарқалган хизматлар жалб қилинмоқда. Қатор мамлакатларда, ички ишлаб чиқариш товарларидан ташқари, агар худди шу товарларга мамлакатларда акциз солиғи солинса, чет эл молларига божхона божларидан ташқари акциз солиқлари ҳам солинади. Акциз

соликларининг қуйидаги ставкалари белгиланган: **ягона соликлар** — нав, сифат ва нархлари билан бир-биридан кам фарқ қиладиган товарлар учун (туз, гугурт, қанд); **даражаланган соликлар** — турли белгиларига: сифатига, ўткирлигига (вино, мато) қараб; **ўртача соликлар** — навлари турли нарх даражаларига эга бир турдаги (тамаки маҳсулотлари) товарлар учун ва ҳоказо.

Солиқ солиниши усулига қараб акцизлар **индивидуал ва универсал** соликларга бўлинади. Масалан, ГФРда 20 га яқин индивидуал акцизлар, Японияда 600 дан ортиқ акцизлар бор. Кейинги йилларда корхоналар умумий оборотида олинадиган (оборот солиқ) универсал акцизлар жуда кенг тарқалмоқда. Юқорида айтиб ўтилган соликлардан ташқари Европа Иқтисодий Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда жуда кўп бошқа турдаги соликлар мавжуд. Одатда, бу соликлар ягона тизим доирасида кўриб чиқилиши қийин. Улар ўзига хос равишда шаклланган ва давлатларнинг узоқ тарихий ривожланишида турли таъсирга учраган. Масалан, ГФРда бу оборот капиталига солинадиган соликлар (устав капиталининг 1% асосида фирма ташкил қилинади ва 2,5% капиталда қатнашиш усулига эга бўлганда), ҳунармандчилик солиғи (ишлаб чиқариш фондининг 5% даромади ва 0,2% қийматидан), мол-мулкдан олинадиган солиқ (0,5—0,6%), ер солиғи, транспорт воситаларига солинадиган соликларни ташкил этади. Францияда булар капитални оширишга солинадиган солиқ (ёки рўйхатга оид йиғим — 1%), касбий корхона эгасига тааллуқли солиқ ва бошкалардан иборатдир.

ЕИҲ аъзолари бўлган мамлакатларнинг солиқ тизимлари турли имтиёзлар сонининг кўплиги билан ҳам анча мураккабдир. Кўпгина мамлакатларда (айниқса Ирландияда, Францияда, шунингдек, Буюк Британияда), баъзи районларда соликлар пасайтирилган ставка бўйича олинади ёки компаниялар солиқ тўлашдан умуман (маълум муддатга) озод қилинадилар. Солиқ солинишидан, шунингдек, қайта инвестицияга йўналтирилаётган даромадлар озод қилинади. Аслини олганда, ЕИҲ аъзолари бўлган барча мамлакатларда имтиёзлар мавжуд бўлиб, уларга биноан маорифга ва кадрлар тайёрлашга қаратилган харажатларнинг маълум қисми солиқ тўлашдан озод қилиниши назарда тутилган.

Европа Иқтисодий Ҳамдўстлигининг солиқ солиш соҳасидаги расмий сиёсати ҳамдўстлик аъзолари бўлган мамлакатларнинг

солиқ системаларини Рим шартномасидан бошлаб солиқ солиш услуби ва механизми нуқтаи назаридан, солиқ солиш ставкаларининг ҳажми нуқтаи назаридан бир-бирига яқинлаштириш, маълум даражада уларнинг солиқ тизимларини бир шаклга келтиришдан иборат. Билвосита солиққа тортиш, фуқароларнинг шахсий даромадларига солиқлар солиш ва маҳаллий солиқлар соҳасидаги ишлар унча яхши шаклланмаган.

1975 йилдаёқ ЕИҲ мамлакатлари корпорациялар даромадига 45%дан 55%гача бўлган даражадаги ставкалар билан солиқ солиш тизимига ўтиш ҳақида келишиб олишган. Ҳозирги вақтда солиқ ставкаларининг тавсия қилинаётган даражаси 30%дан 40%гача етади. Бу бир қатор мамлакатлар (Германия, Франция ва Греция) корпорациялар даромадларига солиқ солиш ҳажмини қисқартиришларини тақозо этади. Бошқа бир томондан қараганда, пастки интервалга тушиб қолган мамлакатлар (Буюк Британия, Люксембург, Испания ва Нидерландия) корпорация солиқларини бошқа пасайтира олмайдилар.

Ҳозирги вақтда давлатларнинг солиқ солиш тизимида қатнашишлари муаммоси фаол равишда муҳокама қилинмоқда. Ишга бундай ёндошиш жуда муҳим, чунки ЕИҲ капитали деярли эркин ҳаракат шароитида, 1992 йилдан бошлаб, капитални даромадга нисбатан имтиёзли солиқ солиш билан мамлакатларга қайта жалб этиш мумкин. Давлатнинг иқтисодга аралашмаслиги тарафдорлари шуни таъкидлайдиларки, эркин бозорни яратиш нафақат солиқ ставкалари меъёрларини белгилашни, балки бундай меъёрлар ортиқча эканлигини ҳам кўрсатади, чунки давлатлараро рақобат солиқнинг юқори даражасини белгилашга зиддир. Бундай шароитда солиқларнинг белгиланган пастки ставкалари ҳам керак бўлмай қолади, чунки солиқларни ҳаддан ташқари пасайтириш бюджет дефицити бирмунча ортишига олиб келади, бу эса бошқа нохуш оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунингдек, ишбилармон доираларнинг бир қисмигина эркин бозор капиталининг ўз ҳолича ривожланиш ва фойдадан солиқ тўлашга қодир деб ҳисоблайди. Бунинг ўзига хослиги шундаки, даромадга солиқ солишнинг миллий тизимлари бир-биридан нафақат ставкалари ҳажми билан, балки бухгалтерия ҳисоб-китоби тизими, солиқ солиниши лозим бўлган даромад миқдорини аниқлаш, тегишли қонунларни қўллаш самарадорлиги ва, ниҳоят,

солиқ тўлашдан бош тортгани учун кўриладиган чораларнинг қатъийлиги билан ҳам ажралиб туради. Масалан, Германияда корпоратив солиқнинг ставкаси ЕИҲда энг баланд ҳисобланади. Бироқ, немис компаниялари бошқа мамлакатлар компанияларига қараганда таннархнинг кўпгина амортизацияга оид маблағларини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эгадирлар.

Улардаги инвестицион солиқ кредити олиш имконияти шуни кўрсатадики, немис корпорациялари, одатда, пулни асосий капитални янгилаш, юқори даражадаги дивидендларни тўламасдан акцияларнинг бозордаги таннархини оширишни афзал биладилар.

Шундай қилиб, қонунчилик тафовутлари, бир томондан, давлатлараро рақобатни, нисбатан мустақиллик ва бозор механизмининг эркин ҳаракат қилишини қийинлаштиради. Бошқа бир томондан, қонунчилик тафовутлари ЕИҲ ичида капитал оқимининг йўқолишига жуда ҳам катта таъсир қилади. Даромадга солинадиган солиқ ставкалари пастлиги нуқтаи назаридан қараганда айрим мамлакатлар қандайдир бир қонунлар, чекланишлар нуқтаи назаридан (масалан, солиқ солиш мақсади учун даромад белгилаш ва шу кабилар) қулай ва ноқулай бўлиши мумкин.

Даромадга солинадиган солиқларни бир-бирига яқинлаштиришга уринишлар, солиқ солиш объектининг ягона таърифи бўлмас экан, кам маънога эгадир. Бу муаммони ҳал қилиш учун солиқ солинадиган фойда минимал имкониятли тузимининг бир шаклга келтирилган стандарти киритилиши таклиф қилинади.

Айрим давлатларнинг амортизациялаш сиёсати ҳам гармонизацияни талаб қилади. Амортизацияга маблағ ажратишлар ҳисоб-китоби фондларнинг дастлабки қийматига қараб амалга оширилади деб тахмин қилинади. Бироқ, инфляция туфайли пайдо бўлган капиталнинг ўсиши солиқ солишдан озод қилинади.

Солиқ солиш тизимини такомиллаштириш жараёнида ЕИҲ мамлакатларида солиқлар бирмунча камайтирилиши кузатилади. Ҳозирги вақтда шу давлатларнинг кўпчилигида корпорациялар даромадига солинадиган солиқлар АҚШдагига нисбатан кам. Айни бир вақтда турли мамлакатларнинг солиқ белгилашга хилма-хил ёндошуви сабабли солиқни ўртача ёки базали ставкалар асосидагина қиёслаш унчалик самара бермайди. Бир томондан, қатор Европа мамлакатлари кичик фирмалар ва баъзи

корпорациялар учун маблағ сарфлашдаги солиқларни анча камайтирсалар, иккинчи томондан, баъзи давлатлар қўшимча солиқлар белгилайдилар. Масалан, Буюк Британиянинг солиқ гаванларидаги ва бўш зоналардаги даромадларидан ставка бўйича 20% солиқ олинади; Ирландиядаги Дублин зонасида жойлашган саноат компаниялари даромадидан олинадиган солиқ бор-йўғи 10%ни ташкил этса, айни бир пайтда Италияда маҳаллий ҳокимият корпорациялар даромадидан олинадиган солиқларни 36%дан 46%га кўпайтирадилар. Бунинг барчаси ҳамдўстлик мамлакатларида солиқ тавсиялари ўзгартирилишини талаб қилади. Ушбу ўзгаришларга биноан рухсат этилган солиқ интервали доираси (30—40%) атрофида бўлиб, маҳаллий солиқлар ҳам эътиборга олиниши керак.

Бизнингча, ЕИҲ аъзолари бўлган мамлакатларда солиқ тизимларини уйғунлаштириш учун жуда қатъий қадамлар қўўилмокда. Бироқ, бу сиёсатнинг асосий йўналишлари қанчалик изчил бўлмасин, улар борасида, ҳатто тахминан бўлса-да, тегишли шартномалар тузиш ва айниқса уларнинг бажарилиши меъёрларини белгилашнинг имкони йўққа ўхшайди. Европа Иқтисодий Ҳамдўстлигида солиқ солиш масалалари бўйича ҳар қандай қарорлар ЕИҲ аъзолари бўлган барча мамлакатлар томонидан бир овоздан тасдиқланиши ва тан олиниши бугуннинг долзарб муаммоси бўлиб қолмокда.

Юқорида келтирилган конкрет мисоллардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатини мувофиқлаштириш мақсадида солиқ тизимларини, бюджет жараёнларини, давлат харажатларини, назорат тизимини мувофиқлаштириш зарур. Бундай келишув айниқса, солиқлар соҳаси бўйича жуда зарур. Айнан шу йўлни Европа Иқтисодий Ҳамдўстлиги мамлакатлари босиб ўтмокдалар.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларнинг ҳар бирида бир-бири билан келишиладиган ўзига хос солиқ қонунчилиги ишламокда. Бундай ўзаро келишилмаган молиявий сиёсат ҳозирги кундаёқ, айнан бир маҳсулотга турли нархлар қўлланиши, турли солиқлар ва ставкалар мавжудлиги сабабли ўзаро ҳисоб-китобларда ўз таъсирини кўрсатмокда. Бу каби тафовутлар шунга олиб келадики, айнан ўша бир маҳсулот учун айрим давлатлар ортиқча пул

тўласа, бошқалари уларга нисбатан кам пул тўлайдилар, яъни МДХдаги давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда нархлар тенглиги бузилади.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги солиқ ислоҳотлари тажрибаси шундан далолат берадики, янги солиқлар солиш бўйича қарорлар қабул қилишда **умуммиллий қонунларга таянилганда** энг кўп самарага эришилишидан дарак беради, бироқ ҳокимият маҳаллий органлари қарорлари бўйича иш кўрилганда бунчалик самара бўлмайди, бу эса кейинги вақтда республика учун хос хусусият бўлиб қолади. Бошқа бир томондан, маҳаллий бюджетлар марказий бюджет таркибида ҳисобга олинмаганда марказий ҳокимият ва ҳокимиятнинг маҳаллий органлари фаолиятлари доирасининг, уларни ўз-ўзини маҳаллий таъминлашини чеклаш сиёсати катта аҳамият касб этади. Бу эса, фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ҳам ўз аксини топиши мумкин бўлган ҳолдир.

Республикамизда, бошқа мамлакатларда бўлганидек, солиқларнинг энг асосий турларидан бири қўшилган қиймат солиғидир. Бироқ у бизда маҳсулотнинг истеъмолчига етиб боришидаги фақат бир бўғинда эмас, балки аслида барча бўғинларда (қишлоқ хўжалигидан ташқари) олинади.

Қишлоқ хўжалигига юборилаётган товарлар (тракторлар, ўғитлар ва бошқалар) акцизлари солинадиган рўйхатни кенгайтирилиши ўзини оқламайди. Бу маҳсулотларга қўйиладиган нархлар кескин кўтарилишига ва қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг молиявий аҳволи янада ёмонлашувига олиб келади.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда фойдадан олинадиган барча солиқлар бирлаштирилганда 35—40%ни ташкил қилади, Ўзбекистон Республикасида эса солиқлар бир қатор корхоналарда деярли бир ярим, икки баробар баланд, бу эса ҳар қандай ташаббусни сўндиради ва ишлаб чиқаришни ҳамда ишчанликни ривожланишга маълум тўсқинликларни вужудга келтиради. Бунга оид мисолларни халқ хўжалиги корхоналаридан кўплаб келтириш мумкин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР

1. Федерал бюджетга қайси солиқлар ундирилади?
2. Қўшилган қиймат солиғи қайси ривожланган давлатларда кенг қўлланилади?
3. Кимлар резидент ва кимлар норезидент деб тан олинишини шарҳлаб беринг.
4. Қимматли қоғозларга нисбатан солиқлар қайси ҳолатларда ундирилади?
5. Солиқ юкини камайтириш таърифига изоҳ беринг.
6. Европа Иқтисодий Ҳамдўстлиги мамлакатларида қайси солиқ тури кенг тарқалган?
7. Билвосита солиқлар туркумига кирувчи оборот солиғи кимлардан олинади? Унинг моҳиятини таърифланг.
8. Меросдан ва ҳадя (тортиқ)дан олинадиган солиқ қайси давлатларда кўпроқ ривожланган, уларнинг ставкаларини биласизми?
9. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда акциз солиғининг қўланилиши ва ўрни ҳақида гапириб беринг.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Солиқ тизимини ҳамда республика ва маҳаллий бюджетларни шакллантиришда услубий ва илмий ёндошувларни ўрганиш бўйича ўтказган тадқиқотимиз, фикримизча, қуйидаги асосий хулосаларга келиш имконини беради:

Биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида республикамизнинг борган сари кўпроқ фуқаролари ўз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига у ёки бу даражада таъсир қилаётган турли хил солиқлар таъсирига дуч келмоқдалар. Солиқ солишнинг ижтимоий табиати нуқтаи назаридан ижтимоий ишлаб чиқариш қатнашчилари билан давлат ўртасидаги мулкий муносабатларнинг маълум каналларини тартибга солиш чоралари мавжуд. Иқтисодий жиҳатдан эса — мулк ҳуқуқларини қонуний асосларда ҳимоя қилиш, **солиқ тўловчи ва жамият манфаатлари балансини сақлаш** демакдир.

Иккинчидан, солиқлар муҳим иқтисодий категория, яъни иқтисодий муносабатлар мажмуидир. Солиқларни истисно қилишда давлат ва юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида миллий даромадни яратувчи ва тақсимловчиларнинг жиддий манфаатларига таъсир қилувчи **пул муносабатлари** пайдо бўлади. Давлат манфаати миллий даромаднинг бир қисмини умумдавлат эҳтиёжларига олиш, бу **маблағларни жалб этиш ва бюджет орқали қайта тақсимлашдан иборат.** Миллий даромаднинг хизматлари ва ишлари учун яратилган ва олинган хусусий мулк эгаларидан солиқлар олинишида биринчи даражали иқтисодий манфаатларига дахл қилади, чунки уларнинг реал даромадлари камаяди, бу эса манбалар, маблағлар қисқаришига ва товар ишлаб чиқарувчиларда ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириш ва такомиллаштиришга бўлган иқтисодий манфаатдорликнинг камайишига олиб келади.

Фикримизча, амалдаги солиқ системаси иқтисод, молия фани даражасини ва ҳукумат молия сиёсатининг бош йўналишларини акс эттиради, унинг самарадорлигига эса солиқ солишнинг қуйидаги асосий тамойилларига риоя қилинса эришилади:

— хўжалик юритаётган субъектлар ва фуқаролар ижтимоий гуруҳлари мулкларининг шаклидан қатъи назар уларнинг даромадларига мутаносиб солиқ солинишидаги тенглик;

— ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг самарадорлигини

ошириш асосида бюджет даромадларининг барқарор базаси шаклланишини таъминловчи солиқларнинг фискал ва рағбатлантирувчи вазифасини оқилона бирга қўшиб олиб бориш;

— бюджетга тушадиган маблағларни кенгайтиришга имкон берувчи солиқларнинг кўплиги, солиқ солишнинг унча баланд бўлмаган ставкаларини белгилаш. Бунда объектларга кўп марталаб солиқ солиш имконини чеклаб, барча солиқлар ўртасида яқин алоқадорликни таъминлаш зарур, чунки кўп марталаб солиқ солиш иқтисодий рағбатларни секинлаштиради, меҳнатга ва даромадни оширишга бўлган муносабатни сусайтиради;

— солиқ солишнинг якунловчи тамойили қонунларини бузганлиги учун санкциялар (маъмурий ва молиявий санкциялар)дир.

Учинчидан, солиқ сиёсати республиканинг ички ва ташқи сиёсатини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида солиқ тизимини, бюджет жараёнларини, назорат тизимини уйғунлаштириш ва бир шаклга келтириш муаммосини **шу бугунок қўйиш** ҳамда ҳал қилиш зарурлиги ҳақидаги хулосага келиш учун солиқ сиёсати тажрибаси имкон беради.

Тўртинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодни тартибга келтирувчи асосий механизм республика учун бюджет бўлиб қолади. Даромадлар ва харажатларни шакллантириш ва фойдаланиш жараёнида **турли усулларни қўллаб,** ҳукумат республиканинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётини бошқаради. Улардан энг муҳимларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишнинг айрим хилларига, товарларга, ишларга талаб ва таклифларга таъсир кўрсатувчи солиқлар;

— ижтимоий қайта ишлаб чиқаришни кенгайтиришни таъминловчи, унинг структурасини такомиллашувини, жамият ривожини таъминловчи умумдавлат дастурларни бюджет ҳисобидан тўғридан-тўғри молиявий таъминлаш;

— баъзи тармоқларни, корхоналарни, хўжаликларни уларнинг хўжалик юритишдаги иқтисодий шароитларини (масалан, қишлоқ хўжалигини, маҳаллий транспортларни, коммунал ва уй-жой хўжалиги ва шу кабиларни) тенглаштириш учун маблағлар бериш;

— фоизсиз ёки имтиёзли кредитлар, банк ссудалари учун

кафолатлар бериш (фермер хўжаликларига, венчур ва бошқа кичик корхоналар ва бошқаларга);

— иқтисод ривожланишидаги диспропорцияларнинг олдини олиш учун, кичик фондни (барқарорлашган фонд, стратегик ва моддий резервлар, олдиндан назарда тутилмаган харажатлар ва бошқаларни) қўўлаб-қувватлаш учун бюджет ресурслари ҳисобига алоҳида фондлар ва резервлар яратиш.

Жаҳон тажрибасига суянган ҳолда, шуни эътироф этиш керакки, бюджет ёрдамида давлат тартибининг натижали бўлишига учта асосий принциплар мавжуд: **самарадорлик, барқарорлик ва ижтимоий адолат.** Ана шу принципларга риоя қилингандагина, кутилган ютуқларга эришилиши мумкин.

Бешинчидан, маҳаллий бюджетлар даромад базасининг янада мустаҳкамланиши бюджетларни шакллантириш юзасидан вужудга келадиган муносабатларни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу йўналишда мулкка, ерга, ресурсларга солиқ солиш муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий бюджетга тўлиқ тушадиган мулк солиғининг тушумларини реал оширишда ушбу соликдан ҳисобланиш услубиёти ва **солиқ енгилликлари тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.**

Маҳаллий бюджетлар даромадининг яна бир муҳим манбаси бу жисмоний шахслар даромад солиғининг маҳаллий бюджетларга **узоқ муддатга бириктирилиб қўйилишидир.** Соликлар қаторида солиқсиз йиғимлар ҳам бюджетларнинг муҳим манбалари бўлиб қолишлари керак, чунки солиқ юкини ошириш чегараланганлигини ҳисобга олсак, бу муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий ҳукумат органлари ўзларига тегишли бўлган мулкдан даромад манбаларини ошириш мақсадида фойдаланишга ўрганишлари керак.

Маҳаллий соликлардан реклама солиғи (салмоғи 0,2%), автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ (0,04%), автотранспорт қўйганлик учун йиғим (0,01%) жуда кам самара бермокда. Маҳаллий соликларнинг асосий параметрлари (ставкалари, базаси, енгилликлари) Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳолда уларни йиғиш ҳудудларда амалга оширилади. Шунинг учун баъзи соликларни йиғиш анчайин муаммога айланмокда, чунки базасини аниклаш жуда қийин ёки уларни йиғиш билан боғлиқ харажатлар шу соликларнинг

суммаларидан ошиб кетмоқда. Хусусан, автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ жуда қийин йиғилувчан солиқ ҳисобланади, чунки базасини аниқлаш жуда мураккабдир. Кўплаб туманлар бўйича ушбу солиқлар жуда кам тушаяпти ёки умуман тушмаяпти. Шу туфайли маҳаллий бюджетлар даромад базасини **реал мустаҳкамлаш** нуқтаи назаридан ушбу солиқлар керакли **талабга жавоб берадиган манба бўла олмайдилар.**

Ушбу йўналишда маҳаллий ҳокимият органларининг ўз солиқ потенциалларини (салоҳиятини) ошириш ва солиқ тўловчилар сонини ўрта ва кичик бизнесни ҳамда бошқа корхоналарни кўпайтириш ҳисобига ошириш, тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг даромадларини назорат қилиш механизмининг самарадорлигини ошириш ҳисобига манфаатдорликларини ошириш муҳим йўналиш ҳисобланади.

Олтинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатлар тажрибаси **бюджет даромадларини тақсимлаш ва харажат ваколатларини чегаралаб қўйишда** кўплаб шакл ва усуллар мавжудлигини кўрсатади. Бу тажрибани умумлаштириш республикамиз учун қуйидаги сабоқларни чиқаришга имкон беради:

— тартибга солувчи солиқларни маълум даврга (5 йилга) ягона барқарор нормативлар асосида тақсимлаш маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарор шакллантириш, бюджет параметрларини келишувчилик амалиёти асосида шакллантиришдан воз кечиш, боқимандаликни бартараф этиш ва маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ тушумларини оширишга бўлган қизиқишларини кўтариш, солиқ базасини кенгайтириш, бюджет боқимандаларини қисқартириш нуқтаи назаридан бирмунча қулай ва самаралидир;

— харажат ваколатларини тақсимлашнинг аниқ механизми йўқўиги бюджет тақчиллигини кейинги қуйи табақага юклашга, айрим харажатларни қирқиб қолиниши ва самарасиз молиялаштирилишига замин яратади, марказдан маҳаллий бюджетлар тузилиши ва ижроси устидан қатъий назорат мавжуд бўлишига қарамасдан масъулиятни ва ҳисобдорликни камайтиради;

— ягона услубий ёндошув асосида трансфертларнинг қўўланилиши ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий

ривожланишини ҳисобга олишга, уларни горизонтал ва вертикал тенглаштиришга ва келишувчилик амалиётидан воз кечишга имкон беради;

— маҳаллий бюджетларга ташқи ва ички бозорларда заёмлаштириш ҳуқуқини бериш молиявий бозорларни ривожлантиришни, ҳуқуқий тартибга солиш механизми ва воситаларини ва тамойилларини ишлаб чиқишни ва жорий этишни, бюджет ҳисоботи ва назоратини кучайтиришни талаб этади.

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикасида тартибга солувчи солиқларни тақсимлаш тизимини ислоҳ қилиш борасидаги биринчи галдаги вазифа — бу маълум вақт даврига (5 йил) **ягона барқарор нормативларни жорий этишдир.**

Маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ тушумларини оширишга, бюджетлараро кисқартиришга бўлган қизиқишларини орттириш учун ва юқори бюджетлардан молиявий ёрдамларни ва субвенцияларни қисқартириш учун, режадан ортиқча тушган солиқларни тақсимлашнинг аниқ ва тушунарли механизми талаб этилади. Зеро, режадан ортиқча йиғилган солиқларнинг маҳаллий бюджетларда қолдириладиган қисми қонуний тарзда аниқ белгиланиб қўйилиши керак. **Ҳозирги вақтда режадан ортиқча тушумлар тушунарсиз ва бюджетларнинг жорий манфаатларидан келиб чиқиб тақсимланмоқда.**

Рағбатлантирувчи самарани ошириш мақсадида тартибга солувчи солиқларнинг ажратмалари умумий нормативлари 60% бўлгани ҳолда, режадан ортиқча тушумларнинг маҳаллий бюджетларга ажратмалари нормативини 100% лик даражада белгилаб қўйиш манфаатли самара берар эди.

Ягона нормативларнинг қўлланилиши қўшимча равишдаги қарама-қарши молиявий оқимларни вужудга келтириши мумкин. Хусусан, таклиф қилинаётган нормативлардан фойдаланилганда юқори иқтисодий ва солиқ салоҳиятига эга бўлган (маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳамда тартибга солувчи солиқларнинг 60%лик ажратмалари) вилоятларда даромадлар харажатлардан ошиб кетади. Бу бюджет ошиб кетишини республика бюджети орқали субвенцион ҳудудларга қайта тақсимлаш керак. Бизнинг фикримизча, ушбу суммаларни олиб қўйишда 10:90 пропорциядан фойдаланиш керак, яъни бюджетдаги ошиқча

суммаларнинг 10%ни маҳаллий бюджетларга қолдириш керак ва 90 %ни республика бюджетига олиш мумкин бўлади, бу эса маҳаллий органларнинг солиқ тушумларини оширувчи яна бир омил деб қаралиши мумкин.

Саккизинчидан, мамлакатимизда юзага келган бюджетларни шакллантириш тизимини ҳисобга олган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, жаҳон амалиётининг ушбу соҳадаги барча жиҳатларини бизда бир вақтда қўўлаш мумкин эмас. Ҳудудларга молиявий ёрдам кўрсатишнинг механизмини ислоҳ қилишда амалга ошириш лозим бўлган вазифалар ва босқичлар аниқ белгиланиши лозим. *Биринчи босқичда* (1—2 йил) бюджет харажатлари нормативларини ва маҳаллий бюджетларга умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг ягона барқарор нормативларини жорий этиш асосида, ҳудудларга молиявий ёрдам кўрсатиш **аниқ мақсадларга субвенциялар ажратиш** кўринишида бўлиши керак. Бу воситалар ёрдамида биринчи босқичда молиявий ёрдамнинг янаям асосланган ёндошувини яратиш, ҳудудларнинг боқимандалик кайфиятини бартараф қилиш, молия вазирлиги ва маҳаллий молия органлари ўртасида бюджет ўлчамлари юзасидан келишувчилик амалиётини қисқартириш ва ҳудудларни вертикал тенглаштириш механизмини жорий этиш учун шарт-шароит яратилади. *Иккинчи босқич* (3—4 йил) қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

— аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни тенглаштириш мақсадида фойдаланиладиган бюджет харажатлари индексини ҳисоблаб чиқиш;

— солиқ салоҳияти (потенциалини) баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш ва уни ҳудудлар бўйича ҳисоблаш;

— трансфертларни тенглаштириш мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиқиб аниқлаш ва танлаш (маҳаллий бюджетлар баланслашганлиги, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни тенлаштириш, харажатларни демографик ва бошқа курсаткичлардан келиб чиқиб тенглаштириш);

— ҳудудларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини яратиш ва шу орқали ҳудудларни молиявий тенглаштиришни ташкил этиш (жамғармани тузиш ва унинг манбаларини аниқлаш);

— трансфертлар миқдори аниқланадиган ягона услубиётни асослаш.

Иқтисод барқарорлиги иқтисодий циклни, унинг кўтарилиши

ва пасайишини давлат назорат остига олганида бюджет ва кредит ёрдамида ялпи маҳсулотни умумиқтисодий пропорцияларга тақсимлашга ўз таъсирини кўрсатганида, диспропорцияларни олдини олиш учун резервлар яратгандагина мумкин бўлади. Фанни, таълимни, юқори малакали кадрлар тайёрлашни молиявий қўллаб-қувватлаш ва **узлуксиз ижтимоий тараққиёт** учун бошқа ижтимоий шароитлар яратиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Тўққизинчидан, ижтимоий адолат ўз ифодасини бир хил шароитларда субъектларнинг бир текис даромадларига адолатли солиқ солишларда ва шунингдек маълум ижтимоий фаровонлик даражасини кафолатловчи таълим муассасаларининг, маданий-оқартув ва тиббиёт муассасаларининг кенг тармоқларини маблағлар билан таъминлашда ўз аксини топади. Бюджет ўз маблағларини инфляция жараёнлари муносабати билан аҳоли даромадларини, қўйган маблағларини молиявий зарар кўришини пасайтириш ва даромадларни адолатли индексациялаш учун ўз маблағларини беради.

Ўнинчидан, Солиқ салоҳияти кўрсаткичи иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий фаолиятнинг объектив кўрсаткичларига асосланади. Бироқ, уни ҳисоблаб чиқиш учун тегишли ахборот ва услубий базани ишлаб чиқиш зарур бўлади. Солиқ салоҳиятининг энг аниқ баҳосини аниқ бир ҳудуд мисолида бутун иқтисодий фаолиятни текшириш ва аудит қилиш ёрдамида (яширин бизнесни ҳам қўшиб) бу ўта мушкул ва катта харажатталаб вазифа бўлсада аниқлаш мумкин. Давлатларнинг ўтиш даври тажрибалари шуни кўрсатадики, жуда кам харажат билан солиқ салоҳиятини аниқлаш усуллари ҳам мавжуд. Бундай усуллардан бири-репрезентатив солиқ тизими усули бўлиб, бунда алоҳида солиқларнинг ҳудудлар бўйича базаларига тегишли маълумотлардан фойдаланилади, яъни барча йиғилган солиқлар ва уларнинг базалари тўғрисидаги маълумотлар ҳудудлар бўйича мавжуд бўлиши керак. Кейинги усул-регрессион анализ усули ёрдамида алоҳида ҳудудда йиғилган даромадлар ҳажми билан уларнинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликни миқдоран ҳисоблаб чиқилади.

Бизнингча, республикамизда ҳудудларнинг солиқ салоҳияти ва солиқ базаларини аниқлашнинг унданда маъқулроқ йўлидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун, тегишли органларни жалб этган ҳолда ҳудудларда солиққа қаратиш мумкин бўлган объект

ва субъектларни ёппасига санокдан ўтказиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Мазкур тадбир натижасида, биринчидан, республикада минтақалар бўйича солиқ салоҳиятига оид аниқ маълумотлар яратилади. Иккинчидан, бюджетлар лойиҳасини тузиш ишлари ана шу маълумотлар базасига таянган ҳолда амалга оширилишига асос бўлади. Бундай тадбир ҳар йили бюджет лойиҳасини тузишдан олдин ўтказилиб, тегишли юқори органларга тақдим этиб борилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Албатта, бу тадбирларни амалга ошириш жараёни ва уни бажаришга масъул бўлган органларга аниқ кўрсатмалар билан бирга ҳуқуқий ваколатлар яратиб берилиши зарур.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг янада такомиллашиб ривожланишига, республика ва маҳаллий бюджетларни ҳамда бюджетлараро муносабатларни замон талабларига мос равишда, айни маҳалда ривожланган давлатларнинг бу соҳадаги илғор тажрибасидан келиб такомиллашиб боришида сезиларли ҳисса қўшади деб ўйлаймиз.

ҚЎШИМЧА ҚИСҚАЧА ЛУҒАТ

Кушон подшоҳлиги — тахминан милоддан аввалги I — милодий III асрларда Чағониёндан бошланиб, Марказий ва Жануби-ғарбий Осиёда қарийб 400 йил ҳукм сурган қудратли давлат. Тарихи археологик нуқтаи назардан кенг ўрганилган, иқтисодий ҳаёти тадқиқ этилмаган.

Сомонийлар — Мовароуннаҳр ва Хуросонда халифаликдан мустақил давлат тузишга қодир бўлган дастлабки маҳаллий сулола (870—1005 йиллар). Сомонийлар даври давлат бошқаруви мукаммаллиги ва маърифатпарварлиги билан диққатга сазовордир. Қорахонийлар ва Ғазнавийлар томонидан тугатилган.

Қорахонийлар — 822—1212 йилларда Шарқий Туркистон ва Мовароуннаҳрда ҳукм сурган буюк сулола. Қорахонийлар даврида ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжаси тўла шаклланди, кейинчалик ўзбек адабий тилига асос бўлиб қолди. Қорахонийлар даврида Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Кошғарий каби буюк туркий ижодкорлар асарлар яратишган, туркийларни исломга ўтказган сулола қорахитойлар томонидан тугатилган.

Ғазнавийлар — асосан Хуросон ва Шимолий Ҳиндистонда, қисман Эрон ва Мовароуннаҳрда ҳукм сурган туркий сулола 960—1168 йилларда Ҳиндистонга ислом динини олиб кирди. Салтанат Султон Маҳмуд Ғазнавий ва Султон Масъуд Ғазнавий даври (992—1042 йиллар)да айниқса юксалган, лекин иқтисодий қолоқлиги туфайли 1040-йилларда Салжуқийлар зарбасига учраб, майда давлатга айланиб қолган.

Салжуқийлар — Қизилқум ва Нурота тоғларида этнос сифатида шаклланган ўғуз салжуқийлар XI асрда ҳозирги Эрон, Афғонистон, Мовароуннаҳр, Кавказ ва Олд Осиёда қудратли империяга асос солган (1041—1197 йиллар). Буюк Салжуқийларнинг қолдиқлари Туркия ва Сурияда XV аср бошларига қадар ҳукм сурганлар. Ўз даврининг буюк олим ва шоирлари Салжуқийлар саройида хизмат қилишган. Усмонлилар империяси Салжуқийлар давлатчилиги заминида вужудга келгани эътироф этилади.

Чингизийлар — мўғул Темучин асос солган жаҳон империясини улуслар тариқасида бошқарган сулола. Давлатчилик соддалиги туфайли тез орада инқирозга юз тутган, иқтисодиётда тажрибасизлик зўравонликни туғдирган. Чингизхон ва авлодлари ҳукмронлиги Мовароуннаҳрдаги таназзулнинг асосий сабабларидан биридир. Моҳиятан мумтоз ислом шаҳарлари иқтисодиёти тарих саҳнасидан кетган. Лекин чингизийлар чорвадорларга айрим имтиёзлар беришган.

Темурийлар — Чингизхон авлодларининг давлатчиликдаги тажрибасизлиги заминида шаҳрисабзлик Амир Темур томонидан асос солинган амирлар сулоласи, давлатни чингизий қўғирчоқ хонлар номидан 1370—1501 йилларда бошқарди. Темурийлар давлатчиликда Кушонийлар, Қорахонийлар ва Салжуқийлар сулоласи анъаналарини давом эттирди. Юксак маданият ва бақувват иқтисодиёт заминида Мовароуннаҳр Уйғониши юзага келгани олимлар томонидан эътироф этилган. Темурийлар давлатчилиги анъаналари Ҳиндистонда 1526—1858 йилларда Бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида давом эттирилди.

Шайбонийлар — даштиқипчоқлик ўзбеклар ҳукмдори Муҳаммад Шайбонийхон асос солган сулола давлатчилиги Абдулла Баҳодирхон (1557—1598 йилларда ҳукмдор) даврида айниқса юксалди. Абдуллахон Марказий Осиёни қайта бирлаштирса-да, денгизга йўл оча олмади, қитъалараро савдо ривожланиши билан Мовароуннаҳр иқтисодиёти инқирозга юз тутди. Абдуллахон танга таркибида олтин ва кумуш миқдорини кўпайтирса ҳамки (1582 йил), Марказий Осиё жаҳон иқтисодиётидан узилиб қолганлиги ва мутаассиблик кучайиши Шайбонийлар давлати айни кучга тўлган паллада тарих саҳнасидан кетишига олиб келди.

Аштархонийлар — феодал тарқоқлик даврида ҳукмронлик қилган бу сулола (1601—1753 йиллар) Мовароуннаҳр ташқи дунёдан тамомила узилиб қолган бўлса-да, Темурийлар ва Шайбонийлар давридаги айрим ижобий анъаналар давом эттирилди. 1708 йилда Убайдуллахон Аштархоний томонидан ўтказилган пул ислоҳотида танга таркибида олтин ва кумуш

камайтирилиши Фарғона бийлиги юзага келиши ва феодал тарқоқлик кучайишига, ҳунармандлик нурашига олиб келди.

Манғитлар — Нодиршоҳ туркман (1736—1747 йилларда Эрон шоҳи) истилосидан кейин (1740 йил) тарих саҳнасига чиққан манғитлар 1753—1920 йилларда ҳукмронлик қилган. Жаҳон савдосига қўшилиш илинжи бўлса-да, Хива ва Фарғона хонликлари ва қабилалар билан олиб борилган тинимсиз ва натижасиз урушлар туфайли ўлка ва халқнинг силласи қуриди, XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия томонидан истило этилди.

Жўйборийлар — юқорида айтиб ўтилган мусулмон сулолалар даврида катта нуфузга эга бўлган саййидлар сулоласи. Бухоро яқинидаги Жўйборда яшаган бўлса-да, ўлканинг турли минтақаларида имтиёзли мулкларга ва давлатда катта лавозимларга эга эди. Жўйборийлар, бир томондан, маърифатни ривожлантиришга ҳисса қўшган, иккинчи томондан, ўлкадаги таназзулга қарамасдан, ақидапарастлик ва тариқатчиликни авж олдиришган. Амир Шоҳмурод манғит (1785—1801 йилларда ҳукмдор) давлатчилик эҳтиёжидан келиб чиқиб Жўйборийлар имтиёзларини тугатиб ташлади, аммо барибир Жўйборийлар мутассибликни авж олдираверишган. Сулола вакилларининг қабри Чорбакр қадамжосида. Иқтисодиёт нуқтаи назаридан рақобатсиз муҳитни яратган руҳонийлар вакиллари тарихи кенг ўрганилиши керак.

Исмоил Сомоний — сулоласининг етук ҳукмдори 892—907 йилларда Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросонни ягона давлатга бирлаштирди. Сахийлиги, донишмандлиги ва билимдонлиги билан замондошларини ҳайратга солган шахс бўлган. Араб халифаси номини хутбадан чиқарган, мустақилликни афзал билган. Қабри Бухоро шаҳрида, қадамжо. Термиз яқинидаги Сомон қишлоғидан чиққан қудратли сулола ҳатто Европа ва Хитой билан савдо-сотиқ олиб боргани ҳақида маълумотлар сақланган.

Султон Маҳмуд Ғазнавий — сулоласининг забардаст вакили 992—1030 йилларда феодал урушлар олиб борди, Шимолий Ҳиндистонни забт этди. Илм-фанга катта эътибор берган бўлса-да, анча хасис ва мураккаб шахс бўлган. Султон Маҳмуд

Ғазнавий Шарқ достонларида кенг куйланган забардаст ҳукмдордир.

Соҳибқирон Амир Темур — ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан чиққан жаҳон тарихида теран из қолдирган ҳукмдор, лашкарбоши ва давлат арбоби. "Темур тузуклари" моҳиятан диннн давлатдан ажратишга қаратилган дадил қадамдир. Ўзи маърифатли бўлгани боис сулоласидан Мирзо Улуғбек ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари дилбар дунёвий зотлар етишган.

Абдуллахон Шайбоний — 1533 йили Кармина яқинидаги Куфийн қишлоғида Искандархон Шайбоний хонадонида таваллуд топди. 1551 йилдан бошланган мураккаб сулолавий курашдан сўнгра 1560-йиллардан эътиборан тарқоқ Марказий Осиёни бирлаштиришга азамат камарини боғлади, Хуросон, Хоразм, Бадахшон, Даштиқипчоқни Бухоро хонлигига бўйсундирди, пул ислоҳоти ўтказиб, иқтисод юксалишига замин ҳозирлади. Абдуллахон Шайбоний даврида халқаро дипломатия йўлга қўйилди, Нурота ва Хуросонда тарихда илк маротаба сувомборлари қурилди, Мовароуннаҳрнинг меъморий қиёфаси юзага келди, минглаб работлар ва карвонсаройлар бунёд этилди, минтақа охирги маротаба бирлашди. Шоир ҳам бўлган. 1598 йилда тасодифан вафот этган.

Амир Ҳайдар — манғит ҳукморлари орасида отаси Амир Шоҳмуроднинг давлатчилик анъаналарини 1801—1826 йилларда давом эттирган билимдон ва мутаассиб ҳукмдор. Халқаро савдога эътибор берган, ўзаро феодал урушларни муомала билан тўхтатишга интилгани билан адолатли ҳукмдор сифатида халқда яхши таассурот қолдирган. Лекин Амир Шоҳмурод камайтирган соликлар тури тағин кўпайиб, иқтисодий зулм кучайган.

Ибн Халдун — Муъийниддин Абу Зайд Абдураҳмон ибн Муҳаммад 1336 йили Испанияда туғилди. Тўққиз ёшида Қуръони каримни ёд олди, Марокаш султони саройида хизмат қилди, фитна туфайли қамалиб беш йил зиндонда ўтди. Шундан кейин Мисрга келди, Мамлуклар салтанатида бош қози мартабасига эришди, суннийликнинг моликия мазҳабини ривожлантирди.

Икки марта ҳажга борган. Амир Темур билан 1402 йилда Дамашқда учрашган, суҳбатлашган. 1405 йили Қоҳирада вафот этган, қабри қадамжодир. Ибн Халдуннинг улкан "Ал-Муқаддима" асари башарият тафаккур тарихидаги муҳташам обидадир. Наинки халқ ва давлат, жамиятдаги қолган барча нарсалар ҳам иқтисодиёт заминида вужудга келишини, урушлар ҳам, мазҳаблар ҳам, низолар ҳам, диний қарашлар ҳам иқтисодий ҳодиса эканлигини исботлади. Этногенез назариясида "умрон", яъни бошқа халқларга нисбатан ҳаракатчан халқ тарих саҳнасига чиқишини, давлат навқиронлик ва кексалик паллаларини бошдан кечиришини тарихий далиллар заминида исботлади, илк маротаба "иқлим" ва "халқ" назариясини ўртага қўйди. Бутун жаҳон олимлари Ибн Халдунни ҳақли равишда тарих фалсафаси ва социология фанлари отаси ҳисоблайди. Асарлари 7 жилдда Қоҳира ва Байрутда нашр этилган. Мутаассиблар Ибн Халдун ижодий меросини камситишган ва таъқиб этишган.

Мусулмон ҳуқуқи, — ислом диний-ҳуқуқ тизими VII—X асрларда Араб халифалигида юзага келган ҳуқуқ тизими. Илк Исломда жамиятни ҳуқуқий бошқариш Қуръон асосида олиб борилган. Ислом илоҳиётчилари бир неча аср мобайнида шариат қонунларини ишлаб чиққанлар. Шариатга асос қилиниб Қуръон ва Сунна, кейинчалик Ижмоъ ва Қиёс олинган. Шариат диний-ҳуқуқий тизим сифатида XI—XII асрларда тугал шаклланган. Фиқҳ арабча "тушуниш" маъносини англатиб, мусулмон ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ислом илоҳиётининг бир соҳасидир. Фиқҳ диний ҳуқуқшунослик сифатида икки соҳада — шариат манбаларини ишлаб чиқиш ("усул ал-фиқҳ") ва шариатни муайян бир соҳаларга татбиқ қилиш ("фуруъ ал-фикр")дан иборат белгиланган.

Қуръон шариат ҳуқуқининг бош манбаи сифатида, ҳадислар унга қўшимча ёки тўлдирувчи манба, дунёвий ҳуқуқ эса ундан ҳосила бўлиб, фақат унга зид келмаган ҳолдагина қўлланилган. Қуръоннинг деярли барча суралари у ёки бу даражада ҳуқуққа оид қоидалардир. Мусулмон ҳуқуқининг оила, мерос ва бошқа тармоқларини тартибга солиш ва кодификация қилиш Миср, Сурия, Ирок, Иордания, Тунис, Марокаш, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатларда махсус қонунлар қабул қилиш шаклида амалга оширилмоқда. Бу мамлакатларнинг айримларидаги

кодексларда мусулмон ҳуқуқининг таъсири сақланиб қолган. Бир қанча араб мамлакатлари конституцияларида мусулмон ҳуқуқи қонунчиликнинг асоси ҳисобланиб, фуқаролик ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида уни қўллашга рухсат этилган; бу мамлакатларда шариат асосида иш кўрадиган судлар ҳам мавжуд. Шунинг учун диний мусулмон ҳуқуқи билан мусулмон давлатлари ўуқуқини фарқлаш лозим.

Шундай қилиб, мусулмон ҳуқуқида солиқлар ва оликлар борасида изчил концепция юзага келмаган, балки давр ва ҳукмдорнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, зарурат туфайли зўравонлик билан ундирилган. Шу боисдан Ислом оламида, жумладан, Марказий Осиёда ҳам тасодифий ёки кўп йиллар олдин солиқ ундирилиши кўп учрайди. XX асрда мусулмон мамлакатлар кўпчилиги Европа андозалари заминида ривожланишга ўтиши шариатда ривожланган иқтисодиёт асослари йўқлигини, бинобарин, руҳий ва маънавий эҳтиёжлар иқтисодиёт асоси бўла олмаслигини исботлади. Қуйида Ўрта Осиё хонликларида муомалада бўлган айрим тасодифий ва мунтазам солиқларга тўхталамиз.

Закот — Қуръони карим асосида мусулмонлардан олинадиган диний "покланиш" солиғи, унинг қоидалари ва миқдори шариат йўли билан ўрнатилган, ушбу солиқ тўлови ихтиёрий, ҳеч бир мажбурловсиз амалга оширилади.

Ушр — аҳоли жон бошидан умумий даромаднинг ўн фоизи миқдорида ундирилган мунтазам солиқ.

Жузя — мусулмонлар давлатида ғайридинлардан олинган мунтазам солиқ; ҳозир ҳам айрим мамлакатларда олинади.

Алғут — Хоразм хонлигида XVI—XIX асрларда айрим солиқлар ва оликлар шундай юритилган; аксар фавқулодда солиқлар.

Танҳо — салтанатга нисбатан катта хизматлар эвазига бериладиган мулк; баъзан пул кўринишида бўлган; танҳо эгаси "танҳодор" деб юритилган.

Толор — қўшин таъминоти учун тўпланадиган муваққат озиқ-овқат солиғи; асосан шайбонийлар ва аштархонийлар даврида амал қилган.

Ошлиқ — уруш пайтида олинадиган муваққат ва фақулодда солиқ.

Салғут солиғи — Хоразм хонлигида ер солиғининг бир тури. Мунтазамга айланган.

Сўғуш солиғи — Хоразм хонлигида туркманларга нисбатан қўлланган бу солиқ хўжайинга бирор жонлиқ сўйиб бериш тарзида тўланган.

Тархонлик мулки — фақат "хирож" ва "ушр" тўлаган, бошқа ҳар қандай солиқ ва жаримадан озод қилинган ерлар; асосан ҳарбийлар эга бўлишган. Тархонлик ҳодисаси ҳозирги "эркин иқтисодий зоналар" ёки "оффшор зоналар"га ўхшаб кетади. Мовароуннаҳр тарихида Нурота ва Шаҳрисабз минтақасида жалойирлар ва кенагаслар тархонлиги сақланиб қолган (1870-йилларга қадар). Тархонлик "хирож"ни жанговар отлар ва сипоҳийлар тариқасида тўлаган. "Ушр" мажбурий, "закот" ихтиёрий бўлган. Хуллас, ўзига хос эркин иқтисодий зонаси сифатида "тархонлик" туркий давлатчиликнинг нодир кўринишидир.

Моли омон (пули омоний) — мағлуб шаҳар талон-торож қилинган ёки аҳолидан унинг эвазига моли омон (товон) олинган; моли омоний баъзан китоблар ва бошқа моддий неъматлар тарзида олинган ҳоллар ҳам учраган.

Муширф — ҳукмдорга тақдим этилган пешкашлар, ҳарбий анжомлар, шунингдек, солиқ тизимларини қайд этувчи амалдор. Кейинчалик "закотчи" солиқлар мутасаддийсига айланган.

Вақф — давлат ва амалдорлари томонидан диний муассасаларга, масжид, мадраса ва мозорларга ажратилган мол-мулк, ерлар.

Амлок — давлат ерлари.

Омил — солиқ йиғувчи амалдор; муҳассил эса асосан уруш пайтида товон ва солиқларни тўплаган.

Молужиҳот — рента солиғи.

Танобона — ҳар бир таноб экиндан олинган ҳосил солиғи.

Алаф пули — чорвадорлардан яйловлардан фойдаланганлик учун олинган солиқ.

Бож — чет элликлар, баъзан бекларда бошқа мамлакатга ва бекликка келгани учун олинган солиқ.

Чўппули — мўғуллар жорий этган "кўпчур" чорвадор солиғининг янгича шакли Бухоро амирлиги ва Хоразм хонлигида йиғишда давом эттирилган. "Алафпули"нинг бир кўриниши.

Лабируд — манғитлар ҳукмронлиги даврида дарё ва кўл ҳавзаларида яшаган аҳолидан олинган мажбурий тўлов. Минтақада кемачилик ва балиқчилик ривожланишига салбий таъсир этган.

Кабуди — Бухоро амирлигида 1760-йилларда кўкат етиштирувчи деҳқонлардан ундирилган олиқ. Кейинчалик уруғчилик ривожига салбий таъсир ўтказган.

Тутунпули — Қўқон хонлигида чорвадорлардан овул, баъзан деҳқонлардан ҳовли бошидан овқат пиширгани учун олинган мажбурий тўлов, баъзан бир пиёла қатиқ билан олинган.

Тагжойи — бозорларда савдо ўрни учун тўланган солиқ, Бухоро амирлигида кенг тарқалган эди. Тўловлар ичида одилларидан бири, савдогарлик ва савдо маданияти ривожланишига имкон берган.

Солиқлар, худди кишилик жамиятидаги барча давлатчилик асослари сингари, асрлар давомида такомиллашиб келди. Солиқ

сиёсатини тўғри юритиш давлат, жамият ва халқ равнақига хизмат қилса, ундаги нуқсонлар ишлаб чиқарувчиларнинг касодга учрашига замин яратиб берди. Солиқ сиёсати ҳамиша жамиятнинг маърифий ривожланишига боғлиқ бўлган. Жаҳон миқёсида, жумладан, Марказий Осиёда ҳам иқтисодиёт ривожлангани сайин солиқлар ва йиғимлар бирхиллашиб ва камайиб бориши, аксинча, иқтисодий нураш даврида солиқлар истибдод воситасига айланиб қолиши кузатилади. Оқсоч тарихимизнинг қарийб бир ярим минг йиллик даври Ислом дини ва шариати қонун-қоидалари асосида кечди. Маҳдуд сиёсат туфайли илғор дунёқарашлар Мовароуннаҳрга кириб кела олмаган. Сомонийлар, Салжуқийлар ва Темурийлар айнан минтақа эҳтиёжларидан келиб чиқиб, иқтисодиётни ривожлантирдилар, меъморий ва маънавий ёдгорликлар дунёга келди. Айрим ҳукмдорлар эса солиқ баҳонасида аҳолидан борини "тишини қоқиб олгандек" тортиб олишди. Солиқ жамиятни ҳаракатлантирувчи куч эмас, балки "миллатни эзувчи" категорияга айланди. Ҳозир жаҳон миқёсида солиқларни камайтириш, муниципал бошқарув ваколатларини кенгайтириш ва устивор молиявий таъминлаш жараёни кечмокда. Айни жараён забардаст компаниялар ва корпорациялардан солиқларни кўпроқ ундириш, кичик ва ўртача корхоналарга, якка тадбиркорларга имтиёзлар бериш баробарида давом этаётир. Шариат асосида ишлаб чиқилган "закот", "хирож", "жузья" сингари солиқлар тарихий вазифасини ўтаб бўлди, аммо "ушр", яъни даромаднинг ўндан бирини давлат фойдасига ундириш ҳатто бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда ҳам анъанага айланса керак. Негаки, даромад солиғини камроқ тўлаган ишлаб чиқарувчи корхонасини ва тадбиркорликни ривожлантиради, табиийки, кейинчалик жамият ва давлатга кўпроқ фойда келтиради — қўшилган қиймат солиғини тўлайверади. Бу ҳодиса Россия Федерациясида бошланди, АҚШ, Япония сингари қудратли давлатларда давом эттирилмокда. Демак, Шарқнинг тарихий тажрибалари ҳали ҳам инсониятга хизмат қилади. Келажакда солиқлар ва йиғимларни кодлаштириш ва бирхиллаштириш жараёни давом этади. Биз эса, минтақамиз тарихида солиқлар мавзусига қисқача саёҳат қилдик, насиб этса, кейинги рисолаларда ҳам бу мавзу янада ривожлантирилади ва кенгайтирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Ўзбекистон—бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. 1-жилд.—Т.: Ўзбекистон, 1996. 274-359 бетлар.
2. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. 3-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 175-366 бетлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Тошкент—2002.
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунлари. Т.: Ўзбекистон, 1992.
5. Налог на добавленную стоимость: Сборник нормативных документов. //Состав. В.Г.Пансков 5-е изд. перераб. и доп. М.: *Международный центр финансового экономического* развития, 1995 г. 277 с.
6. Абдуллаев Ё., Яҳёев Қ. Солиқ мавзусида 100 савол ва жавоб. Т.: Меҳнат, 1995.
7. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис. 1-китоб. Қомуслар бош таҳририяти. Тошкент—1997.
8. Амир Темур тузуклари. Тошкент, 1996.
9. Амир Темур жаҳон тарихида. "Шарқ", 1996.
10. Вито Танзи. "Налогово - бюджетная политика в странах с экономикой переходного периода". Вашингтон: Международный валютный фонд. 1993.
11. Гадоев Э. И др. "Налоги в Республике Узбекистан". Методическое пособие. Т.: Издательский дом "Мир экономики и права", 1997. С.352.
12. Маликов Т.С. "Солиқ ҳам имтиёз". Иқтисод ва ҳисобот. 1995. 1-сон. 30—31-бетлар.
13. Маликов Т.С. Солиқ ва имтиёз диалектикаси. Иқтисод ва ҳисобот. 1998. №7.

16. Маликов Т.С. "Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари". "Академия" нашриёти, Тошкент - 2002.
17. Маманазаров А. Б., Юлдашев И. С. Бозор муносабатларини тартибга солишда Давлат бюджетининг ўзига хос хусусиятлари// Халқаро илмий – амалий анжуман материаллари. Фарғона: 2000.
18. Маманазаров А. "Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда солиқлар ролини такомиллаштириш". Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси. 2001. 10-11 сон.
19. Маманазаров А. Налоговые сборы и местные бюджеты. // Журнал налогоплательщика. 2001. 10—11 сон. 72—73-бетлар.
20. Маманазаров А. Б. Вопросы совершенствования процесса формирования местных бюджетов. МГУ им. В. М. Ломоносова. Сборник тезисов молодых ученых и аспирантов Российской Федерации и Зарубежья — "Актуальные вопросы современной науки". М.: "МАКС Пресс". 2001. С. 8-11.
21. Мустақиллик: изоҳли луғат. "Шарқ". Тошкент — 1998.
22. Н.Негматов. Государство Саманидов. Душанбе, "Дониш", 1977,
23. Левитин Л. "Ислом Каримов — Янги Ўзбекистон президенти". Тошкент, "Ўзбекистон", 1996.
24. Олимжонов О. "Иқтисодий мустақиллик ва солиқлар". Ҳаёт ва иқтисод. 1992. 3 сон.
25. Олимжонов О. Молиявий барқарорлик. // Иқтисод ва ҳисобот. 1993. № 7.
26. Олимжонов О., Маликов Т.С., Қоралиев Т.М. Замонавий молия-банк атама ва ибораларнинг инглизча-русча-ўзбекча эквивалент луғати. Т.: "Шарқ". 1996.
27. Павлова Л.П. Финансы местных органов управления капиталистических стран. Москва: "Финансы ". 1977.
28. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Тошкент, 1995
29. Собиров Х. "Великий Темур опередил А. Смита". Налоговые и таможенные вести. 1995. № 14.

30. Собиров Ҳ. “Амир Темур давлатининг молия сиёсати”. Солиқ тўловчининг журнали. 1996.
31. Собиров Ҳ. “Ўзбекистонда молия, кредит ва пул муомаласи сиёсати”. // Ҳамкор. 1999. 1 сон.
32. Собиров Ҳ. Ўзбекистон Давлат молияси тарихи.// “Таълим манбаи”. Т.: 2002.
33. Иноятов С. Кўҳна тарих гувоҳи. Тошкент, 2000.
34. Иноятов С. Н.Йўлдошев, О.Ҳайитова. Кўҳна тарих гувоҳи. Тошкент, “Шарқ”, 2000.
35. Трунин И. “Межбюджетные трансферты в Российской Федерации”. Москва. ТЕИС. 2000.
36. Ibn Xaldun. Mukaddime. 1990, Istanbul. 1-jild
37. Қуръони карим. Шайх Аълоуддин Мансур таржимаси. Тошкент, “Шарқ”, 2001. Турли сураларнинг тегишли оятлари.
38. Қўчқоров Ж., Аношкина В., Острогожская Э., Мусаев Д., Жалолов И. иштирокидаги Иқтисодий тадқиқотлар марказининг маърузаси. // Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш масалалари. Тошкент: 2000.
39. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М.. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: “Меҳнат”. 1995.
40. Шарафиддин Али Яздий. “Зафарнома”. “Шарқ”, 1996.
41. Шарифхўжаев М. Путеводитель к рынку. // Экономика и статистика”. 1996. №11.
42. Шаулов Д.И., У.Т.Кан. Солиқ қонунчилиги асослари. Тошкент, 1999.
43. Хондамир ва унинг илмий мероси.// Б.Аҳмедов. “Тарихдан сабоқлар”. Т. “Ўқитувчи”, 1994.
44. Яҳёев Қ. “Солиқлар иқтисодиётни бошқарувчи қуролдир”. Иқтисод ва ҳисобот. 1993. №11.
45. Яҳёев Қ. Ўзбекистонда солиқ тизими. Тошкент: Меҳнат. 1998.

46. Яҳёев Қ. Соликка тортиш назарияси ва амалиёти. Тошкент: "Адабиёт ва санъат". 2000. 166 бет.
47. Язык бизнеса. Энциклопедический словарь. Ташкент, 1996.

М У Н Д А Р И Ж А

К и р и ш.....3

Биринчи бўлим
Солиқ ва солиқ сиёсати ҳақидаги илк ғоялар.....5

Иккинчи бўлим
Ўзбекистон республикасида
солиқ сиёсатининг хусусиятлари.....61

Учинчи бўлим
Иқтисодий ривожланган давлатларда
солиқ сиёсатининг муҳим жиҳатлари.....105

Хулоса ва таклифлар.....126

Қўшимча қисқача луғат.....134

Фойданилган адабиётлар.....143

Абдухаким Маманазаров

Солик сиёсати

Мухаррир *Ё. Абдуллаев*

Техник мухаррир *М. Алиева*

Мусаххих *Б. Эшпўлатов*

ИБ 349

Босишга рухсат этилди 20.12.2002 йил.
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. Шартли босма табоғи 9,25. Нашриёт табоғи 8.78.
Адади 2000 нусха. 73-сон буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Молия нашриёти, 700000 Тошкент, Якуб Колас кўчаси, 16
Шарнома № 42-02

"OFSET-PRINT" босмахонаси.
Тошкент, Киркиз кўчаси, 10-уй.

1075-00
65.9(2)2
м-22



Абдуҳаким Маманазаров 1960 йил Денов шаҳрида туғилган. У Тошкент Молия институтини тугатиб, шу илм даргоҳи қошида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маркетинг хизмати маркази бошлиғи. “Денов дурдонаси” рисоласи ва кўплаб илмий мақолалари чоп этилган.